

0-89

СҮЗИНГ БУЛБУЛ ЭСА



БҮСТОНСИЗ ҚОЛМАС

Китоб кўрсатилган муддатда
топширилиши керак

Фойдаланилганлик сони _____

83.3(54) (1)

С-89 Я.Тотиев

Сўзини булбул эса

Бўстонсиз қолмас

506740

Анн-2013

5000с

карт.

С-89

СЎЗИНГ БУЛБУЛ ЭСА БЎСТОНСИЗ ҚОЛМАС

(Фарид Усмон ижоди ҳақида)

УЎК: 821.512.133-1 (092) Усмон
КБК: 83.3 (5 Ўзб)
С – 89

Тўплаб нашрга тайёрловчи
ва масъул муҳаррир:

Хурмамат ТОЖИБОЕВ.

Тақризчилар: Ҳалим Карим,
филология фанлари номзоди, доцент.
Баҳодиржон Раҳмонов,
филология фанлари номзоди, доцент.

«Андижонда бир ишқли дил бор» рисоласининг тўлдирилган нашри сифатида ўқувчиларга тақдим этилаётган ушбу китоб Андижон фарзанди, таниқли ижодкор Фарид Усмон асарлари таҳлилига ва умуман адабиётимиз муаммоларига бағишланганлиги ҳамда ижод ҳақидаги қизиқарли суҳбатлар жамланганлиги билан эътиборлидир. Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, мажмуада шоир таваллудининг 50, 60 йиллиги муносабати билан эълон қилинган мақолаларда ва асарлар номларида тақдорлар бўлиши мумкин.

Рисола адабиёт мутахассислари, шоир, ёзувчилар ва мухлислар учун мўлжалланган.

Адабиёт оламида балки, янгилик бўлмасада, ўзгача бир йўл тутмоқ ниятида ушбу рисола яратдик. Рисола ўз ўрнида шоирга, унинг асарларига билдирилган фикрлар мажмуасидир.

Фарид Усмон билан бирга, бир даврда яшаган, ижод қилган ҳамқалам ва ҳамқадамлар унинг барча қирраларини ўрганиб улгурмагандир, албатта. Унинг ижодида қанчалик ғурур, шуур, ташвишу ўғитлар борлигини асарини ўқиган ўз тарзуси билан ўлчайди ва ўзининг ақл доирасида баҳраманд бўлади.

Ушбу рисола Фарид Усмон ҳақида айtilган фикрлар ва асарларига шарҳлардан иборат бўлиб, муаллиф ички дунёси билан таништиради, шоир асарларида нигоҳларида яна қандай яширин туйғулар борлигига йўл очиб беради, деган умиддаман.

Хурмамат ТОЖИБОЕВ.

© Ҳ. Тожибоев, 2013.
© «Andijon nashriyot-matbaa»
МЧЖ, 2013.



МИННАТДОРЧИЛИК

506740

Ўзинг ҳақингда гап қилиш, баъзи бир одамларга малол келиши аниқ. Лекин ҳақиқатни англаиб кўйиш, ижод жараёни ҳам ўзига хос бир мураккаб иш эканлигини китобхонга билдириб кўйиш, менимча, фойдадан холи эмас. Отахон шоирларимиздан бири «Ўз-ўзингни мақтаганда индамай тургайму, мен» деб бежиз айтмаган-ку ахир. Дарҳақиқат шундай. Умрим давомида кўп нарсаларни бой берганлигимни кейингина англаб қолгандайман. Айниқса, дўст тутиниш борасида кўшиқда айtilганидай, «Дўст бўсанг ёнимда тур», сатрларининг маъносини кечроқ тушунганга ўхшайман. Ҳай, майли. Шуниси ҳам шукр. «Ҳечдан кўра кеч яхши, - дейишган-ку. Уқувсиз, маънавияти заиф кимсалар даврасидан қутилиб, яхшилар, тўғрироғи, илм аҳли, том маънодаги олимлар суҳбатига мушарраф қилганига Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин. Ушбу китоб ана шунинг меваси чоғимда. Илмий баҳслар, узоқ суҳбатлар, теран мушоҳадали мунозаралар ижодимга кўп нарса бергандай, анча ўзгаргандайман.

Олим, адабиётшунос Хурмамат Тожибоев ушбу китобни кўлимга бериб, «бир кўриб чиқинг, иложи бўлса сўз ёзиб беринг», деб қолди. Китобни варақлаб бир томондан қувондим, иккинчи томондан анчайин мулоҳазага бордим. Қувонганим шу эдики, менинг «уриниш»ларим ҳақидаги китоб эди, бу. Мулоҳазага борганим эса, ўзим ҳақимда ёзилганларга сўз ёзиб беришлик дегандек... Уйлаб кўрсам, домла ҳақ экан, сўнг ушбуларни ёзишга жазм этдим.

Тўғриси, илгаритдан китобларим, ижодим ҳақида бировларга «ёзинг», деб бир оғиз ҳам гап қилмаганман. Баъзи бир адиб, шоирлардай ўзи ҳақида ўзи ёзиб атоқли ёзувчиларга хушомад, ялиниш билан қўл кўйдириб китобига киритиш, газеталарда эълон қилишлардан ор қилганман. Бир

вақтлар тошкентлик амалдор бир ёзувчи акамиз, «Фариджон, ўзи шунақа, эллика кирибсиз, ўзингиз бир нима қоралаб келинг, «Адабиёт ва санъат» газетасига менинг номимдан чиқарамиз», деб қолди. Ҳайрон бўлгандим ўшанда, ўзим ўзим ҳақимда ёзсам, бу кишим номидан чиқса...

Кейин, ўша одам билан кам гаплашадиган бўлганман. «Ўз-ўзини мақташ»нинг бу йўли мен учун мунофиқона бир иш эди. Аммо ўз қалб амри, ўз ихтиёрлари билан кичкина ижодим ҳақида бу китобда айтилган барча фикрлар учун мен уларнинг ҳаммасига ушбу мулоҳазалар орқали ўз миннатдорчилигимни билдириб қўйишни инсоний бурчим деб билдим. Ҳаммаларига раҳмат!

Фарид УСМОН.

Йўлдош СОЛИЖОНОВ,
Фаргона давлат университети ўзбек
адабиётшунослиги кафедрасининг профессори,
филология фанлари доктори.

ҒАЗАЛ СЕҲРИ ВА МЕҲРИ

(Таниқли шоир Фарид Усмон билан суҳбат)

Йўлдош Солижонов: Сизнинг «Олтин беланчак» туркумида нашр этилган илк тўпламингиз «Водий ғазаллари» деб аталган эди (1979 йил). Демак, Сиз ижодингизни ғазал ёзишдан бошлагансиз. Сизга яхши маълумки, кўҳна ва ҳамиша навқирон ғазал жанри ўзининг қатъий қонун-қоидалари, тартиби ва тизимига эга. Жанр талабларининг биронтасига амал қилинмаса, ғазал деб қабул қилинмайди. Ўттан 30 йил мобайнида бу жанр ҳақидаги тасаввурингиз ўзгардимми? Ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ижодингиз жараёнида қандай янгиликларни ўргандингиз?

Фарид Усмон: Аввало, менинг биринчи китобимни эслатганингиз учун раҳмат! Дарҳақиқат, уни олам юзини кўрганига 30 йил бўлди. Тўпламдан 21 та ғазалим ўрин олганди. Аммо шу кичкина китобчам ҳам анча машаққатлар билан чиққан. Тўрачилик бошқарув тизимида ҳукмрон бўлган ўша пайтларда ижодкорнинг биринчи китобини чиқариб олиши жуда қийин эди. Бунинг устига ўтган асрнинг 70-йилларида ғазалга қаршилик жуда кучли эди. У «эскилик сарқити, ҳозирги совет ўқувчиси уни тушунмайди» деб қараларди. Менинг тўпламим эса фақат ғазаллардан ташкил топганди.

Йўлдош Солижонов: Тўғри, истеъдодли шоиримиз Эркин Воҳидовнинг «Ёшлик девони» чиққандан кейин қанча шов-шув, баҳс-мунозара бўлган. «Ўзбекистон маданияти» (ҳозирги «Ўзбекистон адабиёти ва санъати») газетасида бир неча ойлаб туркум-туркум мақолалар эълон қилиниб, шоир ғазаллари муҳокама қилинган эди. Айрим адабиётшунослар «Ғазал эскириб қолди, унда бугунги совет воқелигини акс эттириб бўлмайди. Э. Воҳидов адабиётимизни орқага тортяпти» деб даъво ҳам қилган эдилар.

Фарид Усмон: Ҳа, ижод майдонида эндигина тетапоя қилаётган биз каби ёш авлодга айнан Эркин аканинг таъсири

кучли бўлганди. У пайтда мен талаба эдим. Девонни кўтариб юриб барча курсдошларимга, дўстларимга «Мана, ғазал дегани мана бунақа бўлади. Ғазал ўзини энди кўрсатади. Кўриб кўйинглари, ўқинглари» дея мақтаниб, ҳаяжонланиб юрганларим ҳамон эсимда. Мендаги бу ҳаяжон, бу гурурлар ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. Унинг ўзига хос асослари бор эди. Шулардан биттасига эътиборингизни қаратмоқчиман.

Маълумки, она алласи Оллоҳ инояти билан сиз-у бизнинг қалбимизга бир буюк туйғуни сингдиради. Бу туйғу – меҳр, бу туйғу – муҳаббат. Бу – халқни, Ватанни англаш туйғуси. Буни ҳаммамиз яхши биламиз ва қадрлаймиз. Худди шунга ўхшаш Қуръон оятларининг қироат қилинишида ҳам ана шундай бир жозоба сеҳри бор деб ўйлайман. Мендаги аруз вазнига қизиқиш, ғазалга меҳр эҳтимол, ана шулар туфайли пайдо бўлгандир. Она томондан отам раҳматли дераза тоқчасига Қуръон китобини кўйиб олиб (албатта яширинча), оятларни овоз чиқариб такрор-такрор ўқир, мен эса кўпинча дераза ёнидаги чорпояда чўзилиб ётиб (беш-олти яшар бўлсам керак-да) тиловат оҳанглари маҳлиё бўлиб эшитардим. Болалик туйғуларим ундан ўзгача «озуқа» оларди. Шу таассуротлар асос бўлганми, ёки бошқа сабабми, ишқилиб, кейинроқ Навоий, Бобур, Машраб, Муқимий, Фурқат, Завқий каби оташнафас шоирларнинг ғазалларини қийналмай ўз оҳангида ўқий бошлаганман. Ғазални оҳангли қилиб ўқиш, ўрганиш, мавзулар моҳиятини англаш аруз вазнига, мумтоз шеърининг энг гўзал ва энг баракали жанри бўлмиш ғазалга нисбатан меҳру муҳаббатимни улғайтириб келяпти.

Ўтган йиллар мобайнида мен шунга амин бўлдимки, ғазал жанрининг имкониятлари ниҳоятда кенг экан. Етти-саккиз байтлик ғазалга бутун бир романга арзигулик оламжаҳон муаммони сингдириш мумкин. Бунга эришиш учун ижодкор катта билим заҳирасига, луғат бойлигига эга бўлиш, араб, форс тилларини ҳам билиши шарт экан. Баъзан шу жиҳатдан қийналиб қоламан, иложи борича кўпроқ ўқиш ва ўрганишга уринаман.

Йўлдош Солижонов: Фариджон, Сиз Андижонда туғилиб, шу ердаги олий билим даргоҳида таълим олгансиз. Узоқ вилоятда яшаб туриб, пойтахтда китоб чиқариш у

пайтда чиндан ҳам осон эмасди. Айтинг-чи, биринчи китобингизнинг қийинчиликларини қандай енгдингиз?

Фарид Усмон: Ўқувчилик йилларимдаёқ ғазал машқ қилардим. Бироқ ҳеч кимга кўрсатмаганман. Талабалик даврида адабий кечаларда, пахта терими мавсумида кечалари гулхан атрофида дўстларимга ўқиб берган пайтларим бўлган. Институтни битирганимдан сўнг ижодимни камолотга етказиш учун Тошкентга бормасам бўлмаслигини ҳис қилдим. Иқболим чопганини қарангки, ўша пайтда Москвадаги Олий адабиёт курсига тавсия этишди. Жон деб бордим. Қайтиб келгач, Тошкентда бир неча йил ишладим. Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Жамол Камол, Рауф Парфи, Маъруф Жалил сингари устоз шоирлар билан танишдим, назарларига тушдим. Улардан ижод сирларини янада чуқурроқ ўргандим. Илк тўпламининг чиқишидаги қийинчиликларни енгишимга эса устозим Эркин Воҳидов катта кўмак бердилар. У кишининг тавсияси билан Жамол Камол ўша «Водий ғазаллари» номли китобчамга «Оқ йўл» тилаб, сўзбоши ёзиб берди. Бунгача ҳам Эркин акамнинг ташаббуси билан чоп этилган «Ёшлик баёзи»га ўндан ортиқ ғазалларим киритилган эди. Умуман, ғазал ёзишга бўлган меҳр, иштиёқ мени тинч қўймасди. Бунинг устига ўзимнинг ғазалнавис ҳамюртларим Ҳабибий, Восит Саъдулла, Тошкентдаги устозларимдан олган сабоқларим бу жанрда янада ишлашга ундарди. Орадан кўп ўтмай, яна бир китобим босилдики, уни Эркин акамнинг «Ёшлик девони»га ҳавас қилиб, «Ёшлик ғазаллари» деб атадим.

Йўлдош Солижонов: Ғазал деганда асосан ошиқона мавзудаги, лирик қаҳрамон-ошиқнинг маъшуқа гўзаллиги олдидаги ҳайрати-ю, висол йўлидаги азоб-уқубатларини ифодалашга бағишланган асарлар тушунилади. Сизнинг «Рух булбули», «Ҳусн девони» каби китобларингиздаги ғазалларнинг аксарияти эса ижтимоий, иқтисодий ҳатто сиёсий мавзуларда бўлиб, унда қўлланилган айрим сўз ва иборалар ғазалнинг мусиқий оҳангига қандайдир дағаллик, кескинлик, риторик таранглик бағишлаётгандек туйилади. Бу ҳақда ўзингизнинг фикрларингизни билишни истардим.

Фарид Усмон: «Ғазалдур сафобахши аҳли назар, Ғазалдур гули бўстони ҳунар» деган эдилар Фузулий устоз (Э. Воҳидов таъбири). Бу ҳунарни эгаллаш ниҳоятда

мураккаб жараён эканлигини мана қирқ йилдан буён ўз бошимда синаб келяпман. Шунинг учун мен бемалол овоз чиқариб «Ғазал ёздим» деб мақтана олмайман. Менинг шунча йилдан буён уринишларим ғазал яратиш йўлидаги ҳаваскорлик самаралари, холос. Чиндан ҳам ўзингиз айтганингиздек, мумтоз шеърият билимдонлари қадим-қадимдан ғазал бу - гўзаллар билан суҳбатлашиш, ўйнашиш маъноларини англатади, деб шарҳлайдилар. Улар наздида бундай «суҳбат», гўзаллар билан «ўйнашиш» яхши маънода, тўғрироғи, одоб доирасида тушуниланган. Бора-бора инсон тафаккурининг тараққий этиб бориши билан ғазалга ўзгача мазмун сингдирила бошланди. Чунки одамзод такомиллашиб боргани сари унинг нарса ва ҳодисаларга муносабати ҳам, дунёқараши ҳам ўзгариб боради. Энди фақат реал ҳаётдаги гўзални мадҳ этиш, унинг хусни-жамоли олдадаги ҳайратини тасвирлаш ғазалга торлик қилиб қолди. Гўзал тимсоли орқали илоҳиёт маъноларини мужассам этиш истаги авж олди. Чунки калом (сўз) илоҳий неъмат эканлиги идрок этилди. Илоҳий идрок бор жойда эса сўзсиз, теранлик зоҳир бўлади.

Шу маънода ғазал ҳам бошқа жанрлар сингари ҳаётнинг турли соҳаларини акс эттиришга ҳақлидир. Ҳазрат Навоийда ижтимоий маъно юкланган ғазаллар йўқ дейсизми? Ёки Муқимий, Фурқат ғазалларида қанча-қанча сиёсий мавзулар учрайди. Менимча, ғазал ҳам ижтимоий ҳаётнинг долзарб мавзу ва муаммоларидан ўзини четга ололмайди. Мен ҳам ҳаётдаги айрим етишмовчиликлар, норасоликларга ғазалларим орқали муносабат билдиришга уринаман. Тўғри, изланишларимда дағаллик, кескинлик, риторик тарангликлар содир бўлиши мумкин. Буни энди ғазалчиликдаги анъанавий ўта муте бўлиб қолмаётганлигимдан, ҳаёт ҳодисаларига ўз овозим билан ўз муносабатимни билдириш истагидан деб баҳолаш керакдир балки...

Йўлдош Солижонов: Маълумки, ғазал тузилиши жиҳатидан матлаъ билан бошланиб, мақтаъ билан якунланади. Жанр талабига кўра матлаъ (ғазалнинг биринчи байти) ўзаро қофияланиши шарт. Сизнинг бир неча ғазалларингизда эса матлаъ қофияланмаган. Аксинча, қитъа деб тақдим этган ижодий намуналарингизнинг барчасида биринчи байт жанр қонуниятига хилоф равишда ўзаро

қофияланиб келади. Нега? Бу ғазал ва қитъа жанрлари қондасини бузиш эмасми?

Фарид Усмон: Менимча, ҳар қандай ижодкор ҳам асар ёзишга киришаётган пайтида «мана бу жанрда ёзаяпман, бунинг мана бундай қонун-қоидалари бор, мен уларга амал қилишим шарт» деган ўй-фикр билан банд бўлмайди. Унинг хаёли энг аввало, ўйлаган гапини ўқувчига қулайроқ усулда, ўзининг фикрига мос равишда етказишга қаратилади. Шахсан мен масалан, мана бу фикримни ғазалда ифодалайман, бу ғояни қитъага сиғдираман деб ўйламайман. Кўнглимда туғилган туйғу ўз-ўзидан шаклланиб қоғозга тушаверади. Агар ижодкор назарий қоидалар қуршовида ўралашиб қолса, ўша туйғулар ўқувчига тўлақонли, росмана етиб бормаслиги ҳам мумкин.

Устоз А. Орипов суҳбатларимиздан бирида ярим ҳазил, ярим чин қилиб «Фарид, ғазалга чопон кийдириб, бошига салла кўндириб кўймагин. Ғазалларингизда мавзулар бағрикенглиги бўлсин» деган эдилар. Устознинг бу ўғити бот-бот хаёлимда такрорланаверади ва мени чуқур ўйлашга, мушоҳада юритишга мажбур қилади. Кўҳна ва ҳаммиша навқирон ғазал жанри қоидаларига ҳам бағрикенглик билан ёндашиш истаги менда эҳтимол, устозларнинг ана шу сабоқларидан келиб чиққандир.

Энди бугунги ҳолатга келсак, ғазал ҳақида, аруз вазни тўғрисида билиб-билмай сафсата сотадиганлар анча кўпайиб қолди. Ғазалнавис «шоир»ларнинг сероблигини айтмайсизми?! Нуқул ғазаллардан ташкил топган катта-катта китоблар ҳам чиқаришяпти. Навоий, Бобурни билмай туриб, ғазал шаклида арзимаган гапларни ўқувчиларга «едиришга» ҳаракат қилаётганлар ҳам қанчадан-қанча. «Бармоқдаги ғазаллар» дегувчилар ҳам чиқиб турибди. Қисқаси, ғазал мулкисининг пирлари бизга шу кунгача дарс бериб турган эканлар, уларга лойиқ сўз айтишга, покиза руҳларини ранжитмасликка ҳаракат қилишимиз лозим. Ёшларимиз ғазални кўп ўқишлари ва тушунишлари зарур. Мумтоз шеърият, мусиқа одамнинг ҳис-туйғусини нафислаштириб, идрокини теранлаштириши турган гап. Мен даставвал мана шу эзгу ният билан кўлимга қалам оламан. Мана шу ниятимни ифодалаш жараёнида баъзи қусурларга йўл кўяётган бўлсам, бу менинг тажрибасизлигимдан,

изланишларим давом этаётганидан, ғазал бўстониинг сарҳадларини мукаммал эгаллай олмаганимдандир.


Йўлдош Солижонов: «Рух булбули» номли девонингизда мумтоз адабиётимизнинг кичик жанрларидан яна бири бўлган фардлар ҳам талайгина учрайди. Адабиётшуносликка оид луғатларнинг барчасида «фард» арабча сўз бўлиб, «якка, ёлғиз» деган маънони англатиши, ҳажми атиги бир байт (икки мисра)дан ташкил топиши мисоллар билан исботлаб берилган. Сизнинг фардларингиз эса ҳажман жуда катта, энг ками 8 мисра (4 байт)дан иборат. Бу ҳам Сизнинг ўзингизга хос новаторлигингизми?

Фарид Усмон: Ижодий жараённинг индивидуаллиги хусусида юқорида гапириб ўтдим. Бундан мақсад шуки, бу ғазал, мана бу қитъа, фард ёки матлаъ, мақтаъ, қофия шартлари тўғрисидаги гапларга Абдулла аканинг айтганлари яна бир шарҳ холос. Энди образли қилиб айтадиган бўлсак, энгига чопон ёки халат, оёғига кавуш-маҳси кийиб, бошига салла ўраган, иягига соқол қўйган мулла билан замонавий костюм-шим кийган, бўйнига галстук боғлаб, бошига шляпа қўндирган, оёғида энг сўнги модадаги туфли, энгаги қиртишланган кишининг ёнма-ён туришини тасаввур қилиб кўрайлик. Моҳият битта – иккаласи ҳам инсон. Миллати – ўзбек. Балки ғазалчилигимизда ҳам шунақа ранг-баранглик содир бўлаётгандир? Уни таҳлил этиб бериш эса адабиётшунос олимларимизнинг вазифаси деб биламан. Якуний гапим шуки, мен мутлақо новаторлик даъво қилаётганлардан эмасман. Фақат қалбим ундаган туйғуларни фикрим тарозисида ўлчаб ёзишга ҳаракат қиламан холос. У қанчалик чиққан-чиқмаганлигини баҳолашга ўзимни қодир ва ҳақдор деб ҳисобламайман. Баҳолаш – ўқувчи-шеърхонлар ҳукмига ҳавола...

Йўлдош Солижонов: Албатта, устоз У. Норматов айтганларидек, ҳар бир «Ижодкорнинг даҳлсиз дунёси» ўзига хос бўлиб, унга ақл ўргатишга, ҳалақит беришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Лекин, биз адабиётшунослар, барибир, бадий асар таҳлилига киришар эканмиз, назарий қонун-қоидалар нуқтаи назаридан ёндашамиз. Ижод аҳли асрлар мобайнида шаклланган, ҳамма томонидан тан олинган қоидаларни бузишга, хатлаб ўтишга ҳақдор эмас деб ҳисоблаймиз. Сиз «Рух булбули» деб номланган девонингизни «Ғазаллар»,

«Мухаммаслар», «Мусаддаслар», «Мустазодлар», «Рубоийлар», «Қитъалар», «Фардлар» деган номлар билан бўлимларга ажратган экансиз, нафақат мен – адабиётшунос-мутахассис, балки оддий ўқувчилар ҳам (ҳозир умумтаълим мактабларида ҳам бу жанрлар тўғрисида тўла маълумот олишяпти-да) ана шу жанрлар талабларига мос ёки мос эмаслиги ҳолатларига дуч келса, ажабланиши табиий. Нима бўлганда ҳам, Фариджон, Сиз ўз услуби ва овозига эга шоирсиз. Шеърхонлар уларни мутолаа қилиб, хонандалар куйлаб, эл орасида тарқалаётганлиги ижодкорнинг улкан бахти деб биламан. Ана шу бахт, омад Сизга доимий йўлдош бўлсин!

«Холис» газетаси, апрель, 2010 йил.



Маҳкам МАҲМУД АНДИЖОНИЙ,
Турон Фанлар академияси академиги,
Халқаро Яссавий мукофоти совриндори.

ШОИР ҲИКОЯЛАРИДА ҲАЁТ ҲАҚИҚАТИ

Халқнинг тарихий хотираси ва ўтмишдаги маънавий хазиналаридан баҳрамандлиги турли замонларнинг алғов-далғов, шовқин-суронларидан омон-эсон олиб чиқаверади. Аммо яхши замонларга етгунча халқ бошига тушган, шўро мустамлакачилиги келтирган истибдод, хор-зорликларни ҳам унутмаслик, тарихий хотирани йўқотмаслик, барча замонларда манкуртларни кўпайтирмаслик учун шоирлар ҳақ сўзни ёзиши, руҳ таназзули ҳар бир инсоннинг ўз феълидан эканлигини эслатиши – санъат аҳлларининг Ватан, халқ олдидаги бурчидир. Мир Алишер Навоий «Найсойимулмуҳаббат» асарида ҳужжат-ул-ислом Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий – Тусийнинг руҳ масъулияти ҳақидаги бир фикрни келтиради. Абу Ҳомид Ғаззолий демишки, кучли ел - қуюн ҳаво билан тупроқни гирдибод қилиб, чанг-тўзонни само устунига ўхшатиб қўяди. Шунда чанг кўзга кўринса ҳам, бу ҳаракатнинг боиси у эмас. У бор бўлса ҳам (қуввати) йўқ (форсча: ҳасту нестинамой). Ел ва ҳаво эса, кўринмаса ҳам бордир ва у чанг-тўзонни қуюн билан осмонга кўтаради. Ел тарқалгач, чанг-тўзон яна ерга тушади.

Чанг-тўзонга тенг бўлган баъзи такаббур одамлар молдавлатга бино қўйиб, «биз жамиятнинг эгаларимиз, биз уни истаган томонимизга бурамиз», деб ўйлайдилар. Буларни парвозга кўтарган нарса – ел бўлиб, у эса ўткинчидир. Аслида жамиятни бунёдкор, қўли гул, қалби гавҳар, оқил ва фозил инсонлар тараққиётга бошлайдилар.

Инсон руҳий оламидаги юксак инсоний фазилатларни ва парвоз қилувчи чанг-тўзонни аниқ билиш, «осмонга устунмиз деб», ўйловчилар аслида ўткинчи елнинг қўғирчоғи бўлган чанг-тўзон эканлигини тушуниш кучли руҳшуносларга, истеъдодли адилларга ва шоирларга хос фазилатдир. Чанг-тўзон ҳеч қачон осмонга устун бўлолмаслиги ҳаққул-яқин, асл ҳақиқатдир.

Фарид Усмон навқирон йигит умрича вақтдан бери (китобхонларнинг руҳияти далаларига) эзгулик уруғларини

сочиб келаётган шоирлардан. Шоир инсоннинг ўрни, умрнинг мазмун-моҳияти ҳақида ўйлаб, умрни баҳору ёзда шивир-шивир ёғаётган ёмғирга қиёслайди. Бошқа шоирлар ғурурланиб, ўзини осмонга, қуёшга, юлдузларга, денгиз уммонига қиёслаб, ҳайқирган вақтда Фариднинг ўз умрини «қайтиб келмагучи ёруғ дунёга» ёмғирнинг шивирига ўхшатиши теран фалсафий маънони ифодалайди. Таниқли адабиётшунос олим Дилмурод Қуроноф айтганидай, бу шеър кўнглимизда нурли маҳзунлик пайдо қилади. Дилмурод яна Фарид Усмоннинг анор ҳақидаги Увайсий чистонига ҳамоҳанг бир байтига эътибор беради. Фарид ёзишича, анор донасининг юзидаги парда алвон рангга ҳарир ҳаёдир. Шеърини ҳукм – хулоса ҳам шунга ҳамоҳанг: «Одоб – дунёдаги энг етук ҳосил».

Миллий истиқлол даврида Фариднинг ҳақ сўзлари дунё юзини кўрди. Шундан сўнг унинг ижодидаги дур ва жавоҳирлар ярқ этиб, кўзга ташланди. Фариднинг ўзига хос, маҳзун ва масъум, катта шоир эканлиги ҳақида таниқли шоирлар ва олимлар Тўлан Низом, Нормурод Нарзуллаев, Абдулҳамид Нурмонов, Ҳалим Карим, Йўлдош Солижонов, Дилмурод Қуроноф, Аҳмаджон Иброҳимов, Мўмин Саттор, Ҳабиб Сиддиқ, Тўхтасин Раҳматуллаев, Мунаввара Тиллабоева, Нусрат Абдусалом, Ҳабибулло, Қобил Мирзо, Муҳаммад Мирзо, Наби Жалопиддин, Дилбар Бону ва бошқалар дил сўзларини ёздилар.

Шоирларнинг кўпчилиги бадиий насрда – прозада ҳам яхши ижод қилганлар. Гогол, Пушкин, Лермонтов, Бунин, Тагор, Ўзбекистонда Ойбек, Шухрат, Шукрулло шеърда ҳам, прозада ҳам яхши асарлар ёзган. Омон Мухтор, Улуғбек Ҳамдам, Қобил Мирзо, Мўмин Саттор каби шоирларнинг прозаси ҳам пишиқ, пухта, фикрга бой эканлигини кўрдик. Фарид Усмон ҳам «Муҳаббат, о муҳаббат», «Қайларга қочай, Лайло» номли ҳикоялар тўпламларини нашр этди. Биринчи тўпламдаги ҳикоялар ҳақида шоира Мунаввара Тиллабоева бундай ёзади: «Китобдан саккиз ҳикоя ўрин олган. Ҳар бир мавзу ўзгача бир олам, инсон ҳаётининг турли қирраларини очиб беради. Инсон ҳаётида юз берадиган бахт ва бахтсизлик, шодлик ва қайғу, алам ишонарли деталлар билан ифодаланган. Демак, Фарид Усмон иқтидорли

ғазалнавис шоиргина бўлиб қолмасдан, балки насрнавис сифатида ҳам тўла-тўқис ўзини кўрсата олган».

Фарид ижодида ғалати парадоксни кўрамиз: у шоир сифатида романтик ва қисман файласуф, ҳикоячи сифатида эса – ўта реалист. Ҳатто, унинг ҳикояларида ҳаёт икир-чикирларини майдалаб кўрсатадиган италян неореализмини эслатувчи тасвирлар бор. Бу ҳикоялар Россия қишлоқларидаги содда одамларнинг ҳаётини тасвирловчи Василий Шукшинни ҳам эслатади.

Фарид «Хуркак ой» ҳикоясида ўзбекчиликдаги яхши одоб, ҳаёни мутелик деб тушуниш хато эканлигини, баъзи қизларимиз ўз севгисини ҳимоя қилолмай, севмаганига турмушга чиқиб кетишини кўрсатар экан, «Нега булар ўз бахти учун курашмайди?» – деган изтиробли саволни ўртага қўйгандай. Ёзувчининг сатрлар остидаги ғояси – ўзбек қизи одобини, ҳаёсини сақлаб туриб ҳам ўз севгиси, бахти учун кураша билиши керак. Баъзи одобли қизлар атрофдагиларнинг севгини тушунмаслигидан, муҳаббатни бузуқлик деб ўйлашларидан кўрқадилар ва шу сабабли, уйда, оиласида тинчликни сақлаш учун севгисидан, севгилисидан воз кечиб қўя қоладилар.

«Лайло» ҳикоясида жанобнинг хоним «йўқолганида» ва уни ғалати аҳволда топган вақтидаги саросимага тушган ҳолати муфассал тасвирланган. Шунда «жаноб» Андре Моруанинг бахтсиз қаҳрамони Леймарини яна эслайди. Ёзувчи ҳам, унинг «жаноби» ҳам бу вазият бошқача эканлигини ҳис этадилар. Ғарб адабининг ҳикоясида аёл вафодор эди, эркак ноҳақ шубҳага берилиб, ўзини бахтсиз қилган. Шарқ адабиётининг ҳикоясида эса хоним баъзи француз аёллари каби енгилтак бўлиб чиқади. Ғарб Шарққа айланади, Шарқ эса Ғарбга ўхшаб қолади...

Андре Моруа «Бальзак айбдор» номли бошқа ҳикоясига инглиз романтик ва символист шоири Оскар Уайльдининг бир ажойиб фикрини эпиграф қилиб олади: «Ҳаётнинг санъатга таъсиридан кўра, санъатнинг ҳаётга таъсири кучлироқдир». Шўро адабиётшунослари Оскар Уайльд асарларининг нозик нафосатини хато изоҳлаб, уни «санъат – санъат учун» тарафдори деб кўрсатар эдилар. Аслида у хаёлотга бой романтик ва айни вақтда шафқатсиз реалист эди. Адиб ва шоир Оскар Уайльдининг адабий эртаклари ўта ҳаётий,

уларда мажоз, рамзлар, тинсоллар орқали ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатлари ёритилган.

Жаҳон ҳикоячилигида ажойиб бадиий изланишларни кўрамиз. Чарльз Диккенс, Жек Лондон, Мопассан, Эрнест Хемингуэй, Андре Моруа жиддий реалистик ҳикоя усталари, Марк Твен, А. П. Чехов, О. Генри, А. Қаҳҳор ҳажвий ҳикоя усталари, Н. В. Гогол, Вашингтон Ирвинг, А. Сент-Экзюпери, Оскар Уайльд, Дино Буцатти хаёлий, фалсафий ҳикоя усталари, Г. Уэльс, Эдгар По, Рей Бредбэри сирли, фантастик ҳикоя усталари сифатида шухрат қозонган.

«Жаҳон адабиёти» журналида италян адиби Дино Буцаттининг «Коломбр», «Авлиёнинг қайтиши», «Учаётган қиз» ҳикоялари босилди. Булардан биринчиси денгизчи ва ақула ҳақида. Бу ҳикоя Г. Мелвиллнинг машҳур «Моби Дик» романини, Э. Хемингуэйнинг «Чол ва денгиз» қиссасини эслатади. Инсон ва ақуланинг муносабатлари ўхшаш. Аммо Дино Буцатти ҳикоясининг поэтик ғояси мутлақо бошқа. Денгизчи, отасининг башоратига кўра наҳанг билан курашда ҳалок бўлиши керак. Денгизчи бунга йўл қўймаслик учун, уни узоқ йиллар қувлаётган наҳангни охири ўлдиради. Аммо, кейин билинишича, наҳанг денгизчини яхши кўриб, унга бебаҳо гавҳарни бериш учун уни қувлаётган экан.

Дино Буцатти «Авлиёнинг қайтиши» ҳикоясида бу дунёда ҳалол, покиза яшагани учун нариги дунёда жаннатга тушган авлиё самодан Ер юзини кузатиб, унда орзу ва ижод билан, севги ҳаяжонлари билан яшаётган ёш йигит-қизларни кўриб, шулардан бири бўлиш учун жаннатдан яна Ер юзига қайтаришни Худодан сўрайди. Жаннатда ўзини бахтсиз ҳис этаётганини айтади. Авлиёларга чексиз меҳрибон Худои таоло: «Майли, ихтиёринг, борақол!» - дейди. – Лекин билиб қўй, суюкли бандам, биз сени кутамиз. Ақлингни йиғ, орзуингни ушата олсанг, ушат, лекин дилингни пок сақла-да, ортингга омон-эсон қайт!» Ерга тушган авлиё машаққатларга учраб, қийналсада, яна келгусидаги абадий ҳаётни орзу қилади. «Учаётган қиз» ҳикояси бутун бир фожиий драма. Унда бахтсизлиги сабабли юз қаватли осмонўпар бино юқорисидан ўзини ташлаб учаётган қизни кўриб турган одамлардан бирортаси унга ачинмагани, лоқайдлиги, бу ўзига тўқ одамлар инсон умрини чивиндай кўрмаслиги тасвирланади.

Замондошимиз бўлган грузин адиби Годерза Чохелининг «Қарға можароси», «Арчаларга хат», «Балиқдан мактуб» ҳикояларида Ер юзида ёмон одамлар ҳукмронлиги сабабли яхши одамлар инсонликдан воз кечиб, арчага, балиққа айланиши каби фалсафий муаммолар гўзал бадиий ифодасини топган.


Шеърларда юксак фалсафий умумлашмаларга кўтарила олган Фарид Усмон ҳикояларида реалистик ҳаёт манзараларини тасвирлай олса-да, у ҳали ҳаваскордай қалам тебратади. Айрим яхши ҳикоялари бундан мустасно. У ҳали Диккенс, Тагор, Содиқ Ҳидоят, Акутагава, Эдгар По, Проспер Мериме, Стефан Цвейг, Артур Конан Дойл, Оскар Уайльд новеллаларидан бадиий услуб ҳамда руҳий олам сир-синаотларини, теранлик ва яхлитликни қандай ҳосил қилишни ўрганишда давом этиши керак. Бу фазилатлар фақат Фарид Усмондамас, бошқа ўзбек ҳикоячиларида ҳам етишмайди. Лекин, орзуга айб йўқ, барибир интилиш зарур. Бу фикр шу сатрлар муаллифи – каминага ҳам тааллуқли. Талаб, қоида айтишга осон, аммо бажариш мушкул.

Фарид Усмон тарихий мавзуга ҳам қўл уриб, буюк ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ёшлиги ҳақида бир неча ҳикоялар ёзди. У дўстлар маслаҳати билан «Сухайли-Яманий» ҳикоясини кенгайтириб, пишиқ пухта бир қиссага айлантирди. Бу асарда Фарид ёш Бобур ҳаёти тасвирида руҳиятта, тақдирга кучли таъсир кўрсатувчи баъзи илоҳий сирларни тасвирлай олди. У тарихий наср тили тақозо этган кўхна сўзларни, жумла қурилишини топиб, ўша давр колоритини, руҳиятини, атмосферасини бера олди.

Азиз ўқувчи, Фарид Усмон ҳикояларини ўқиганингизда сизда бошқачароқ фикр ва ҳис-туйғулар туғилиши мумкин. Бу ҳикояларда ҳаётнинг фақат айрим қирралари акс этган. Шоирнинг шеърларида акс этган ҳаёт ҳикматларининг жуда оз қисми ҳикояларига ўтган. Фарид Усмон ўзи ҳам шеърдан ҳикояга ўтишнинг машаққатларини тортган бўлса керак. Тилагимиз шуки, агар у бадиий прозага ўтадиган бўлса, А. С. Пушкиннинг «Белкин қиссалари»ни, Н. В. Гоголнинг «Диканка қишлоғи оқшомлари»ни, М. Лермонтовнинг «Замонамиз қаҳрамони»ни, Бунин ва Тагор ҳикояларини эсласин. Албатта, бу классиклардай ёзиш ҳар кимнинг қўлидан келмайди. Аммо, интилганга толе ёр.

Биз нозиктаъб шоирдан яна яхши ҳикоя ва қиссалар ёзишни кутамиз. Шеърларидаги донишмандлиги ва бадиий нафосати ҳикояларига ва қиссаларига ҳам ўтишини тилаймиз.

**«Мени сев» китобига ёзилган сўзбоши.
«Янги аср авлоди», 2011 йил.**




**Абдуҳамид НУРМОҶОВ,
филология фанлари доктори, профессор,
Ҳалим КАРИМ,
филология фанлари номзоди, доцент.**

«СЎЗИНГ БУЛБУЛ ЭСА БЎСТОНСИЗ ҚОЛМАС»

Ўзининг Инсонлик мақомини, моҳиятини англаганки одам ортидан нимадир қолдиришга ҳаракат қилади. Кимдир бинолар куради, йўлларни сошлаб кўприклар куради. Кимдир чўлларни, адирларни ўзлаштириб боғ барпо қилади. Кимдир маърифат тарқатади, шоғирдлар тайёрлайди, ортидан ўқувчилар қалбини яшнатиб турувчи китоблар қолдиради. Бундай зотлар яратувчилар, ижодкорлар деб хурматланади. Яратувчи – ижодкор инсон камолот пилаларининг ҳар зинасига қадам қўйганда бир нафас тин олади, бажарилган ишларининг сарҳисобини қилади. Бугун навбатдаги юксаклик зинасини эгаллаб турган элимизнинг машҳур шоирларидан бири Фарид Усмон ҳам шу кунларда юртга ҳисобот бериб турибди. Унинг Тошкентдаги «Янги аср авлоди» нашриётида чоп этилган «Жон қуши» шеърлари китобини шоирнинг китобхонларга тутган янги армуғони сифатида қабул қилишимиз мумкин.

Шоир аҳли ҳисоб беришининг бир қийин томони бор. У ўз ортидан қалин жилдларга жамланган минг-минг шеърларни қолдириши қийин. Унинг умр бўйи ёзган шеърлари нари борса бир-икки китобга жамланиши мумкин, холос. Чунки ўқувчи қалбидан жой оладиган чинакам шеър хоҳлаганда, ҳар кун, ҳар соатда ёзилавермайди. У илоҳий илҳом билан, юрак кўри билан ёзилади. Чинакам китобхонлар бахтига Фарид Усмон «оз лекин соз» ёзадиган ижодкорлар тоифасига киради. Шунинг учун булса керак шеъриятнинг мақомини баланд тутди.



**Шеърият бу қатим-қатим
Нурлар тўла кечадур.
Шеърият бу эзгуликка
Олиб борар кўчадур.**

Шоир асосий қуроли бўлган сўзнинг қадрига етади, уни исроф этмайди. Сўзни тежаб «хасислик» билан, заргарона ишлатади. Шунинг учун ҳам қисқа сатрларга кенг маъолар жойлайди. Унинг учун сўз ва шеър ўзгача моҳият касб этади.

**Сўз – танимнинг ўзидан ўсиб чиққан қўлларим,
Сўз – юзимдан сиз томон қараб турган шахло кўз.
Қай манзилга бормайин олиб борар йўлларим,
Сўз – оёғим-вужудим, қўйинки, бу жоним – сўз.**

Завқбахш сўзлардан тузилган, тоза туйғуларнинг ҳосиласи бўлган «Жон қуши»ни варақлар экансиз, саҳифалар аро гоҳ донишманд – мутафаккирни, гоҳ «телба дунёни» англашга қийналаётган файласуфни, гоҳ зулмкор ёр кўйида азоб чекаётган ошиқни, гоҳ табиат ёки қалб манзараларини чизаётган рассом – ижодкорни кўргандай бўласиз. Уларнинг ичида туғилиб ўсган юртни, она Ватанни чин дилдан севувчи, Ватандан фахрланувчи, унинг манзараларидан завқланувчи, унинг эрки ва камолоти учун ҳаммиша хизматга шай турувчи фарзанд, эрксевар ватанпарвар тимсоли алоҳида ажралиб туради. Киндик қони тўкилган остонани, болалиги ўтган маҳаллани, камолотга етказган юртни севган ва қадрлаган одамгина Ватаннинг мазмунини англайди. Туғилган шаҳрини «онагинам» деб алқашнинг ўзида бир дунё маъно жо эмасми?!

**Онагинам Андижон!
Ишқинг бу дилда сенинг.
Мен ҳам бир фарзандингман,
Танамда жон сен менинг.**

Шоир ҳақли равишда муҳаббат аталмиш улуғ туйғуни ҳам аввало Ватан ва жамият билан, юрт кишилари билан боғлайди.

**Севгини мен англадим, аввал Ватандан бошланар,
Севги инсон улғайиб ўсган чамандан бошланар.**

**Севги - бу дўстларни англаш, сеvgи - бу юртни таниш,
Юртни англашлик, тушун, ота-онангдан бошланар.**


Ватанни бежиз онага қиёс этмайдилар. Онани фақатгина яхши кўриш ва мақташ билангина фарзандлик бурчи адо этилмайди. Уни асраб-авайлаш, парваришлаш, ҳимоялаш, керак бўлса унинг учун жон фидо этиш талаб этилади. Фарид Усмон шеърларидаги лирик қаҳрамон она Ватанни аждодлардан қолган мерос, улуғ бойлик деб билади. Ўзида фарзандига, келгуси авлодга чинакамига озод ва ҳур Ватанни мерос қолдиришни бурч деб билади:

**Сен уни асрагин, у сенинг эркинг,
Ёруғ оламдаги ҳуқуқингдир у.
Ватанки бор экан, бор бўлажак бил,
Озодлик аталган муқаддас туйғу.
Эркин кўрарманму Ўзбекистонни,
Дея ўтди не-не азиз инсонлар...
Фарзандим, қасосинг, қасдингдир сенинг,
Уларни қатл этган шум ният онлар...
Болам, озод Ватан орзуим эди,
Ҳамон кўксим аро мўътабар орзу.
Камбағал ҳолимда, қашшоқ ҳолимда,
Ўйласам энг улуғ бойлик экан у.
Сенга мерос булар меросим шудур,
Шудур чиндан ҳам озод Ватаним.
Камбағал ҳолимда, қашшоқ ҳолимда,
Шу бўлса найлайин эркин чаманим...**

Фарид Усмон кўпроқ ғазалнавис шоир сифатида танилган ва эътироф этилган мумтоз шеъриятимиз анъаналарини давом эттириш, мураккаб вазн сирларини эгаллаш ва уларга замонавий ўқувчига маъқул бўладиган ижтимоий руҳни сингдириш осон эмас. Ғазалнавислик ва аруз вазни ҳақидаги кераксиз баҳслар ҳозир ҳам гоҳида қулоққа чалиниб қолади. Кейинги пайтларда бир ҳақиқатга амин бўлдик. Чуқур билим ва савияни талаб этадиган аруз вазни халқнинг маънавияти, билим доираси ва фаровонлиги юксалган даврларда қадр топади. Ғазалнавис Эркин Воҳидов ва унинг «Ёшлик девони»нинг айнан ўтган асрнинг 70-йилларида машҳур бўлганлиги ҳам бежиз эмас. Шукрки, мустақил давлатимиз мустаҳкамланиб, иқтисодийтимиз юксалиб, халқимизнинг фаровонлиги ўса бошлади. Бу жараён билан чамбарчас боғлиқ равишда одамларимизнинг

маънавий ва эстетик савияси юксалиб бормоқда. Фарид Усмон сингари ҳамиша яратувчиликдан чарчамаётган, шоирликка хиёнат этмаётган, ўсиш ва изланишдан тўхтамаётган шоирнинг қадр топаётгани, шеърлари ҳамда ғазалларининг янада шуҳрат топаётгани фикримизнинг далилидир.

Эълон қилинмаган мақола.



Йўлдош Солижонов,
Аҳмаджон Иброҳимов,
адабиётшунос олимлар.

ФАРИДУН ҒАЗАЛЛАР

Фарид Усмоннинг «Рух булбули» девонини варақлар эканмиз, бир ривоят эсимизга тушди. Унда баён этилишича, Аллоҳ Одам Атони яратганда барча фаришталар қаторида алайҳилаъна Шайтон ҳам уни кўргани келган экан. (У вақтда шайтон фаришталарнинг устози бўлган). У жонсиз тананинг ичига кириб, барча аъзоларини бирма-бир кўздан кечириб чиқибди. Сўнгра у «Одамнинг битта жойига кира олмадим» деган экан. У кира олмаган жой руҳ маскани - қалб экан. Шунинг учун ҳам руҳ гўзаллиги қалб гўзаллиги билан, қалб гўзаллиги эса маънавият билан боғлиқдир.

Шу жиҳатдан шоирнинг мазкур девонидан ўрин олган қалб садолари инсонни рост билан ёлғоннинг фарқига боришга, дўстликка, камтарликка, ҳаромдан ҳазар қилишга, севгида садоқатли бўлишга, ҳаётни севишга, Ватанни ардоқлашга, бу беш кунлик дунёда жисм ва руҳни покиза сақлашга даъват этади.

Бу фикрни Маҳкам Маҳмуд Андижоний китобга ёзган сўзбошисида шундай таърифлайди: «Шоир ғазалларида фалсафий руҳ кундалик ҳаёт билан, замонавий ҳаёт манзаралари фалсафий ғоялар билан чирмашиб кетган. У бир инсон шахсидаги зиддиятлар орқали жамият ҳаётининг руҳий таҳлилини беришга интилади».¹

Ҳақиқатдан ҳам Фарид Усмон ғазалларида ҳаётнинг ҳамма қирралари таҳлил этилиб, инсоннинг маънавий олами

¹ Фарид Усмон. «Рух булбули», «Ворис» нашриёт Т., 2008 йил, 12-бет.

ёрқин бўёқларда ифодаланган. «Коинотда зарра жоним» ғазалида лирик қаҳрамон ғоят мураккаб ва зиддиятли ҳаёт тарзини бошдан кечириб, олий мақсад сари интилади. Унинг мақсади ёрнинг висолидадур.

**Бўлай дер сенга жон вобаста-вобаста,
Тутиб дил, жонга жон вобаста-вобаста.**

Яъни, ошиқнинг жони (яшаши) маъшуқага боғлиқ. Шунинг учун ҳам унинг дили жонни жонга боғлашни истаydi. Лекин маъшуқа ошиқни ўзига яқин тутмаса-да, ошиқнинг кўнгли ёрга пинҳона боғланган. Ошкора боғлана олмагани учун ҳам бу ўткинчи дунёда у ўртанмоқда.

**Ўртанурмиз бу ўткинчи жаҳонда,
Сенга бўлмоқ қийин вобаста-вобаста.**

Шоирнинг таърифлашича коинотда ер зарра, осмон эса бепоён. Шу коинотда карвон саҳро ва гулистонлар оша сенга (Аллоҳга) томон бормоқда. Ана шу карвон сафида бир зарра руҳ булбули ҳам борки, у Фариднинг руҳидир.

**Фарид, бу коинотда зарра жоним-
Бўлай дер сенга жон вобаста-вобаста.**

Шоирнинг уқтиришича, инсон бу дунёда тўғри ва ҳалол яшаб ўтсагина шу «омонат» руҳни ёр висолига қовуштириш қувончига муяссар бўлади. Тасаввуф шоирлари томонидан айтилган бу фикрлар Фариднинг бошқа ғазалларида ҳам давом эттирилиб, янада бойитилади.

Унинг қаҳрамонлари шодликда ҳам, алам келганда ҳам сабрли. Бу дунё нариги оламга ўтиш учун («Сирли остона») бир остона холос.

**Муҳаббат уйига ташриф буюрмоқ бунчалар мушкул,
Фарид, намунча қаттиқ бўлмаса бу сирли остона...**

Шоир ижодда сўз қудратига жуда катта баҳо беради. Шунга кўра бирор сўзни беҳуда ишлатмасликка, исроф қилмасликка уринади. «Сўз ҳақида сўз» ғазалида ҳар бир сатрнинг мазмунида яхши сўз асалдан ширин, ёмон сўз эса захардан ўткир эканлигини ўқувчисига ҳис эттиради.

Фариднинг лирик қаҳрамони ғазалдан ғазалга мукамаллашиб, ўзлигини англаш мақомига етади. У «дунё» деб аталувчи хонада ёмонлар билан ёнма-ён яшаши қийин

бўлса ҳам умидсизликка тушмайди. Қилган савобу гуноҳини тушуниб, Парвардигорига тавба қилади, яхшиликнинг дунёда борлигига шукроналар айтади.

**Бас, Фарид, бор яхшилик, шукрона эт,
Кўз деган, кўнгил деган кошонада.**

Фарид ўзининг фаридун ғазалларида муҳаббат ё Ватан ҳақида, турмушнинг ўткинчи майда-чуйда савдолари ҳақида, ё дўстликка содиқлигу бевафолик ҳақида мушоҳада қилар экан, у ҳар бир детал, ҳар бир воқеа-ҳодисани, туйғуни, бурч ва вазифани адолат тарозиси билан ўлчашга ҳаракат қилади. Бугунги туғилган саволларга ҳам жавоб беради, замон билан ҳамоҳанг нафас олади, замоннинг захмини, одамлар дардини англаб етади.

Шоирнинг лирик қахрамони қалбидаги нафрати ё Ватанни севиш туйғуси илоҳийдир. Булар унинг қалбига она сути билан кирган. Шунинг учун ҳам Ватан унинг «жисми», «жони», «қони»дир. Шунинг учун ҳам унинг Аллоҳга бўлган муҳаббати Ватанга, дўстга, ёрга ва яқинларига бўлган севгиси билан уйғунлашиб кетади. У Аллоҳни қанчалик сева Ватанни, ёру дўстларини ҳам шунчалик яхши кўради, ардоқлайди.

Бундай муқаддас муҳаббат туйғуси, албатта, покиза руҳ эгасида мавжуд бўлиши табиийдир. Шу сабабдан шоир ўз-ўзича «Фарид, энг зўр каромат ёруғ оламда шулки, жисми пок сақлаю, руҳни саломат айла», - дея мурожаат қилади.

Ҳар бир жонзотнинг макони бўлгани каби руҳ булбулининг ҳам ўз маскани, яшаш худуди бор. Унинг яшайдиган Ватани битта. У ҳам бўлса

**Осмонда битта қуёш, битта ой-
Фарид қалби Ўзбекистон ичинда.**

Маълумки, бугунги кунда Ватан ҳақида каттаю-кичик шоирлар шеър ва ғазаллар битмоқда. Бу яхши. Лекин бу ҳолат бизни бироз ўйлантириб қўяди. Ахир, Ватан бу - муқаддас, улуғ... Уни таърифлаш учун кўп ўқиш, изланиш ва машқ қилишни, шу билан бирга буюк ва самимий муҳаббат эгаси бўлишни тақозо этади. Бунинг уддасидан чиқиш ҳаммага ҳам насиб қилавермаган. Бу масъул вазифани уддалаш Фарид Усмонга насиб этган десак муболаға бўлмас.

у Ватан ҳақида ҳеч кимникига ўхшамайдиган шеърлар ижод қила олган.

**Севгини мен англадим, аввал Ватандан бошланар,
Севги инсон улғайиб ўсган чамандан бошланар.**

**Севгидан сўзлар она тупроқдаги ҳар бир гиёҳ,
Лолаю, райҳону сунбулдан-сумандан бошланар.**

**Севгидир йўрғақда тингланган у мунис аллалар,
Ота-она икки жондан, икки тандан бошланар.**

**Севги - бу дўстларни англаш, севги - бу юртни таниш,
Ҳаммамиздан - сиз ва биздан, сен ва мендан бошланар.**

**Эй Фарид, қалбингга ишқ берган чаманга таъзим эт,
Севги инсон улғайиб ўсган Ватандан бошланар.**

Шоирнинг ғазалларида мустамлака зулми остидаги қарамликка, унинг келтирган мудҳиш оқибатларига нафрат туйғуси «сукутлар сақлабон, таъзим бажо қилганча сўз кутдик, Буюрса неки тез-тез муҳайё айлаб улгутдик...» каби жумлаларда ифодаланса, истиқлолдан мамнунлик «Тиниқ, покиза товланиб Истиқлол тонги шабнамдай, Сен-одамсан-мен Ватанинг деди-да, кўзга ёш олдик...» сатрларида баралла янгради. Истиқлол сабаб қадриятларимизни қайта тикладик. Яссавий, Бедил, Сўфи Оллоёр, Машраб, Авлоний, Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир каби сўз заргарларининг ижодидан тўлиқ баҳраманд бўлдик. Шу сабаб Фарид Усмон ҳам Бобур, Навоий, Фузулий, Машраб, Огаҳий ижодини чуқур ўрганиб, уларнинг анъанасини янгича усул ва шаклларда давом эттириб, уларнинг руҳини хушнуд этмоқда. Бу шоир ғазаллари, мухаммаслари, рубоий, қитъаларининг яратилишида кўринмоқда.

Фарид Усмон ғазалларининг эрка елдай ўйноқчилиги, шалоладай жўшқинлиги, радиф, вазн, қофияларнинг жилоси унинг Машраб ғазаллари руҳидан баҳра олганлигидан мужда бермоқда.

Масалан, Машрабда.

**Ул ишқи санам дардига Ҳайдар чидай олмас,
Қақнус куяр балки, самандар чидай олмас.**

**Маъшуқ юзидан берса агар зарра зиё,
Тоғлар куяру Мусо пайғамбар чидай олмас.**

Фарид Усмонда:

**Кўнглим ситамига чидамайдир,
Жонимки ғамига чидамайдир.**

**Гўёки пора-порадир таним,
Ғам йўқ, ҳар дамига чидамайдир.**

Шоир устозлар анъанасини давом эттириш орқали уларга бўлган ҳурмат ва эҳтиромини, муҳаббатини самимий ифодалайди. Шунингдек, улардан ғазалнависликнинг ўзига хос сиру асрорини, бадий воситаларни ўрни-ўрнида қўллаш усулларини ўрганади. Бунинг натижасида Фариднинг ҳам ғазаллари бадий жиҳатдангина эмас, балки ғоявий мазмун, манتيқ жиҳатидан ҳам юксакликка кўтарилди.

Шоирнинг «Навосиз наво» ғазалида эса ошиқ ўз ғамини айтмай туриб гулларнинг ёқаси чок-чок, ҳасрати анҳордаги сувлар мисол адо бўлмайди. Бу ҳасратдан замин ястанса, само йиғлайди. Бунинг сабаби шоирнинг дилидаги дардидир. Бу дард эл-улус қалбидаги пинҳона оғриқлардир.

Юқоридаги ютуқлар билан бир қаторда жузъий камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Бу баъзи сатрларда тиниш белгисига эътибор берилмаслигида кўринади. Ҳолбуки, мазмуннинг очилишида тиниш белгиларининг ҳам ўзига хос хизматлари бор.

**Ғалва қилган ўзимиз, яна ғалва-ғулвага,
Йўқ деган унга райим беозор одамлармиз. (66-бет)**

Бу байтда тире ва вергулнинг нотўғри қўлланиши маънонинг заифланишига олиб келган. Бизнингча,

**«Ғалва қилган ўзимиз, яна ғалва-ғулвага-
Йўқ деган унга райим, беозор одамлармиз»**

бўлиши мумкин.


Шоирнинг «Мунозара» ғазалида ибтидо билан инсоннинг ўзаро мунозараси берилган. Унда ғазалга хос бадий восита, мусиқийлик, таъсирчанлик сезилмайди. Фикр ва ғоянинг ёритилиши қуриган дарахтга ўхшайди. Либос-япроқ, яшиллик-жозоба етишмайди. Бошқача айтганда қурук (яланғоч) танага ўхшайди. «Керакму» ғазалида эса муҳим бир салмоқли ғоя кўтарилмаган.

Юқоридагилардан қатъи назар Фарид Усмон девонининг тузилишида ўзига хос шакл, шу шаклга мос мазмун мавжуд.

У девонга жамланган ғазалларининг радиф ва қофияларини алфавит тарзида беради. Бу усул биринчи марта Алишер Навоий томонидан қўлланилган. Унинг «Ҳазоин ул-маоний» девони шундай тартибда тузилган. Фарид ҳам устоз изидан бориб, ҳар бир ҳарфга салмоқли маъно юклайди. Шунингдек, ҳар бир сўз узукка қўйилган кўздай жилоланиб туриши, ифодалилиги жиҳатидан ҳам биз уни «фаридун ғазаллар» деб атадик. Яъни асл, тоза, беғубор, мусаффо, гўзал демак. Шундай экан, покиза руҳ булбулининг ҳам ғазал бўстонида ўз ўрни, маскани бор. У ҳам булбулу кумри каби «чаҳ-чаҳ»лашга ҳақли. Шу сабабдан у гоҳ ғазалу мухаммас, гоҳ мустазод, гоҳ рубоий, қитъа, фард оҳанглирида сайрамоқда. Унинг хуш навоси шоирнинг ўзи айтганидай эзгу тилаклар орзусида янграйверади.

**Қарғалар қор бирла шодондир мудом,
Қумри гулзор бирла шодондир мудом.
Қарғалар қор-қор деса, қор ёқ деса,
Қумри баҳор бирла шодондир мудом.**

«Холис» газетаси, 2007 йил.



Салима МИРЗАЕВА,
Андижон давлат университети ўзбек адабиёти
кафедраси мудири, филология фанлари доктори,
профессор.

РУҲИЯТДАГИ КЕЧИНМАЛАР ТАЛҚИНИ

Бир қатор шеърӣ китоблар ва «Муҳаббат, о муҳаббат!», «Қайларга қочай Лайло» номли ҳикоялар тўпламининг муаллифи Фарид Усмонни яқинда «Янги аср авлоди» нашриётида «Мени сев» деб номланган ҳикоялар тўплами чоп этилди. Тўпламдан Фарид Усмоннинг тўққизта ҳикояси ва тўртта тарихий ҳикояси ўрин олган. Тўғриси, ижодкорнинг янги ҳикояларини ўқирканмиз, бошқача оламга кириб қолгандай бўласиз. Боиси уларда инсон руҳиятидаги кечинмалар ўзига хос ва мос тарзда ифодаланган. Бу жиҳатдан китобга сўзбоши ёзган адиб Маҳкам Маҳмуд куйидагиларни ёзганда ҳақ эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз: «Фарид ижодида ғалати парадоксни кўрамыз: у шоир сифатида романтик ва қисман файласуф, ҳикоячи сифатида эса ўта реалист. Ҳатто унинг ҳикояларида ҳаёт икир-чикирларини майдалаб кўрсатадиган италян неореализмининг эслатувчи тасвирлар бор. Бу ҳикоялар Россия қишлоқларидаги содда одамларнинг ҳаётининг тасвирловчи Василий Шукшинни ҳам эслатади».

Ҳамма ялтираган нарса олтин бўлавермайди. Фарид Усмоннинг «Лайло» ҳикоясини ўқирканмиз, беихтиёр мана шу ҳикматли сўзни эслайсиз. Боиси ҳикояда тасвирланган қаҳрамонлар, яъни хоним ва жаноб турли тақдир эгалари. Уларнинг ҳар иккиси ҳам турли сабабларга кўра оиласидан ажралишган. Хонимнинг бир фарзанди бор. Жаноб эса фарзандсиз. Сўққабошлик жонидан ўтган, севикли рафиқасининг хотирасини эъзозлаб келаётган ҳикоя қаҳрамони, яъни жаноб (Элёр) ўзича Хонимга оғиз солмоқчи бўлади. Ҳикоя қаҳрамони бу қарорга келиш учун минг хил ўйларга борган, ойлаб, ҳафталаб, ўзи танлаган номзодини кузатган, кўнгил элагидан ўтказган. Унинг муваффақиятларидан қувонган. Аёлнинг ўзини туттириш тадбиркорлик борасидаги ишлари ҳикоя қаҳрамонига

маъқул. Ҳа деганда аёлга кўнглини очолмаган қаҳрамон учун имконият туғилади.

Танлов муносабати билан Элёр Хонимнинг ишларини ёритиш учун танлов бўлаётган жойга келади.

Фарид Усмон маҳорати шундаки, у қаҳрамоннинг қандай ва қай ҳолатда эканлигини эзмалик билан тасвирлаб ўтирмайди. Улар учун танлов бўлаётган жой кенг майдонга - қаҳрамонларни синовдан ўтказиш майдонига айлантирилади. Хуллас, танлов муносабати билан ўтказилган зиёфат асносида ҳикоя қаҳрамони учун Хоним билан яқиндан танишиш имкони туғилади. Хоним дастурхон атрофида унга илтифот кўрсатгандай бўлади. Лекин Хоним бу илтифотни Жанобга эмас, балки ҳайдовчисига кўрсатаётганлиги қаҳрамонимизни таажублантиради. Шундан сўнг қаҳрамонимиз Хонимни кузата бошлайди. Иш шу даражага бориб етадики, бироз маст бўлиб қолган Хоним ғирт маст бўлиб қолган ҳайдовчиси билан бирин-кетин даврани тарк этишади. Жаноб ҳам беихтиёр уларнинг ордидан чиқаркан, ўзининг ўйлаганлари ёлгон бўлиб чиқишини истайди. Хонимга сира гард юқтиргиси келмайди. Лекин у адашганди. Хоним ҳайдовчиси билан... Бу манзарани кўрган Элёр жиноят устида қўлга тушиб қолгандай ҳис этади.

Кейин... эса Хоним чиқиб Элёрдан кечирим сўрайди. «Бу кечирим сўраши жаноб назарида тасқаралик эди, холос. Ахлоқсизлик содир этган, ҳам ёшига номуносиб бир тарзда баён этиб турган бир манзара эдики, Жаноб ундан шу дақиқадан нафратланишни ҳам, хайрихоҳлик билдиришни ҳам билмас эди».

Жаноб эрта тонг қоронғусида ҳамма нарсани ташлаб биринчи дуч келган машинага ўтириб шаҳарга қайтади. Муаллиф Элёрнинг руҳий ҳолатини, унинг турмуш ўртоғи Моҳинур ҳақидаги илиқ хотираларини ёрқин бўёқларда тасвирлай олган. Хоним билан жанобнинг рафиқаси Моҳинурни қаршилантериш орқали икки аёл - икки дарёнинг икки қирғоғи эканлигини кўрсатиб беради.

Муаллифнинг «Бировнинг нарсаси» ҳикояси ҳалоллик ва поклик ҳақида. Мардикор йигит боғда ишлаш учун келиб шу боғ қоровули билан танишиб қолади. Улар бировнинг боғидаги меваларни ташиб кетаётган қўшнилари

қилмишига хайрихоҳ эмас. Чол ўғирлик меваларни кўтариб қайтаётган кўшнисининг фарзандларига, кўшнининг қизларидан каттароғига шундай танбеҳ берди: «Ўғрисанлар, Бировнинг нарсасини эгасидан сўрамай олишлик, ўғирлик бўлади. Мактабда ўғирлик қил, деяптими сенларга. Ё уйда айтишяптими?». Чолнинг бирин-кетин берган зарбаси уларни шошириб қўйди. Болалар ўғирлик устида қўлга тушганларини энди сезишгандай эди. Улар қўлларидаги картонларини ё ташлаб юборишини, ё йўлига кетишларини билмасди.

Болалар кетгач, чолнинг чакаги очилиб кетди: «Сиз билан бизда бировнинг нарсасига тегмаслик болаликдан шакланган. Катта бувим раҳматлик бировнинг нарсасига сўрамай текканни жуда ёмон кўрарди. «Эгасидан албатта сўраш керак», деб турарди. «Эгаси рози бўлса ол, рухсат бермаса олма», дерди икки гапининг бирида. Ҳозир-чи? Ҳозир сўраш қаерда, дейсиз. Керак бўлса, оғзидаги сақични ҳам юлиб олиб кетишади, ўғирлаш мана шу ҳозиргидек яшариб, кучга тўлиб боряпти. Кўрдингизми, «ўғрисан» десам ғалати бўлиб қолди болалар. Бу сўзни эшитмаганга ўхшашади, афтидан. Оилада, дастурхон атрофида ўғирлик ёмон хислат экани ҳақида гапирилмайди. Қандай гапиришсин, катталар ўзлари «опқоч-опқоч»га ўрганиб қолишган бўлса... оддийгина қоровул чолнинг бу сўзларини ҳалолликка қўйилган ҳайкал деб қабул қилса бўлади. Бировнинг ҳақиқага хиёнат қилмасликни биз мана шундай оддий меҳнат кишиларидан ўргансак арзийди деган ғояни илгари суради муаллиф.

«Ғилдиракли уй» ҳикоясида ажабтовур эртакона воқеа қаламга олинади. Ҳикоя худди халқ эртақларига ўхшайди. Бунини қуйидаги бошламадан ҳам билиш мумкин: «Бир замонлар тоғ ва водий туташган жойдаги кўркам қишлоқда бир деҳқон яшаркан. У пастаккина, кўримсиз гувалақдан қилинган айвони йўқ уйчасида хотинию болалари билан умр кечираркан. Деҳқон бўш қолган пайтларида кўчага чиқиб, сулачада ўтиришни, ўтган-кетган билан лақиллаб қиш кунларини шундай ўтказишни хуш кўраркан. Водий ёнбошидаги кўркам қишлоққа баҳор келибди. Ҳаммаёқ кўм-кўк бўлибди. Боғларда гуллар очилибди. Гулларга шайдо қушлар сайрай бошлабди. Ишлар қизигандан қизиб кетибди. Деҳқон эрта тонгдан то қоронғу тушгунча терлаб-пишиб


ишлай бошлабди. Ердан мўл-кўл ҳосил олиш учун қўли-қўлига тегмай меҳнат қилишга киришибди». Хўш, шу билан нима бўлибди дерсиз? Ҳамма гап шундаки, ана шундай тигиз кунларнинг бирида хотини унга «Қачонгача биз бу паст, гувалак уйда яшаймиз. Ахир биз ҳам чиройли, қурчоқдакина уйда истиқомат қилсак бўлмайми?! Еб-ичаримиз бўлса, пулимиз бўлса. Қани янги уй қурайлик» деб таклиф қилибди. Мўмин-қобил ва ювош одам бўлган деҳқон хотинининг таклифига кўниб излаб-излаб уй қурадиган усталарни топибди. Лекин ҳадеганда уй битавермабди. Чунки усталар энди бир жойни кавлаб пойдеворга бетон қуйиш учун жой тайёрлашганда аллақердан маслаҳатчилар пайдо бўлиб, униси у буниси бу дейишибди. Охир-оқибат у ердан бу ерга, ҳатто ўрмон четига, дарё қирғоғига уй қуриш, жой тайёрлашдан усталар ҳам, маслаҳатчилардан деҳқон ҳам чарчабди ва охири ўйлаб-ўйлаб уйининг олдида турган ғилдиракли арава устига уй қурдиришга аҳд қилади. Усталар ҳаш-паш дегунча арава устига чиройли қилиб уйни тиккалашади. «Хулласи калом, арава устида чиройли ёғоч уй битибди. Уй деҳқоннинг хотини, болаларига ҳам ёқибди. Улар кўшнилариининг ҳавасини келтириб аравага қурилган янги уйда маза қилиб яшай бошлабдилар. Лекин ҳали гапнинг бердисини айтганимиз йўқ. Кунлардан бир кун ғилдиракли уйни шамол дарёга оқизиб кетади. Кейин эса денгизга. Деҳқон ҳам фарзандлари билан денгизда яшай бошлайди. Маза қилиб чўмилишади. Балиқ овлашади. «Ундай қил, бундай қил» деганлардан қутилганига деҳқон ҳам хурсанд. Кейин эса буларнинг ҳаммаси жонига тегади ва балиқчилар ёрдамида уйини қуруқлика чиқариб, ғилдиракли уйини эшак аравага қўшиб қадрдон қишлоғи томонга равона бўлади. Муаллиф ҳикояга шундай якун ясайди: «У ҳозир ҳам йўлда кетиб бормоқда эмиш. Ҳадемай ғилдиракли уйчаси эски қурилган жойга етиб олса керак». Кўриниб турибдики, муаллиф хулоса чиқариб олишни китобхоннинг эътиборига ҳавола этган.

Фарид Усмоннинг «Туш», «Сухайли яманий», «Девонда», «Сариқ ва қизил гуллар юрти» деб номланган тарихий ҳикояларида эса буюк саркарда ва хассос, дилбар шоир Бобурнинг ҳаёти билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар ҳақида ҳикоя қилинади. Тарихий воқеалар асосида қурилган ушбу

ҳикояларни ўқиркансиз, кўз олдингизда Бобурнинг улуг сиймоси, унинг ички кечинмалари, айниқса «Сариқ ва қизил гуллар юрти» ҳикоясидаги арслон билан олишув пайтидаги ҳолати кўз олдингизда намоён бўлади. Муаллиф ҳикояда шундай бир тасвири беради: «Бобур бу жойларнинг бу баҳайбат султонига бир лаҳза ҳайратланади. Бу атрофдаги гўзалликларнинг ўз султони борлиги уни таажублантиради. Бир ўкириб ҳаммани ҳушёр торттирган бу Шер Бобур назарида шу яқин атрофнинг, ўрмоннинг, дарёнинг ва дарё соҳилларидаги кенгликларнинг ягона, бирдан-бир султони эди. Бобур уни узоқдан кўриб туриб ўзича кулимсираб қўйди. Дилидан ғалати кечинмаларни ўтказди». Булардан шу нарса кўриниб турибдики, муаллиф Бобурнинг ички дунёсига кира олган. Бобурнинг руҳий кечинмаларини ҳикояларига кўчира олган. Энг муҳими эса муаллифнинг Бобур яшаган даврдаги тарихий сўзларни, жумла қурилишларини топиб, жойларни тасвирлаб ўша давр руҳияти, ҳавосини бера олганидир.

Муаллифнинг тўпلامдан жой олган «Қочоқ пар ёстиқ», «Мени сев», «Тунда чопган оқ тулпор», «Сутисини ёки барвақт туришнинг фазилатлари» ва «Эҳсон» каби ҳикоялари ҳам ҳар бири ўзгача олам. Ундаги қаҳрамонлар сиз билан бизнинг орамизда юрган одамлар. Лекин муаллиф уларнинг ўй-кечинмаларини илғай олган ва уларни ҳикояларига олиб кира олган. Шу ўринда муаллифнинг «Филдиракли уй» ҳикояси қаҳрамони деҳқон тилидан айтилган қуйидаги сўзлар билан мақоламизни яқунлашни лозим топдик: «Заррадан то улкан денгиз маҳлуқларигача – бари яшаб қолиш учун ҳаракат қилади. Ҳаракатнинг мазмун-моҳияти ҳаёт ва мамот. Бу тирикликнинг азалий қонунияти». Шундай, ҳаёт давом этаверади. Биз эса муаллифдан янги ҳикоялар кутиб қоламиз ва адибимизга ижодий парвоз ва омад ёр бўлсин, деймиз!

Эълон қилинмаган мақола.



Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ,

Ўзбекистон Халқ шоири.

АНДИЖОНДА БИР ИШҚЛИ ДИЛ БОР...

Андижон - қадим-қадимдан ўз тарихий анъаналарига бой, маърифий-маданий меросига эга кўҳна диёрдир. Не-не улуг даҳолар, шоирлар, ҳофизлар, ҳунармандларнинг бешигини тебратган, уларга оналик ва доялик қилган қутлуг очун, бободехқонлари ер ва эл тилини билиб, шухрат таратган олтин тупроқдир.

Андижон - улуг шоиримиз ва саркардамыз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг таваллуд топган ва бир умр соғиниб яшаган азиз маскани. Андижон - ўзбек шеърятининг чақноқ юлдузи, сўнмас каломи ва ўлмас илҳоми Муҳаммад Юсуф мангу макон топган табаррук ошён.

Элу юртни шоирлари, полвонлари, деҳқонлари машҳур қилади, деган ҳикматта ишонаман. Бу аснода Андижон ҳам муборак замин сифатида она Ўзбекистонимиз таржимаи ҳолида, тарихида ўз ўрни, мавқеи, мартабасига молик юртдирки, унинг шаъни-шавкати, тарихи, таърифи, шукуҳи учун қалам ожизлик қилади.

Буюк санъаткор Аббос Бакировнинг бетақрор, беназир истеъдодини ким тан олмайди? Халқ ичидан чиққан, эл-юрт назари билан кўкарган, тилга тушган, томошабинлар қалбини қўшиқлари билан забт этган истеъдод соҳиби Санобар Раҳмонова, Ўзбекистон халқ ҳофизи Шерали Жўраев, халқ артистлари Муножот Йўлчиева, Нуриддин Ҳамроқулов, хизмат кўрсатган артистлар Муножот Тожибоева, Турсунбой Парпиевларни ким севмайди, дейсиз. Бокс буйича жаҳон чемпионлари Муҳаммадқодир Абдуллаев, Ўткир Ҳайдаров ва уларнинг спортдаги сафдошлари, издошларини кенг олам эътироф этиб турибди. Таниқли олимлар Сайфиддин Жалилов, Сирожиддин Зайнобиддинов, Дилмурод Қуроновларнинг илм-фандаги дадил қадамлари, изланишлари илмий-адабий жамоатчиликка яхши таниш. Дарвоқе, ажойиб инсон, истеъдодли тадқиқотчи Зокиржон Машрабовнинг Бобур номидаги халқаро ҳайрия жамғармасини тузиб, илмий экспедицияга бош-қош бўлиб, улуг шоир ва доно шоҳ Бобур Мирзонинг пок руҳини шод

етиш, ноёб кўлёмаларини излаб топиб, халқ мулкига айлантиришдаги бебаҳо хизматларини элу юрт ардоқлаб, ҳурматини жойига кўйганлигидан ким мамнун бўлмайди, дейсиз. Андижонлик пахта усталарининг, миришкор Ҳазрати инсонларнинг пахтачиликдаги шуҳратлари ҳам оламга татиғулик.

Ўзбек адабиёти равнақида андижонлик ижод аҳлининг ўз ўрни, хизмати борлигини эътироф этмаслик инсофдан эмас. Андижоннинг ўз адабий муҳити, ана шу мактабнинг ўз намояндалари бор. Уни Восит Саъдулла, Олимжон Холдор, Муҳаммад Али, Рустам Раҳмон, Эътибор Охунова, Тўлан Низом, Қамчибек Кенжа, Исмоил Тўлақ, Турсуной Содиқова, Мирза Карим, Маҳкам Маҳмуд Андижонийларнинг ижодисиз тасаввур этиб бўлмайди. Истеъдод эгаси Наби Жалолиддиннинг насримиздаги баланд овози бизни ҳайратга солади. Ажойиб ғазалнавис шоир Фарид Усмоннинг шеърлари, ғазалларисиз шеърятимиз кемтик бўлиб қоларди. Мен бир шоир ва ношир сифатида Замира Рўзиева, Ҳалима Қорабоева, Усмон Шукур, Муқимжон Ниёз, Замира Эгамбердиева, Абдуҳалил Қорабоев, Ҳабибулло, Одилжон Олимов, Қобил Мирзо, Холдор Вулқон, Омина Тожибоева, Ҳумоюн Акбаров, Хуршидахонларнинг ижоддаги парвозларини кузатиб бораман. Бу анъанани янги авлод давом эттираётганлигидан қувонаман.

«Арузда қалам тебратишни чидаганга чиқарган» - замонамизнинг ардоқли сўз устаси, устозимиз Ғафур Ғуломнинг бу доно фикрларида катта мантиқ бор, албатта.

Бизда бу мураккаб жанрда ижод қилувчилар бармоқ билан саноқли. Собир Абдулла, Ҳабибий, Чархий, Чустий каби мумтоз адабиётимиз намояндаларидан сабоқ олиб, адабиётимизнинг Жуманиёз Жабборов, Эркин Воҳидов, Жамол Камол сингари пешқадам вакиллари изидан бориб, қалам тебратувчилар ҳақида гап кетганда, Андижонда яшаб ижод этаётган хуштаъб, ширинзабон шоиримиз Фарид Усмоннинг номини тилга олмасдан ўтиб бўлмайди.

Фарид Усмон адабий муҳитда камолга етди, ўз сўзи, ўз овозига молик қалам соҳибларидан бири бўлиб қолди. У китобхонлар ва томошабинлар муҳаббатини қозонган ижодкорларимиздан. Унинг қаламига мансуб кўплаб

ғазалларининг таниқли хонандалар ижросида баралла янграётгани ҳам эътирофнинг ёрқин нишонасидир.

Фарид Усмон бизнинг кўз ўнгимизда улғайди, ўз мухлисларига эга бўлди. Мен вилоятларда яшаб ижод қилаётган шоир ва адибларнинг меҳнатини юксак қадрлайман.

Фарид Усмон ана шундай серқирра ижодкор, инсоф билан айтсак, ҳозирга қадар адабий танқидчилигимиз томонидан етарли баҳосини ололмаган шоирларимиздан бири десам, хато қилмаган бўламан.

Дарвоқе, ҳамма нарса ибтидодан бошланади. Ёш шоирнинг ilk китоби «Водий ғазаллари» тўплами 1979 йилда ёшлар нашриёти - «Ёш гвардия»да чоп этилди ва китобхонлар назарига тушди. У меҳнат фаолиятида ҳам доимо ўқувчилар, талаба-ёшлар муҳитида яшади, шу боисдан бўлса керак, ёшлик ва гўзаллик туйғулари, меҳнат ва ҳаёт эътирослари Фарид Усмон шеърятининг мантигини ташкил этади, ижодининг мазмун-мундарижасини безайди:

Шеърят - бу қатим-қатим

Нурлар тўла кечадур

Шеърят - бу эзгуликка

Олиб борар кўчадур.

«Онажоним шеърят» рукнида эътиборингизга ҳавола этилаётган «Жон қуши» тўпламида шоирнинг сўнгги йилларда битган сара шеърлари, ғазаллари, мустазод, мухаммаслари, рубоийлари жамланган. Уни бемалол Фарид Усмоннинг «Кичик девони» деб атасак бўлади. Мазкур китоб муҳтарам биродари азизимиз Фарид Усмоннинг муборак 60 ёшига муносиб армуғондир. Китобининг мундарижаси тарихий ва замонавий мавзулардаги шеърӣ асарлари, ғоявий-бадиий баркамоллик, умумий руҳи шуни тақозо этиб турибди. Тўплам китобхонни лоқайд қолдирмайди, уни бир нафас ўқиб чиқмаса кўнгли жойига тушмайди. Ахир, миллий гурур, ўзбекона ифтихор, шеърӣ ҳайрат, латофат, шеърӣтга, адабиётга муҳаббат туйғуларига бефарқ қараб бўладими?

Темур, Бобур бўлсанг ҳам

«От»дан тушгин, ўзбегим.

Бир-бирингни ардоқлаб,

Суйиб қучгин, ўзбегим.

Шоир ўзининг бир дилбар шеърини азиз болажонларга фарзандига бағишлаб, оталик насиҳатини қилади. Жигаргўшасига Ватанини мерос қилиб қолдиришини, ушбу кутлуғ диёрни асраб-авайлашни, озодлик деб аталган муқаддас туйғуни тумордай ардоқлашни сўрайди.


**Болам, сенга рост ҳур Ватан даркор,
Ўтинчим шуки, сен кечиргил мани.
Инсондан мўътабар мерос бўлолмас,
Қолмаса авлодга озод Ватани.**

Келинг, яхшиси, муҳтарам шеърят мухлиси, сизни шоир билан ёлғиз қолдирайлик, ўзингиз у билан пинҳона ва ошқора мулоқотга киришинг. Шоиримизнинг меҳр билан гулу чечакларини танланг, анвойи гуллар ифоридан тўйиб-тўйиб хидланг.

Дарвоқе, шеърят булоғи ҳеч қачон қуримайди, у ҳамиша қайнаб, жўшиб туради. Чунки кўнгиллардан оқиб чиқади, дилларнинг ташналигини қондиради. Ахир, чанқок йўловчининг бир қултум сув билан кўнглини овлаш, дуосини олиш буюк саодат-ку!

Ҳа, гўзал ва жаннатмаъво Андижонда бир ишқли дил бор! Бу истеъдодли шоир Фарид Усмоннинг чашмадек тиниқ ёниқ қалбидир!

**«Жон қуши» китобига ёзилган сўзбоши.
«Янги аср авлоди», Тошкент, 2005 йил.**



**Маҳкам Маҳмуд АНДИЖОНИЙ,
Ўзбекистон Миллий университети,
Мумтоз адабиёт кафедраси
тадқиқотчиси.**

РУҲ БУЛБУЛИ НАВОЛАРИ

XX аср араб шеърятини даҳоларидан бири, Лубнон (Ливан)дан Америкага ҳижрат қилган, Франция нафис Санъат академиясида таҳсил олган Жуброн Ҳалил мансураларидан бирида бундай ёзади:

«Тангри таоло ўз моҳиятининг бир заррасидан Инсон Рухини пайдо қилди ва унга ҳусну жамол ато қилди.

У, Рухга рангоранг тонг шафақларини, дала гулчечакларининг муаттар бўйларини, Ой нурининг нозик-нафислигини ато қилди.

У, Рухга Арши аълодан илм, маърифат нурларини берди. «Булар билан ҳақ йўлни топасан», - деди.

У, Инсон кўнглининг қоронғу қатларига басират нурларини жойлади. «Булар билан кўринмас оламларни кўрасан», деди.

У, Инсон Рухига нозик ҳиссиётларни ато қилди. «Булар ёрдамида хаёлот ва руҳий оламларга сайр қиласан», деди.

У, Инсон Рухига ишқ эҳтирослари либосини бердики, бу либосни фаришталар камалак рангларидан тўқиган эдилар.

Тангри таоло инсон Рухига нурнинг сояси бўлмиш исён зулматини берди. Сўнг У қаҳр-ғазаб ўчоғидан бир чўғ, жаҳолат саҳросидан бир қуюн, иззатталаблиқ, манманлик денгизидан бир ҳовуч қум, абадият оёқлари остидан бир гард олиб, Инсонни яратди...»

Фариднинг ғазаллари ва эркин шеърларида ижтимоий ҳаётнинг турли қирралари, дўстлик, инсонпарварлик, камтаринлик, кибру ҳаво, рост ва ёлғон, жисм ва руҳ, севги олами, туйғу товланишлари, фалсафий ўй-мушоҳадалари самимий ифодалангани, фикр теранлиги ва нафис мутойиба нозиктаъб ўқувчиларни бефарқ қолдирмайди, уларни инсонийлик, яшашнинг ҳаётини таҳлил этади.

Фариднинг ғазалларини ўқиганимизда, унинг лирик қаҳрамони руҳидаги зиддиятли, мураккаб ҳолатлар тасвирини кўрганимизда Жуброн Ҳалилнинг руҳ ҳақидаги

айтганлари ёдимизга тушади. Фарид бир шеърида «асли биз киммиз, эй, дил?» - деб ўзига савол беради. Саволнинг сабаби:

Шаклу шамойилларга мафтун бўламиз,
Эрк берамиз тилларга – мажнун бўламиз.
Сарсон қилади гоҳо майллар дашти,
Яшаб, мол-дунё излаб, дилхун бўламиз.
Сеҳр сувратларини моҳият дея,
Гоҳ ўздан, гоҳ ўзгадан мамнун бўламиз.
Юлдузга, Ойга, Қуёшга интилиб,
Аслида бу дунёда учкун бўламиз.
Киммиз асли, эй кўнгил, киммиз биз, эй дил?
Юрак деган қафасга туткун бўламиз...

Бошқа бир шеърида Фарид бу саволини ўзгача фикрлар билан ифодалайди:

Мева пишса ёз ҳавосида агар,
Соз бўлар, айттил, сенинг фаслинг надур?
Йўқ экан наслу насабинг аслида,
Билмасанг ғолиблигу таслим надур?
Зоғора зодига тортар дейди халқ,
Ушбу гапда не маъно, қасдинг надур?

Туғилган, униб-ўсган жойи, оила, қавм-қариндошлар маскани, Ватани билан шоир фахрланиб дейди:

**Тириклик зийнати инсонга бир манзил-макон этмоқ,
Жаҳонда неки жонлик бор омонат бир маконлиқдир.**

**Маконки бор, тириклик бўлмаса ҳеч файзи ҳам бўлмас,
Илон сахрога султону, тўқайзор арслонлиқдир.**

**Кўнгиллар гоҳ зулмат, гоҳи нурли кўк қуёши-ла,
Қоронғу ернинг остида, ёруғлик осмонлиқдир.**

Яъни шоир айтмоқчи, ақл, онг қоронғулигида, ўрмондаги ваҳшийлар каби яшаш ер остида яшашга ўхшайди, равшан, ёруғ дил билан яшаётган одам ақл-идрок осмонига парвоз қилади. Тинчлик, омонлик, осойишталик, ижод ва илҳом

оғушида яшашнинг қадрига етган шоир бундай шукрона сўзларини айтади:

**Фурурим ҳамда фахрим шулки, нурли юртга
фарзандман,
Фароғат гулшани ўлкам мудом дорул-омонлиқдир.**

Лекин, мана шу фароғат гулшанида, ҳаёт боғлари ва кўнгил ўрмонларида булбул ва тўти ҳам, бўри ва тулки ҳам, какку билан хўроз каби бир-бирини мақтаб, хушомадгўйлик билан кун кўргувчилар ҳам бор. Мана шундай турфа хил зотлар орасида шоир баъзан йўл тополмай адашади:

**Лол этур кенг ястаниб ётган жаҳон,
Қайси сахро, қайси гулшан билмадим.**

Чунки, гоҳида гулшанга мол-дунё деса кузгундай ташланувчи зоглар кириб олган, беозор охулар сахрога ҳайдалган.

**Қайгуриб чекдим киши қайғусини,
Қайси инсон рост, шўх-шан, билмадим.
Гоҳида кўрдим хиёнат дўстдан,
Дўстни ким бу хилда кўрган, билмадим.**

Фарид дўстимиз инсон, шахс сифатида ўта камтарин, ҳаё-андишали, етти ўлчаб бир кесадиған, етти ўйлаб бир гапирадиған йигит. У, фойда, ғараз, мансаб, обрў, шон-шухрат учун эгри йўллардан юргувчиларга эргашмайди, уларнинг минг хил найранг билан топган бойлик ва ҳашаматиға ҳавас қилмайди:

**Сўз деяр чоғимда ҳа, юз, балки минг бор ўйладим,
Сақладим андишани, юзсизга мен эргашмадим.
Англабон етдим яна, тузсиз таом бўлмас ширин,
Эгри йўллардан юриб, тузсизга мен эргашмадим.**

Шоир фикрича, «миллат бўлмаған халқнинг бошида туман доим; Унга бир тиканзордир гулшану чаман доим. Миллат бўлмаған халқни аслида ўлик деб бил. У на бир

тирик рухдир, у на тирик тан доим. Эй, Фарид, рухсиз тан лойикдир ҳақоратга. Озод ва обод бўлсин эл учун Ватан доим».

Қалам аҳлига қайғу ҳам, қувонч ҳам бегона эмас, лекин шоирнинг қайғуси ва қувончига бўлар бўлмас, енгилтак, ўткинчи нарсалар сабабчи эмас:

**Биз қалам аҳли, қалам аҳли мудом,
Биз қалам аҳлики, ғам аҳли мудом,
Биз қувонч аҳлики, шодликка дўст,
Шум эмас, қутлуг қадам аҳли мудом.
Жон фидо айлаб ҳақиқат олдида,
Биз лутф аҳли, карам аҳли мудом.**

Шоир манфаат, ғараз, фойда топиш учун минг бир қиёфага кирмайди. Бу маънода у барқарор, ўзгармасдир. Не-не одамларни, не-не дўстларни кўрдик, бойлиги, мансаби йўқлигида виждонли, самимий одам эдилар, кейин-чи? Айёр ва маккор ва ғаддор бўлиб кетдилар.

**Бойлиги етмас бечора одамнинг
Одам бировларга қарам ўша-ўша,
Нурга талпиниб яшовчи инсонлар,
Шодликка ҳам ғам, алам ўша-ўша.**

Фарид баъзи ғазалларида маъюс ва хазин, баъзи ғазалларида шод масрур, баъзида тез ва шиддаткор. Лекин, ҳар қандай ҳолда ҳам у ўзининг Ватани, халқи олдида бурчини адо этишга тайёр, ўзига ва замондошлари - қалам аҳлига эзгуликлар, яхшиликлар тилайди. У мумтоз шоирларнинг қофияси, оҳангларида ҳам яхши фойдаланади.

**Дил, қулоқ тутгин замонанга, унинг ҳамрози бўл,
Янграган софдил кўшиқ, куйнинг муносиб сози бўл.
Тез вақт, тездир замон, ҳар бир нафас шиддатга ғарқ,
Давр баланд парвоз этар, сен ҳам баландпарвози бўл.**

Шоир сен ҳам замонга боқиб, баландпарвоз сўзларни ёз демоқчи эмас, балки ижод юксаклигида парвоз қил, демоқчи. Шоирнинг лутфи, юмори ҳам нозик-нафис:

**Эгри баднафс кимсалар бордир, демасман ҳеч қачон
«Бир ҳовуч олтин, кумушнинг хушжаранг овози бўл!»**

Гоҳида ғазалларида шоир аҳволи не кечишини, Тангри таолога ва фаришталарга не жавоб айтишни ўйлайди, ҳақ таолодан меҳр-шафқат, марҳамат тилайди.

Фарид Усмон етти ранг ҳақидаги ғазалида «Етти рангни кўролмасдан кўнглим эди овворалар, Етти рангнинг орқасидан кулиб боқди фавворалар, ғоялардан қуйилгандек тиниқ, шўх-шўх шалолалар, Юрагимга қуйилиб, чўғ, шуълалар-шароралар, Кўз олдимда жилва қилди олис, нурли сайёралар» деб, бир қарашда қофия ўйини бўлиб кўринсада, шеърнинг давомида бу етти ранг - маърифат нурларидан таралган шуълалар экан, у шоирнинг қалб кўзига кўринмас оламларни ҳам кўрсатади.

**Маърифатнинг етти ранги айтди дунё-жаҳон надур,
Ёлғон-ёлғон саҳро надур, ёлғон-ёлғон бўстон надур,
Битта сўзни ёдлаб олган тўти надур, хушхон надур,
Рост маънода инсон надур, рост маънода шайтон
надур?**

Ошкор бўлиб қолди бирдан қанча-қанча маккоралар.

Шоир Ватанимиз, халқимиз ҳаётида юз йиллар давом этган мустамлакачилар сиёсатида қарамлик, мутъелик, қулайлик, иймонли, маърифатли инсонларнинг иймонсиз истилочиларга асирлиги жуда оғир оқибатларга олиб келганлигини ифодалаб, бундай дейди:

**Дейдилар сўзлагин сўзни, вале биз ичга сўз ютдик,
Сукутлар сақлабон, таъзим бажо қилганча сўз кутдик,
Буюрса неники тез-тез муҳайё айлаб улгутдик,
Ки гўё офтоб тушдию, биз кўксимиз тутдик,
Билолмам, нени ҳосил айладик, нени урчитдик -**

**Ўтар авлоддан авлодга, тузалмас катта дард янглиғ,
Тўзону ҳамда Ҷангсиз ҳосил ўлган қора гард янглиғ,
Ҳақиқий, бори гап шу, ҳаммамиз - дардисар янглиғ,**

**Ки гўё офтоб тушдию, биз кўксимиз тутдик,
Билолмам, нени ҳосил айладик, нени урчитдик -**

Бу сатрларни ўқиганимизда коммунистик мафкура, даҳрийликнинг оғир кишанлари остида эзилган, чора тополмай, мустамлакачиларга малайлик қилиб, дину иймондан айрилган, бир-бирини сотган, Ватанга, миллатга хиёнат эвазига юқори мансабларни эгаллаб олган ва ўз халқининг бошида тегирмон тоши юргизган, адолат, ибо, ҳаё, камтаринлик, меҳр-шафқат, Ватан, миллат нималигини тушунмайдиган, фақат ўзим бўлай, деб ўз халқининг оғирини енгил қилишни хаёлига келтирмайдиган, фақат бойлик, мол-дунё ва мансабни ўйлаб, охиратни ўйламайдиган катталарни ва ўз мумтоз мусиқаси, Навоий, Бобур, Огаҳий, Авлоний, Сидқий Хоналиқий, Чўлпон шеърятини ёқтирмай, даста-даста пул ва ялтироқ либосларга қизиқувчи, бўрилардай бақир-чақирлардан иборат иймонсизларнинг енгилтак, маъносиз кўшиқларини, ярим фоҳишаларнинг ярим яланғоч таналарини севадиган миллионлаб ёшларни ҳосил қилдик урчитдик, деган аччиқ ҳақиқатлар кўнглимизга келади.

Ҳайриятки, Миллий Истиқлол келиб, Авлоний, Ибрат, Камий, Сидқий, Тавалло, Чўлпон, Фитрат каби миллатнинг асл фарзандлари қадрини зулм ва ҳақорат ботқоғидан иззат ва шараф осмонига кўтарди.

Яна бир ғазалида Фарид бу дунёдаги хилма-хил инсонлар ҳаётини табиатнинг турли жонзодларининг ҳаётига ўхшатади. Бу, Эзоп яшаган 2500 йил аввалги ҳаёт ҳақида масаллар эмас, қадимги ҳиндларнинг сансара фалсафаси ҳам эмас, балки XX асрда Зигмунд Фрейд кашф этган ҳар бир инсонда ақлга ва жамият талабларига мувофиқ, жамият қонунларига бўйсунувчи инсоний онг билан бйрга, онг остидаги қоронғу чуқурликларга, онг чангалзорларига яширинган босқинчилик, ёвузлик, тажовузкорлик руҳи, сексуал истак-майллар уйғониб қолганида оғир жиноятлар юз бериши ҳақидаги назариясига мувофиқ келувчи фикр, ўйлар изҳоридир.

**Ҳаёт кенг, катта ўрмондир, яшар шеру қуёнлар ҳам,
Чувалчангу, илонлару, зулуклару, чаёнлар ҳам.
Қизиқдир бўрию ғоз, тулкиларнинг борлиги чандон,
Яна бу хонаки тўнғизлару ваҳший қобонлар ҳам.**

**Мудом кулгу бўлиб тургувчи маймунларни айтингиз,
Юрар кўзга кўринмай шайтон янглиг ноёнлар ҳам.
Ҳамма ваҳшийлару, ҳамма эзгуликлар эрур шунда,
Яшайди ёнма-ён яхши билан ножинс, ёмонлар ҳам.**

Шоир «Қутайбанинг ўлими» ғазалида баъзи романапислар каби, қадимий тарих саҳифаларини чуқур ўрганишни фарз деб билмаса-да, бу тарихий шахснинг ўлими ҳақида ҳеч ким ўйламаган, қутилмаган сабабларни ижод қилиб топади. Фариднинг ёзишича, Ислом лашкарбошиси Қутайба жангчиларини Андижондан кетишга, янги-янги мамлакатларни фатҳ этишга даъват қилади. Лекин исломий жангчилар қуръон ва ҳадисларда айтилган меҳр, шафқат, саҳоват, ҳалол меҳнат билан яшаш, яхшилиқнинг муқаддас ибодатга тенг эканлиги ҳақидаги фикрларни бошлиқларига нисбатан яхшироқ билган бўлса керакки, улар бу ернинг табиати ва одамлари билан аҳил, дўст бўлайлик, деб бу ердан кетишга норозилик билдирадилар. Қутайба бу норозиликни қилич, қон тўкиш билан бостиришга уринади. Лекин жангчилар эпчиллик қилиб, Қутайбани ҳалок қиладилар.

Бу шоир Фариднинг бир поэтик ғояси, фарази бўлсада, ҳар ҳолда, гуманистик, олижаноб ғоядир. Бу ғоя исломий таълимотнинг руҳидан келиб чиқади.

Бошқа бир ғазалида Фарид ҳозирги замон қутайбаларидан бирини, жамоани, халқни менсимай, оёқости қилган бошлиқнинг фожиасини тавсирлайди. Юртда фақат ўз амал курсисини ўйлаб, халқнинг ҳолидан хабар олишни ўйламайдиган, фақат ўзига бойлик ва куч-қудрат орттириб, элни менсимай, оёқости қиладиган, маърифат ва маънавиятни фақат қоғозда ва оғизда биладиган худбин, такаббур, олчоқ кимсаларнинг кўпайиши шоирни ташвишга солади. Бундайларда инсоний фазилатлардан фахр ва ғурурланиш йўқ. Улар виждонли одамни масҳара қиладилар. Шоир ўшандай виждонсиз бойлар ҳақида «Ғурур на, ақлу идрок на, надур миллий деган ул шаън, Амал деб топталар оёқостида виждонлар» дейди.

Шоир мумтоз шеърятни Бобур, Навоий, Фузулий, Машраб, Огаҳий ғазалларини севиб ўқигани уларга ёзган мухаммасларидан сезилиб туради. Бу устозларга мухаммас боғлар экан, у ҳаё ва одоб билан фикр юритади. Ўз

вазифасини ул буюк зотларнинг байтларидаги маъно товланишларини изоҳлаш, шарҳлаш, талқин қилиш деярлик билади.

Устоз шоир Машраб ғазалига жавобан бундай чиройли байтлар битади:

**Дил дафтарига яхши-ёмонни бита қолдим,
Ҳайрат била боқдим-да ёқамни тута қолдим,
Айтай деганим сўзни ичимга юта қолдим,
Дунёга келиб лойига билмай бота қолдим,
Дармон йўқидин неча оғиз сўз қота қолдим.**

Алишер Навоий ўз девонида Амир Хусрав Дехлавий ва Хожа Ҳофиз ғазалларига энг кўп мухаммаслар битган. Ул зот ана шу устозлар мактабида таълим олганидан фахрланган. Кейинги даврларда арузда ёзувчи Ҳабибий, Чархий, Чустий, Собир Абдулла, Улфат, Омонулло Валихон, Восит Саъдулла, кейинги авлод вакиллари Эркин Воҳидов, Абдулла Ориф, Жамол Камол, Маъруф Жалил, Садриддин Салим, Қамчибек Кенжа, Тўлан Низом, Қобил Мирзо, Наби Жалолоддин, Анвар Обиджон, Сулаймон Ҳайдар ва бошқалар ҳам мумтоз шеърят даҳолари ижодини севиб ўқиганлар. Шулар қаторида Фарид Усмон ҳам кам бўлсада устозлар йўлида бир неча мухаммаслар ёзган. Фарид девоннинг мухаммаслар фаслида Ҳофиз Шерозий ғазалига бундай байтларни боғлайди:

**Ўлтурурмиз йўлларида кўзни узмай, мунгайиб,
Мисли бир девонадирмиз, хор-зормиз, кўп ғариб,
Энди унга на рақибмиз, энди унга на ҳабиб,
Ул саодат шамъининг базми эрур кимга насиб,
Сиз, Худо ҳаққи сўранг, кимдир унинг парвонаси -**

Кўқон хонлигида Умархон (Амирий) даврини илм-фан санъат, хунармандчилик, умумий маданият гуллаб яшнаганлиги тарихий манбаларда айтилади. Лекин Умархон вафотидан сўнг тахтга ўтирган Муҳаммад Алихон даврида хонлик ҳудудлари Қошғардан Боғчасаройгача кенгайган бўлсада, адолатсизлик, жабр-зулм сабабли халқнинг ҳаёти оғирлашган, хон кибру ҳаво, айш-ишратга берилиб, кимнинг оиласида чиройли қизлар бўлса, хон харамига олиб кетилаверган, соғлиқ, бож-хирож ғазалида мана шу аҳволни

ҳаққоний акс эттирган. Фарид шу ғазалга ёзган мухаммасида ўша руҳни сақлаб, бундай ёзади:

**Зулмнинг юртида юксак тутиб ном,
Сира фарқ айламай суҳб ила шом,
Фақат жабру ситамлардан қуриб дом,
Шаҳ айлар маснади ноз узра ором,
Мане девонага бас ҳоки гўлаҳ.**

Шоир бу ерда буюк маърифатчи Гулханий ҳам шу даврда яшаганига ишора қилгандир, балки.

Фарид ўз замондошларидан Эркин Воҳидов, Абдулла Ориф, Ҳабиб Саъдулло, Қобил Мирзо ғазалларига ҳам яхши мухаммаслар битган. У Андижон адабий муҳитини гуллаб-яшнатган Ҳабибий, Омонулло Валихон, Восит Саъдулла, Сайфий, Улфат каби атоқли шоирларни бот-бот эслаб туради, ёшларга илм-маърифат берганлари учун устозларга таъзим бажо қилади.

Шоир севги ҳақида, висол ва ҳижрон ҳақида кўп ва самимий шеърлар айтган. Бу шеърларда севги ҳавас, ишқибозлик эмас, балки инсоний меҳр, оқибат, инсоний муносабат гўзаллиги, нафосати, дил мусаффолиги сифатида тасвирланади. Шоир севги тушунчасининг кенг, фалсафий маъноларини талқин қилади.

**Севгини мен англадим, аввал Ватандан бошланар,
Севги инсон улғайиб ўсган чамандан бошланар.
Севгидан сўзлар она тупроқдаги ҳар бир гиёҳ,
Лолаю, райҳону сунбулдан-сумандан бошланар.
Севги бу дўстларни англаш, севги бу юртни таниш,
Ҳаммамиздан - сиз ва биздан, сен ва мендан
бошланар.**

**Эй, Фарид, қалбингга ишқ берган чаманга таъзим эт,
Севги инсон улғайиб, ўсган Ватандан бошланар.**

Мустақиллик даврида халқаро дўстлик, ҳамкорлик, илм-фан, маданият, савдо, таълим соҳасида иқтидорли ёшларнинг хорижий сафарларга чиқишига кенг йўл очилди. Шоир Фарид хорижий юртларга сафар қилганида, баъзилар каби, чет элларни оғиз кўпиртириб мактамайди, балки ўз Ватанига меҳр-муҳаббати яна ҳам зиёда бўлганини айтади. Хорижда ҳар қанча бойлик, техника, тараққиёт бўлса ҳам, шоир фикрича, у ерларга борган одам маънавияти,

руҳиятини яхши тушунадиган одамларни учратолмайди. Она ватанда, она тилида, кўнгил яқин одамлар билан мулоқотда яшашнинг завқи бошқача.

Шоир ғазалларида фалсафий руҳ кундалик ҳаёт билан, замонавий ҳаёт манзаралари фалсафий ҳоёлари билан чирмашиб кетган. У бир инсон шахсидаги зиддиятлар орқали жамият ҳаётининг руҳий таҳлилини беришга интилади. У ўз-ўзига «Биз кимлар тарафидамиз?» деган саволни бериб, жавобида барча зиёлиларнинг маънавий ҳаётидаги чигалликларни ифодалайди. Шоир фикрича, биз, зиёлилар тақдир тақозоси билан, ёҳуд ўз ихтиёримиз билан, гоҳ яхшилар, гоҳ ёмонлар билан бирга яшашга мажбурмиз:


«Неча зорлар бирламиз, ҳам неча хорлар бирламиз. Неча мазлумлар бирла-ю, зулмкорлар бирламиз. - Бир томон яшнар чаману, бир томон сўнган умид. Лоззорлар бирламизу ҳам мазорлар бирламиз - Турфа хил, сирли, сеҳрли, ошкоралар бирламиз»

Яна бир ғазалида Фарид заҳмат, машаққатларда ўтган ҳаётига қайрилиб боқиб, маънос эслайди:

**Умр саҳросида ғамгин борадир ғам юкин ортиб,
Қароқчи, ўғриларга кўп танланган хор карвоним -
Халқ, миллат қайғуси шоирни руҳан юксалтиради.**

Фарид Усмоннинг янги девони, ундаги пурмаъно, руҳпарвар шеърлар Андижон адабий муҳити ҳозир ҳам гуллаб-яшнаётганини, бу ердаги шоирлар ижодида ижтимоий, маънавий, ахлоқий тафаккур юксалиб бораётганини кўрсатади.

**«Рух булбули» китобига ёзилган сўзбоши.
«Ворис нашриёти», Тошкент – 2003 йил.**



Тўлан Низом,
Ўзбекистон Халқ шоири

«РУХ БУЛБУЛИ» ХОНИШЛАРИ

**«Тириклик зийнати инсонга бир манзил - макон этмоқ,
Жаҳонда неки жонлик бор омонат бир маконликдир.»**

Дераза ортида оқшом куюлди. Борлиқ жим. Бу сўнгсиз сукунатни фақатгина тириклик ҳикмати англаган руҳ қушининг нолаю фарёди бузди. Энди забонсиз қотган деворлар сокинлигида ҳам аллақандай ҳадик.

Умр кумсоати тугай бошлади. Нотинч руҳ тушунуксиз туйғулар кезинади. Ҳаммаёқ ўлик сукунат. Фақат кўкракка сиғмаган юракнинг безовта товуши. Интизор муштоқлик. Инсондан ўтган барча омонатлар тирик сўзга айланади. Ҳавони чақмоқдек бир сўз кесади. Қоғозга эса изтироб тўкилади:

**Кўнглим ситамига чидамайдир,
Жонимки ғамига чидамайдир.
Гўёки пора-порадир таним,
Ғам йўқ, ҳар дамига чидамайдир.
Ё раб, нега у ҳамдамлиғ этмас,
Ё мен ҳамдамига чидамайдир...
Дунё иши кам, кўп этмоқ азал,
Ким жоҳил камига чидамайдир.**

Сўзлар қоғозни куйдиради. Туйғулар сатрларга ашқдек сизади. Бу шубҳасиз - шеър азоби! Шеър - ҳақиқат жарчиси. Сўз - муқаддас. Виджон амрини қоғозга кўчириш, сўз билан юзма-юз келиш осон иш эмас.

**Надур асли яшаб юрмоқни маъноси, аё дўстлар,
Фақат алдаш, аврашму дунёси, аё дўстлар.
Нетай уқтирмади бир менга зебоси, аё дўстлар,
Ажаб дунё экан бу ишқ дунёси, аё дўстлар,
Бу дунё деб, у дунёни баҳосиз пулга сотдим-ку.**

«Тангри таоло ўз моҳиятини бир заррасидан Инсон Руҳини яратди ва унга хусну жамол ато қилди. У руҳга Арш аълодан илм-маърифат нурларини берди. «Булар билан кўринмас оламларни кўрасан. Булар билан ҳақ йўлини

топасан, деди» - дейди XXI аср араб шеърияти даҳоларидан бири Жуброн Ҳалил мансураларининг бирида.

Дарҳақиқат, руҳ Ҳақники. Руҳ юксалган сари моҳият мазмуни инкишоф топади. Ҳисда янада мукаммаллашади.

**Жисм ўзимда, лек жоним сендадир,
Не мурувват бўлса, жоним сендадир.
Ошкор этмак сенинг ҳукмингдадир,
Барча сир асрор ниҳоним сендадир.**

Ҳақ номига ёзилган мактуб. Ранглар ҳазин, лекин руҳият баланд. Сатрлардаги ҳайқириқ қонда гупиради. Олам синоатини англашга бўлган иштиёқ дунёда яралмишдан бошланган. Бу илоҳий туғёнларни юракка кўмиб яшашнинг ҳеч илоҳи йўқ. Шоир юрагидаги оғриқларни, дардларини қораламагунча тинчимади. Қалби сатрларга кўчади, руҳи оҳангда жилваланади.

Сўз - мангу, шоир эса ўткинчи куйчи. Ижодкор мангу лаҳзаларни ушлаб қолувчи, бутун қалб соҳиби. Халқ ва башарият дарди, кечмиши билан яшайди. Шу сабабдан унинг ўзи ҳам айтган сўзи қадар улуғланади.

Булбул 41 оҳангда сайрайди, деган гап бор. Ундоқ бўлса руҳ булбули 1001 оҳангда, балки бесаноқ оҳангда хониш қилар эканда. Бу ҳолат Фаририддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр», Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» асарларидаги турфа оҳангда сайраб, ҳаммани ёндириб, сўнг ўзи ҳам ёниб кетадиган қақнус образини ўқувчи ёдига солади. Девонга кўйилган ном шоир шеърияти манзараларига жуда лойиқ. Ҳар бир шеър мисли булбул, унинг овозига, хилма-хил наволарига қулоқ тутинг. Мана бу булбул эса ишқ - муҳаббатни тараннум этмоқда:

**Боқса жоним, жонима ўтлар ёқар,
Боқмаса дейман қачон жоним ёқар.
Ҳар нигоҳ гўё ёруғлик рамзидай,
Кўзга кўз тушса мисол чақмоқ чақар.**

Яна бошқа бир шеъридаги сатрлар тиниқлиги кўнгилга хуш ёқади:

**Найлайки, суймай десам васлу висолинг суйдирар,
Суйганим ростдир десам ҳижрону ҳажринг
куйдурар.**

Мана бу байтлардаги самимийлик эса киши қалбига ором бағишлайди:

**Сизни ўйлаймиз ҳануз биз, бизни ўйлайсизми сиз,
Ҳақингизда сўзладик кўп, бизни сўйлайсизми сиз.
Давраларда келдилар, деб қолсалар, бўй чўзаман.
Кўрсатиб қўйсам баногоҳ бўй, бўйлайсизми сиз.**

Шоирнинг ҳар бир ғазали сюжетли, воқеабанд. Шул сабабки, маънога халақит берувчи ўринсиз сўз, ташбеҳ, муболағалар йўқ. Фикр яхлитлиги бор. Уни ўқувчи онгига бутун етказиб бериш Фарид ижодининг ўзига хос хислатидир. Дарвоқе, ғазалиётимизда нафис тавсиф, мақтов, лирик қаҳрамоннинг ташқи сифатини моҳирона чизиб бериш узоқ ҳукм сурди. Фарид Усмон ғазалларида эса сал бошқачароқ хусусият бор. Бу - ҳаёт воқелигини сурати ва сийрати, ички пайдо бўлиши аломатидир. Халқ тили ва унинг ранг-баранглиги кучидир. Шу жиҳатлари билан шоир ижоди, айниқса, ғазаллари илмий таҳлилга тортилиши лозим. Чунки, адабиётимизда Фарид Усмон отлиғ яроқли шоир мавжудлигини эл билсин, ардоқласин.

Фарид Усмон анча илмли шоир. У мумтоз адабиётимизни яхши ўрганган, ғазал жанри сир-синоатларини анча дадил ўзлаштира олган, шу билан ўзига яраша, охори янги йўсин топа олган шоир. Унинг Алишер Навоийнинг айрим ғазалларига назира тариқасида ёзганлари ҳам бор. Бу тақлид эмас, ўрганиш, тўғрироғи пир олдида имтиҳондан ўтиш, ёки ижодий қаддини ростлаб олиш демақдир. Масалан, бир ғазалининг бошланғич байтига назар ташланг:

**Сенга топширдим инону ихтиёримни ниҳон,
Демасангда ошкора бўл менга, бўлдим сенга.**

Ушбу ғазал охири куйидаги сатрлар билан якун топади:
**Ғуссасиз кўнглимда ишқ - устоз Навоийдан наво,
Шеър ҳам эрмас, Фарид, сернаво бўлдим сенга.**

Шоир ўзликни англаш, миллат ғурури, она тил сурури, уни қадрлаш каби олий мақсад, азиз туйғулар билан суғорилган ғазаллар яратадики, ўқувчи бу куйма сатрларда ҳайратга тушиб, шеърий иборалардаги халқона байтларни ёдлаб олиши мумкин. Мана, «Она тилимга» ғазалида:

Очилур ҳар гул сенинг чеҳранг эрур,
Кел, ўпиб қўяй дудоғингдан, тилим.
Онадурсан, меҳрибон, асло жудо —
Айлама ўтли қучоғингдан, тилим.


каби мусиқийлиги ҳар бир шеър радифига сингиб кетган пурмаъно сатрлардан ким ҳам руҳланмайди дейсиз. Қадимдан девон тузиш катта шоирларга хос қобилият-ижод бўлиб келган. «Рух булбули» девонига киритилган мухаммас, мусаддас, мустазод, рубоий, қитъа ва фардларнинг ҳам бадиий пишиқлиги эҳтиросли шоирнинг ўзлигини намоён этиб турибди. Мана шоирнинг яна бир рубоийси:

Бу этак, буниси енг деб алдандик,
Бизга бой - камбағал тенг деб алдандик.
Аслида тор экан кулбаи олам
Атрофга боқмасдан кенг деб алдандик.

Яқинда Андижонда Фарид Усмоннинг ушбу девони тақдими бўлди. Катта ижодий кечага айланиб кетган анжуманда шоирнинг ҳақиқий мухлислари жамулжам бўлди. Уни бу муваффақият билан қутлайман.

Хуллас, иқтидорли сўз устаси, Фарид Усмоннинг Тошкентдаги «VORIS-NASHRIYOTI» томонидан чоп этилган «Рух булбули» шеърий китоби мухлислар учун қутилмаган тухфа бўлибди. Қалбимизда меҳр-муҳаббат оловлари мангу ёнар экан, биз ҳар доим мана шундай яхши шеърларнинг харидори бўлиб қолаверамиз.

«Хуррият» газетаси, 2003 йил.



Дилмурод ҚУРОНОВ,
адабиётшунос олим.

«ЖОН ҚУШИ»

китоби тақдимида баён қилинган фикрлар

Абдулла Орипов бундан 30-35 йиллар аввал «Некрасов ҳасрати» номли шеърида:

Пушкин шеъри ҳали янгарди,
Лермонтов чарақлар назм осмонида.
Шоир бўлиш қийин,
Шоир бўлиш оғир
Бундай буюқларнинг қаҳқашонида, -

деб ёзган эди. Гарчи бу сўзлар Некрасов тилидан айтилган бўлса-да, аслида шоирнинг ўз дил изҳори. Негаки, кўҳна Шарқ, хусусан, юлдузларга тўлиқ бўлган. Аввало, шунча шоир салобати босиб турган бир чоғда қўлга қалам олиб, шоирлик даъвоси билан чиқишнинг ўзи жасорат. Масаланинг бошқа бир томони ҳам бор: кўпчилигимиз, хусусан, адабиётшунослар шеърият ҳақида сўз доим маълум бир даврда пешқадамлик қилган шоирлар ижодига таянамиз. Ҳолбуки, агар уларнинг атрофида бошқа шоирлар, яъни, баъзан қисқа ўйлаганимиз боис сап пастроқ назар билан қараладиган шоирлар бўлмаса, мақолада айтилганидек, ёлғиз отнинг донғи чиқмаслиги ҳам тайин гап. Шу маънода бир ҳақиқатни такрор айтиш керак: шеъриятнинг, бадиий тафаккурнинг ривожини машҳур номлар, унвонлар эмас, биринчи галда яхши ШЕЪРлар белгилайди. Яъни, ижодкор жилд-жилд китоблар чиқармаган, боринки, у қадар танилмаган ҳам бўлсин, - агар у ижоди давомида биргина гўзал сатр, биргина бетакрор байт, биргина дилбар шеър яратган бўлса, билинги, шеъриятнинг муҳташам кошонасини тиклашда унинг ҳам муносиб улуши бор, у ҳам эъзозга лойиқдир.

Чўзилиброқ кетган даромаддан мурод - бугун тақдим этилаётган «Жон қуши» тўпламида айтиш шундай сатрлар, байтлар, шеърлар борлигини айтиб қўйиш, холос. Фарид Усмон - даъвони катта қилмагани ҳолда, ўзи айтмоқчи, «Эзгуликка олиб борган кўча» - шеъриятта қадам қўйган,

қарийб бир навқирон йигит умрича вақтдан бери згулиқ уруғини сочиб келаётган шоирлардан. Фарид ака, мана, олтишни қоралаб келяпти, шунданми, шеърларида фалсафий мушоҳадага мойиллик кучайибди. Шоир инсоннинг ўрни, умрнинг мазмун-моҳияти ҳақида ўйлаб, умрни баҳору кузда «шивир-шивир ёққан тоза ёмғир»га қиёслайди ва айтадики:

**Гўёки өрмиз биз, гўёки гиёх,
Аслида мен ҳам бир шивир-шивирман.
Қайтиб келмагувчи ёруғ дунёга,
Балки галат кўринмаган тасвирман.**

Инсон умрининг фонийлигини чуқур ҳис этишдан келган ғусса қатида ҳаётнинг давомийлигини, «шивир-шивир» ёмғир ҳаётининг гиёхларда давом этишини англаш ётади, шу боис ҳам шеър кўнглимизда нурли маҳзунлик пайдо қилади. Ёки бошқа бир шеърда «Изғирин еб тўкилган барглар»нинг оёқ остидаги фарёдини тингларкан, шоир бундан ҳам фожиа ясамайди, уни «Ҳаёт ҳукми - аччиқ ҳақиқат!» сифатида қабул қилади. Ҳаётга бу хил ёндашув эса шоирнинг исломий фитратига хос умидворлик билан белгиланган:

**Кўлимизда сара лочин,
Дил деган бургут билан.
Бизлар умид аҳдидурмиз,
Яшаймиз умид билан.**

Шу ўринда яна бир жиҳатни таъкидлаб айтгим келади. Фарид ака атрофимизни қуршаб турган оддий нарсалардан ҳикмат қидиради, муҳими, уларда бошқалар нигоҳида илинмаган жиҳатларни, қиёсларни топади. Увайсий момомизнинг анорда тўрт девор ичида сиқилган аёл фожиасини кўргани эсингизда, албатта. Фарид Усмонга кўра, «анор донасининг юзидаги парда алвон ранг ҳарир ҳаё», яратган уни бизга ибрат қилган гўё, шеъринг ҳукм ҳам шунга ҳамоҳанг: «Одоб - дунёдаги энг етук ҳосил». Тўпламни варақларканман, Фарид Усмон кўп машҳур шоирлар билан баҳслашгандек, улар қаламига олган мавзуларни бошқа жиҳатлардан талқин қилишга ҳаракат қилгандек кўринади. Жумладан, Э. Воҳидовнинг «Арслон ўйнатувчи», «Камтарлик ҳақида» номли машҳур шеърлари билан мубоҳаса тарзида

ёзилган шеърларни олайлик. «Арслон ўйнатувчи»ни эслатувчи шеърида йўлбарсларни икки қулоч қамчини билан ҳар кўйга солаётган аёлни кўрамиз. Қамчин қаршисида ўзининг қудратини, ўзлигини тамом унутган йўлбарсларга қараркан шоир эрк наърасини соғинади, «қамчин силтовига жойланган ғалаён»ни кўмсайди. Ёки Э. Воҳидовда кеккайганлик тимсоли бўлган чойнак Фарид Усмонда камтарлик тимсоли сифатида талқин қилинади:

**Чойнаккинам, билсам буюк,
Камтарликка эгасан.
Шунинг учун доим бошни,
Пиёлага эгасан.**

Албатта, бу ўринда мумтоз шеърятимизга хос шеъринг мусобақалар изи сезилади, Фарид Усмон эса, маълумки, мумтоз шеърят анъанасини давом эттираётган ғазалнавис шоирлардан бири сифатида танилган. Тўпламдан шоирнинг қатор ғазаллари жой олган. Бироқ мен бошқа нарсаларга эътиборни тортмоқчиман. Бармоқда ёзилган бир қатор шеърлари ичида Фарид Усмон мумтоз шоирларнинг машҳур байтларини, рубоийларини келтиради. Энг муҳими, бунинг натижасида қуроқлик юзага келмайди - иқтибослар узукка кўз кўйгандек жойига тушган. Жумладан, бир шеърда Навоийнинг

**«Аблаҳ улдуким, бу оламдин бақо қилғай таъма,
Аҳмоқ улким, олам аҳлидан вафо қилғай таъма»**

байти тарже сифатида келтирилса, «Жон куши» шеърида лирик қаҳрамоннинг ҳолатини ҳазратнинг «ғурбатда ғариб» деб бошланувчи рубоийси ёрдамида очиб беришга ҳаракат қилинади. Албатта, бу каби усул шеърятимизда илгари ҳам қўлланган, бироқ шоир усулнинг янги имкониятларини излаётгани, тажрибадан чўчимагани кишини қувонтиради, бу изланишлар яхши бадий самаралар беришига умидлантиради. Дарвоқе, шоирнинг салафларига тазмин ёки мухаммас бағишлашга интилгани ҳам, бир томони уларга ҳурматдан нишона бўлса, иккинчи томони, улардан мусобақалашиб асносида ўрганиш мақсадидан юзага келади. Мухаммас боғлаш осон кўринса-да, аслида, жуда қийин машғулот. Негаки, мухаммас боғламоқ учун ўша ғазал

мазмуни, руҳи, оҳангини сақламоқ, ғазал муаллифи даражасига яқинлашмоқ лозим. Айниқса, одатда мухаммас боғлашга жазм этган шоир масъулиятини чандон оширади. Масалан Фузулийнинг ғазалхонлар дилидан чуқур ўрин олган:

**Сабо, ағёрдин пинҳон ғамим дилдора изҳор эт,
Хабарсиз ёрими холи харобимдин хабардор эт.**

матлаъли жуда машхур ғазалига Фарид Усмон бундай мухаммас боғлайди:


**Сахарлар сарсари енгил, менингдек сайри гулзор эт,
Юз очсин гунча, тонг булбулларин ошуфта гуфтор эт,
Юрак дардимни булбуллар тилида ёра ошкор эт,
Сабо, ағёрдин пинҳон ғамим дилдора изҳор эт,
Хабарсиз ёрими холи харобимдин хабардор эт.**

Кўриб турибмизки, шоир ғазалнинг руҳи, мазмуни, оҳангини тўла сақлаган, мухаммас боғлаш қоидаларига тўла амал қилган.

«Жон қуши»ни варақларканмиз, ундан аксар ишқий шеърлар жой олганини кўрамиз. Бу шоиримизнинг кўнгли навқиронлигидан далолат. Бас, ҳали Фарид Усмондан кўп гўзал шеърлар кутишга умид қила оламиз. Ҳозирча эса Фарид акани, шеърхонларни яхши бир китоб билан қутлаб, шоир ўзи айтганларидек:

**Идрокни дўст тутгин, жим бўл Фарид жим,
Оқил кишилар, рост, кўп сўзламаслар,**

дея сўзни қисқа қиламиз.



**Жамол КАМОЛ,
шоир**

ҒАЗАЛ СЕҲРИ


Ғазалиёт – Шарқ шеърятининг биллур булоғи.
Муҳаммад Фузулий:

**Ғазалдир сафобахши аҳли назар,
Ғазалдир гули бўстони ҳунар.
Ғазал билдирур шоирнинг қудратин,
Ғазал орттирур нозимнинг шуҳратин, -**

деб бежиз айтмаган. Андижонлик ёш шоир Фарид Усмон ана шу булоқдан пиёла тўлдириб, ўқувчиларга тутишга жазм этибди...

Фарид ғазал машқини анча-мунча олди, десак муболага бўлмас. Унда савия-дид, билим-тажриба, энг муҳими, ғазалхонлик туйғуси бор. Орзулари кенг, ниятлари баланд, ўзбек арузини яшартиришга астойдил бел боғлаганлардан бири. Ёш шоирга тилагимиз шуки, у ғазал тарҳини янада аниқроғи, пойдеворини эса янада чуқурроқ олсин, ғазал биносини фақат кунларга, ойларга эмас, балки йилларга, даврларга ҳам татийдиган қилиб, мустаҳкам қилиб қурсин. Бу йўлда Фаридга ғайрат, сабот ва зафарлар ёр бўлғай, деб астойдил умид қиламиз.

**«Водий ғазаллари» китоби
(олтин беланчак).
«Ёш гвардия» нашриёти,
Тошкент – 1979 йил.**



Олимжон ХОЛДОР,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган санъат арбоби.

ҚЎШИҚЛАРНИНГ ЯНГИ РАНГЛАРИ

Фариднинг шеърият оламига самимият билан кириб келганлиги менга ҳаммадан кўра яхшироқ аёндыр. У ўзининг илк машқларини устоз шоирлар ҳукмига ҳавола этганида танқид ва мулоҳазаларни очиқ кўнгиллик билан қабул қилганини сезганман. Қолаверса, яхши ёзилган шеърдан (ўзгаларники бўлса ҳам) қувониш, адабиётга фидойилик Фариднинг фаолияти мазмунини ташкил қилади.

Классик адабиётимизнинг кекса билимдони шоир Улфатнинг «Оқ йўли»дан кейин, ёш шоир Фарид Усмон ижодида сезиларли ўзгаришлар бўлди. Унинг қатор тўпламлари чоп этилди. «Водий ғазаллари», «Ёшлик ғазаллари», «Умид гулзори», «Ул қаро кўз бўлмаса» китоблари адабий жамоатчилик эътиборини қозонди. Болалар учун ёзилган шеърлари эса китобчалар шаклида ўз ўқувчиларига тақдим қилинди. Шунинг қаторида талай шеърлари қўшиқларга айланди, хушовоз хонандаларимиз томонидан куйлана бошланди.

Оқ кўнгиллилик, фидойилик унга ижоднинг катта йўлларига чиқишга кўмаклашмоқда. Фарид Усмон бугунги кунда ўз овозига эга бўлиб олган, теран фикрларни ўзида мужассам этган шеърлар муаллифидир. Шоир. У ғазал ва манзумаларда дейсизми, болаларга бағишлаб ёзган шеърларида дейсизми ўзлигини маълум қилиб туради. Катта гапларни айтишга интилади.

«Қадр кечаси» тўпламидан жой олган талай шеърларда соддалик мавжуд. Дилга яқинлик уларда янада янги моҳият касб этган.


Чўлпон, Нодирабегим ғазалларига боғланган мухаммаслари Фариднинг кўҳна шеъриятимизга эҳтиромининг кўнгил эрмаги эмас. Ўзидан аввал ўтган ёки замондош бўлган шоир билан дардлашиш. Унинг дардига ҳамдард бўлишлик. Яна ўз диди ва фаросатини намоён этиш ҳам. Фарид шу маънода мухаммас боғлашнинг ҳамма талабларини ўринлата олади.

Фарид бир ғазалида айтади:

**Меҳру шафқат кўнглингиз бозорида ноёблиг,
Зулму зўрлик қалбингиз дўконида сероблиг.
Бу нечук бозорки, ул зарур матони топмадим,
Ҳийлайи найранг сероб, кўпдир жуда қаллоблиг.**

Дарҳақиқат, даврнинг оғир бу «юки» ҳамманинг – бутун бутун халқларнинг тиззасини қаро ерга «михлаб» қўйганди. Шу «юкни» улоқтириб ташлаган халқлар эса миллат бўла олади. У атрофга қарайди, ўзлигини танийди. Эҳтимол, ана шунда шоирнинг дардлари бир оз енгиллашар... Биз Фаридни куйлаш завқи ҳеч қачон тарк этмаслигини тилаймиз.

**«Қадр кечаси»,
«Андижон» нашриёти, 1992 йил.**



Тўхтасин РАҲМАТУЛЛАЕВ,
истеъфодаги подполковник.

ОШИҚ ДИЛ НАВОЛАРИ

Андижон вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг учрашувлар ўтказиладиган зали шеърият-гўзаллик ихлосмандлари билан тўлди. Бу шуниси билан қутлуғ ва табаррукки, бу ерда адабиётимиз бешигини тебратган Фафур Фулом, Миртемир, Мақсуд Шайхзода, Мамарасул Бобоев каби алломалар ўз мухлислари билан кўп-кўп учрашганлар, Восит Саъдулла, Ҳошимжон Раazzoқов каби иқтидорли шоирлар эса ўз шогирдларини шеърият сирларидан воқиф этганлар. Бугун эса бу жойда таниқли шоир Фарид Усмоннинг навбатдаги тўплами - «Рух булбули» девонининг тақдими бўлиб ўтмоқда.

Машваратни институт ректори, фалсафа фанлари номзоди Қудратилло Убайдуллаев очиб, сўзни вилоят ҳокимлиги ижтимоий-иқтисодий масалалар мажмуи котибияти бўлими мудир Шукрилло Неъматовга берди. У Фарид Усмон ва унинг ижоди ҳақида илиқ, самимий фикрлар билдириб, вилоят ҳокими А.Т.Усмановнинг табрик хатини топширди. Шундан сўнг сўз олган халқ шоири Тўлан Низом, шоирлар Қобил Мирзо, Ҳанифа Солихова, Марҳамат, Хўжаобод ва бошқа туманлардан келиб малака ошираётган адабиёт ўқитувчилари девон ҳақида тўлқинланиб гапирдилар. Учрашув сўнггида Фарид Усмон сўз олиб кўрсатилган ҳурмат, эътибор учун йиғилганларга миннатдорчилик билдирди...

Бугунги адабиётимизнинг ўрта бўғинига мансуб, тенгдошлари ичида пешқадам ижодкор Фарид Усмон агар таъбир жоиз бўлса, муҳаббат қудратига, гўзалликка, инсон руҳиятининг ечиб бўлмас сир-синоатларига бефарқ, ҳафсаласизлик билан боқаётган тепса-тебранмасларга ҳайрон бўлиб қалам тебратаётган таниқли шоирдир. У бу ҳақдаги мулоҳазаларини қатор шеърий тўпламларида, фалсафий шеърий сатрларда қайта-қайта ўртага ташлади, баҳоли қудрат жавоб ҳам излади. Бугун унинг яна бир салмоқли шеърий асари - «Рух булбули» (Фарид Усмон. «Рух булбули» Тошкент, «Ворис» нашриёти, 2008 йил) номли

китоби мухлислар китоб жавонидан жой олди. Таниқли тадқиқотчи, адабиётшунос олим, ҳамшаҳримиз Маҳкам Маҳмудов ушбу тўпламга сўз боши ёзган. Дарҳақиқат, Фарид истеъдодли, қалами чархланган шоир. Унинг қатор ғазаллари таниқли ҳофизлар ижросида куйланиб, мухлислар қалбидан жой олгани бежиз эмас.

**Дил дафтарига яхши-ёмонни бита қолдим
Ҳайрат билан боқдим-у, ёқамни тута қолдим.
Айтай деганим сўзни ичимга юта қолдим
Дунёга келиб лойига билмай бота қолдим
Дармон юкидан неча оғиз сўз қота қолдим**

Машхур бу ғазалга ёзилган мухаммасни берилиб ўқиётган шеърхон сўнгги байтларида «қўйсин Фарид, онинг куйида неча жонлар» сатрига дуч келмаса, албатта бу ғазал оташ забон шоир Машраб ғазалига мухаммас эмас, балки, Машраб қаламига мансуб эканлигига шубҳа қилмайди...

Шоир инсон руҳиятининг мураккаб манзилларига кириб борар экан, уни англаш, қатъий бир хулосага келиш осон иш эмаслигини тушуниб етади. У бир шеърида «қайғуриб чекдим киши қайғусини, қайси инсон шўх-шаън билмадим» деса, бошқа бир шеърида «Рост маъносида инсон надур, рост маънода шайтон надур» деб риторик савол ташлайди ва бунга ўзи «Ошкор бўлиб қолди бирдан қанча, қанча маккорлар» деб жавоб топгандек ҳам бўлади.

Лирикада ижтимоий ҳаёт зиддиятларини тасвирлаш анчайин мураккаб юмуш. Боиси, бу ҳол шеър мазмундорлигини оширсада, унинг нафислигига, ўқимишлигига путур етказиб қўйиши мумкин. Аммо, шоир бунинг ҳам йўлини топганга ўхшайди. У гоят содда, гўзал мисраларда яқин ўтмиш, унинг чиркин иллатларини шундоққина кўз олдимишга келтиради, қўяди:

**...Сукутлар сақлабон, таъзим бажо қилганча сўз
кутдик,**

**Буюрса неники тез-тез муҳайё айлаб улгутдик.
Ки, гўё офтоб тушди-ю, биз кўксимиз тутдик,
Билолмам, нени ҳосил айладик, нени урчитдик.**

Шоир назарда тутаётган етмиш йил давомида топганларимиздан кўра, йўқотганларимиз кўпроқ эканлиги

ҳақидаги хулосани ўқувчи зиммасига юклайди. Шоирнинг ҳаёлий дунёси чексиз, тасаввури беқиёс. Биргина мисол. У бир ғазалида барча ўрмон ҳайвонларини санаб, улар ёнларига сахро маҳлуқларини ҳам қўшиб, уларнинг реал ҳаётдаги ўринларини қисқа сатрларда белгилар экан, шеър хулосасида яна инсон руҳиятига қайтади, яхшилик ва ёмонлик, ҳаётининг ҳақиқатга лўнда яқун ясайди:

**Ҳамма ваҳшийлар-у, ҳамма эзгуликлар эрур шунда
Яшайди ёнма-ён яхши билан ножинс ёмонлар ҳам.**


Шоир инсон қалбидаги қарама-қаршиликларни ҳам яхши тушунади, ўқувчи «ваҳ..., мен айтадиганимни айтибди-да» деб юборадиган шеърининг сатрлар битирилади. Инсонлар турли-туман эканлигини турфа бўёқларда акс эттиради, ўқувчини руҳият сўқмоқларидан авайлаб олиб ўтади.

Шубҳасиз, заҳматли меҳнат маҳсули бўлмиш «Рух булбули» нинг хониши минглаб қалбларга кириб боради ва ором бахш этади. Боиси, бу асарда чин гўзаллик, эзгуликка ташналик, хусусан Ватанга муҳаббат ва мана шу Ватанга муносиб фарзанд эканлигига шукроналик қизил ипдек сезилиб туради. Зеро шоирнинг ўзи айтганидек:

**Фурурим ҳамда фаҳрим шулки, нурли юртга
Фарзандман,
Фароғат гулшани ўлкам, мудом доруломонлиқдур.**

Хуллас, Маҳкам Маҳмудов таъкидлаганидек, бу асарнинг ўқувчи қўлига етгани Андижон адабиёт муҳити бугун ҳам гуллаб, яшнаётгани, бу ердаги ижодкорлар ижодида ижтимоий, маънавий ва ахлоқий тафаккур юксалиб бораётганлигининг исботидур.

«Холис» газетаси, 2008 йил.



**Мунаввара ТИЛЛАБОЕВА,
Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**

МУҲАББАТ ВА ЯНА МУҲАББАТ

Китоблар ақл фарзандларидир, - деган экан файласуфлардан бири. Китоблар олами кенг ва ранго-ранг. Улар сизни гоҳ шодлик, гоҳ маҳзунликка етаклайди. Ҳар иккала ҳолатда ҳам унинг асл мақсади яхшилик ва эзгуликдир. Китоб-нур. Нурга йўғрилган қалб соҳиби инсонлар юрагининг истакларини, қалб амрларини бевосита қалам орқали баён этиб беради.

Ана шундай қалам соҳибларидан бири ғазалнавис шоир ва ёзувчи Фарид Усмоннинг «Муҳаббат, о муҳаббат» номли ҳикоялар тўплами адабий жамоатчиликнинг ҳукмига ҳавола этилди. Китобдан тўққиз ҳикоя ўрин олган. Ҳар бир мавзу ўзгача бир олам. Инсон ҳаётининг турли қирраларини очиб беради. Киши ҳаётида юз берадиган бахт ва бахтсизлик, шодлик ва қайғу - алам ишонарли деталлар билан ифодаланган. Демак, Фарид Усмон иқтидорли ғазалнавис шоиргина бўлиб қолмасдан, балки насрнавис сифатида ҳам тўла-тўқис ўзини кўрсата олди.

«Ака-укалар» ҳикоясида Шухратнинг ота меҳридан бенасиб ўсганлиги, ўғай акаси Дилшод ва унинг укалари ўртасидаги қариндошлиқ ришталарининг йўқлигини ачиниш билан ифодаласа, «Лола сайри»да ёшликнинг қайтарилмас онлари, Маҳбуба ва Абдуваҳоб севгисининг фожиали тугаши киши қалбини ларзага солади.

«Рашк» ҳикоясида Маҳфузанинг айтилмай қолган пок севгисининг тўйи кундаги ҳолати, ички кечинмалари, табиат тасвири билан боғлиқ равишда тасвирланганки, ўқувчи унга бефарқ қарай олмайди. Масалан, тун зулматга чулғаган. Ариқ бўйидаги катта ўрик япроқлари куз шамолдан ваҳимали шовуллайди. Ёки Маҳфузанинг кўйлақчан баданига келиб урилган тунги ел унинг ёниб турган қалбига муздек таъсир этди, чуқур энтиқди.

«... Чол кирланиб, яғири чиқиб кетган пахтаси қаттиқ болишга тирсагини тираб ўтирди». Ёки, бир пиёла сув. Оғизлари қақшаяпти. Тили қуруқшаб, танглайига ёпишиб

қолгандек. Нимжон гавдасидан сўнгги қуввати чиқиб кетаётганга ўхшайди. Бир пиёла сув. «Сув бу ҳаёт».

Бу «Бир қултим сув» ҳикоясидаги сатрлар. Ҳикояда ёшлик ва кексалик орасидаги тафовут, ёшликнинг ғайрат ва шижоатга тўлалиги, ҳар нарсага қодир эканлиги баён этилса, кексалик бедаво дард эканлигини ишонарли тасвирланади.

«Мусичалар»да Шарофат холанинг касалликка чалиниб, турмуш қурмаганлиги, унинг қалбида умр бўйи армон бўлиб келаётган нарса: «табиат ҳеч кимни тоқ яратмаганлиги» туғён уриб туради.


«Манзара» ҳикоясида ўқувчилик даврининг бир лаҳзаси ифодаланса, «Кўникиш»да қайнона келиннинг дастлабки учрашуви, муомала муносабати ҳамда қайнонанинг меҳрибон она сифатида келинга муносабати, келинчакнинг шу лаҳза ичида кўнглидан кечганларини рўйи-рост тасвирлайди.

«Хуркак ой»да инсонни ёшлигидан мустақил фикр юритишга ўргатиш кераклиги Моҳинур тимсолида берилган. Қиз ҳатто ўз севгиси учун мустақил жавоб қила олмайди. Бунда дугонаси Мунавварга мурожаат қилади ва катта бувисининг ихтиёри билан турмушга узатилади.

«Муҳаббат о, муҳаббат» ҳикоясида ҳам ёрқин бир ҳаёт воқелиги тасвирланади. Агар у кенгайтирилса, талабалик ҳаёти батафсилроқ очиб берилса, яхши бўлар эди.

Хулоса шуки, китоб баъзи камчиликлардан қатъи назар, ғоят ўқимишли чиққан. Муаллифдан янги асарлар кутиб қоламиз.

«Иқбол» газетаси, 2007 йил.



Абдуманноб АБДУНАБИ ўғли,
вилоят адабиёт ва санъат музейи илмий ходими.

ИШҚЛИ ДИЛ СОҲИБИ

(Шоир ижодига бир назар)

Донолар айтади: оддий кишилар вақтни қандай ўтказишни, савияли кишилар эса уни қандай тақсимлашни ўйлайдилар.

**Вақт ақлдилар, донодилар вақт,
Мазмун-моҳиятдилар, маънодилар вақт.**

**Мана шу тириклик – шу ҳаёт учун,
Гўёки бир сувдилар, ҳаводилар вақт.**

Шу йўсинда шоир Фарид Усмон ёшлигидан умр деб аталган сармоядан унумли фойдаланишни ўйлади. У вақтини беҳуда ишларга сарфламас, кўп ўқир, кўп шеърий машқлар қилар эди. Донолар, билимдонлар суҳбатида кўп бўлар, улардан кўп ўрганарди. Унинг ҳаёт йўли осон бўлди, деб айтиш унчалик тўғри эмас. Шоир ёлғиз ўзи биладиган дардли кечинмаларга ҳам кўп марта дуч келган, ниҳоят бу омиллар уни шоир сифатида шакллантирди.

Фарид Усмонни аввало табиат қудрати ва ранг-баранглиги, гўзаллик завқлантиради, илҳомлантиради:

**Бор тирик олам – табиат
Барчадан қодирлигинг,
Пол қилур, аммо мени бу
Турфа ҳол содирлигинг.**

**Сочларингни майда ўриб,
Қирқта кокил қилиб ол.
Керак бўлса бу жонимни
Тундликдамас, кулиб ол!
Шунингдек, шоирни (инсоний) муносабат руҳлантиради:
Хотиралар, яратар одам,
Яхшиларнинг суҳбатларида...
Бу дунёда кўп эрур ғамлар,
Қочмоқ мушкул ғурбатларидан.**

Унинг аруз вазнида ёзган ғазалларида ҳам баркамоллик бор, шоирнинг Бобораҳим Машрабнинг бир мисрасини асос қилиб олган ғазалининг икки бандига эътибор берайлик-а:

**Айламас сайрини тарк асло сабо гулзордин,
Гоҳ-гоҳ тинглаб наволар булбули хушёрдин.
Тўтининг шакар каломи, кумрининг гуфторидин,
Бизга ибратлар ўқиб ҳар неки йўғу бордин,
«Минг аналҳақ келадур Мансур осилган дордин».**

Туйғуларини ақли билан жилолаб, ақлини туйғулар билан жилолаб яшаяпти, унинг «Анор» шеъри бунга мисолдир:

**Анор донасининг юзида парда,
Алвон рангга оппоқ ҳарир ҳаё у.
Шу оддий егулик неъматини билан
Яратган, шармни айлаган орзу.**

**Хулқи беиқоблар, боқинг бу ҳолга,
Хижолатдан бўлсин чехрангиз қизил.
Анор донасига қараб айтаман:
Одоб – дунёдаги энг етух ҳосил.**


Туйғу билан жилоланган ақл ярқираб, уни ишқ дунёсига олиб келдики, бу унинг наздида аниқ кўринади:

**Муҳаббат ўтида куйдим, на бағрим қолди, на
жисмим,
Муҳаббат куйдирар, лекин тушунмам, не учундир
жим?!**

**Бу не ўтдир сеҳрли, не оловдир, англамоқ мушкул,
Бағир куйди, жисм куйди, ва лекин куймади исмим...**

Вақт қадрини яхши англайдиган андижонлик бу ишқли дил соҳибига шахсий ҳаётида катта муваффақиятлар, ижодига янада баркамоллик тилаймиз!

«Холис» газетаси, август, 2006 йил.



**Н. ЖАЛОЛИДДИН,
ёзувчи**

«МЕНИ СЕВ»


Таниқли шоир ва ёзувчи Фарид Усмоннинг «Янги аср авлоди» нашриётида «Мени сев» номли китоби нашр этилди. Китобдан адибнинг қатор ҳикоялари ўрин олган.

Маълумки, Фарид Усмон шоир, айниқса, арузнавис шоир сифатида элга танилган. Унинг бармоқ вазнидаги гўзал шеърлари, девонлари, болаларга бағишланган асарлари, машҳур ҳофизлар куйлаган қўшиқлари халқимиз қалбидан жой олиб улгурган. Яқиндан бери унинг насрий асарлари ҳам тез-тез кўзга ташланмоқда.

Ҳикояларини ўқиркансиз, муаллиф насрда ҳам анчагина тажриба тўплаганига амин бўласиз. Зеро, ҳикоялар бирига ўхшамайди. Муаллиф гоҳ оддий баён усулидан фойдаланса, гоҳ фалсафий ёки рамзий ифода усулидан моҳирона имконлар қидиради. Муҳими, унинг ўз айтар сўзи бор. Тарихий ҳикояларида эса ҳазрати Бобур ва унинг ҳаёти тўғрисида ҳам айтилмаган, очилмаган қирраларини топишга уринади. Бу ҳикоялар, шуниси билан муҳим.

Бизнингча, бу ҳикояларда биз ҳали англаб улгурмаган ҳикмату фазилатлар ҳам анчагина.

«Андижоннома» газетаси.



**Абдуманноб АҲМЕДОВ,
вилоят адабиёт музейи илмий ходими.**

«ТУШ»НИНГ ТАЪБИРИ ЁКИ ТАРИХНИ АНГЛАШ СИРИ

Кейинги вақтларда муҳтарам шоиримиз Фарид Усмон анча баракали ижод қилмоқда, қатор шеърий тўпламларини чоп эттириб, уларнинг ҳаммасини жамлаб, саралаб, янгиларини қўшиб вилоятимизда биринчилар қатори назмий девон тузиб, биз мухлисларни хурсанд қилган эди. Биз ундан навбатдаги шеърий тўпламни кутиб турганимизда «лоп» этиб ўзининг янги қиррасини кўрсатди, унинг қалами насрий

асарлар аро юра бошлади. Вақтли матбуотда қатор-қатор бадиий жиҳатдан пухта ҳикоялари чоп этилмоқда, ҳатто чоғроқ ҳикоялар тўплами ҳам дунё юзини кўрди. Бу ҳикояларда ҳаётнинг турли қирралари намоён бўлиб, улар турлича бадиий завқ беришдан ташқари ўқувчини баркамолликка ҳам ундай бошлади. Бунга ҳам қониқиб турганимизда вилоятимиздаги нисбатан янги нашр – «Адолат мезони» газетасининг 40-, 41- ва 42-сонларида тарихий мавзудаги «Туш» номли анчагина салмоқли ҳикоясининг эълон қилиниши муаллифнинг нафақат адабиётчи, нафақат тилчи, балки яна яхшигина тарихчи ҳам эканлигидан далолат берди.

Буюк ватандошимиз, улуғ Муҳаммад Бобур ҳаётининг қандайдир сирли, биз учун мўъжизавий алоҳида қисми, асрорини очиб беришга ҳаракат қилинган бу ҳикоя менинг диққатимни тортди. Қандай қилиб душман томон навкарлари таслим бўлмаганлари ҳолида, ўзларига душман томон сардорига хизмат қилади? Улар шундай хизмат қилишга мажбур бўлганларида ҳам бу хизмат сидқидилдан, виждонан бўладими? Умуман бундай навкарлар хизматидан фойдаланиш, уларга ишониш мумкинми?

Ҳикояда шундай ва шу каби нозик саволларга аниқ жавоб берилган. Мен «Бобурнома»ни ўқиганимда буюк бобомиз ҳаётида шундай воқеа содир бўлганини китобнинг замонавий нашрларида учратган эдим, аммо бобомиз қаламлари юқоридаги ҳолатни кўрсатгани ҳолда, батафсил ҳолда ҳикоя қилмагани учун юқоридаги саволларнинг жавоблари очиқ қолган эди. Маълум бўлишича, у ёки бу воқеага баҳо беришда баҳо бераётган шахс унга ўз замони кўзи билан эмас, балки воқеа содир бўлаётган замон назари билан қараши керак экан. Адиб Фарид Усмоҳон менинг назаримда бу ҳикоясида ўз имконияти доирасида улуғ бобомиз замони қоидаларини очиб бера олган. Шу қоидаларни тушуниб олганимиздан сўнг юқоридаги саволларнинг мўъжизавий томони биз учун ўз-ўзидан йўқолиб боради. Зеро, XV асрда амирзодалар ва навкарларнинг жамиятда тутган мавқеага ҳозирги замон кишилари назари билан қараш янглишиш демақдир. Муаллиф эса 500 йилдан кўпроқ вақт наридаги кишилар қарашлари билан ҳозирги замон кишилари қарашлари


орасидаги фарқни ўзининг иқтидорли тафаккури ила кўра олган. Аммо душман навкарлари хизмати сидқидиллигига, ҳатто холислигига ишониш... бу мутлақо бошқа масала!

Биз буюк бобомизнинг улуғлигини, унинг узоқни кўра била оладиган етук сиёсатчи бўлганлигини турли манбалардан биламиз, бу нарса унинг ўз юртига сиғмай, ўзга юртларда буюк салтанат қурганлиги билан ҳам ўз исботини топган. Лекин таъбир жоиз бўлса, «дўппи тор келганида» мавжуд имкониятларнинг ҳамма турларидан фойдаланиш, фақат фойдаланишгина эмас, яна сардор даражасига кўтарилиш ҳамманинг ҳам кўлидан келавермайди, буюк бобомиз ўз ҳаётининг энг қийин дамларида бунинг уддасидан чиқа олди, биз учун таажжубли жойи шундаки, шу даврда Бобур ҳазратлари ўсмир ёшда эдилар, ҳикояда бу деталлар ишонарли тарзда ёритилган.

Ҳикоянинг бошланишида муаллиф томонидан: «Ҳикоя ўн саккиз яшар коллеж ва академик лицей йигитлари ўқисин, бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўсмир ёшида қандай бўлганликларини билиб кўйсинлар», - деган эслатма бекорга қўшилмаган. Бобур бобомиздан кўп нарсани ибрат сифатида қабул қилсак, унинг асарлари ва Бобур бобомиз ҳақидаги асарларга китоб жавонларимиздан жой бериб, уларни тез-тез кўздан кечириб турсак фойдадан холи бўлмайди.

Холислик юзасидан мен ҳикояда айрим воқеаларда қатнашувчи тарихий шахслар ўз ўрнига тушмаган деб ўйлайман, аммо буни камчилик сифатида билгим келмайди. Зеро, яқинда эски ўзбек тилидан замонавий адабий тилга табдил қилинган «Бобурнома»ни ўқиган муаллиф буни ҳисобга олган бўлса керак, албатта.

«Адолат мезони» газетаси.



Ғани МАЖИДИЙ,

Республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими, Ўзбекистон «Камолот» ЁИХ вилоят бўлими ва Андижон давлат университети қошида ташкил этилган «Нафосат» клубининг бадий раҳбари.

ШОИР ИЖОДИГА БИР НАЗАР

Буюк одамлар ҳеч қачон ўз замондошлари назарида буюк саналмаган. Уларни ҳатто ноодатий хатти-ҳаракатлари учун «бир тузи кам» одамлар деб аташган. Улар ўтгандан кейин эса, зўр инсон бўлганликларини, уларнинг ажойиб хислатлари борлигини пайқаганлар ва нақадар оддий, содда инсон бўлганликларини хотираларида эслашган.

Фарид Усмон ҳам бугун ораминда оддий одамдай юрибди. Ҳатто баъзи шоирлар ҳозирдан ўзларини «буюк» деб оддий халқ қолиб, ҳатто атрофидаги ҳаётда бугун ижод қилиб келаётган шоир ва ёзувчиларнинг анжуманларини ҳам назарга илмай, уларга қизиқмаётган бир вақтда Фарид Усмон Андижон адабий гурунгида оддий бир ижодкор, иштирокчи бўлиб қатнашиб оддий шеъриятга ихлос қўйган, шеърлар машқ қилаётган юртдошларига қизиқиб қараб, уларга дўстона муносабатда бўлмоқда. Бу оддийликда ҳам унинг ўзига хос улугворлиги ва камтарлиги яширинган бўлса не ажаб.

Фарид Усмон шу бугунгача анча назмий ва насрий асарларини халқ ҳукмига ҳавола этиб улгурди. Бу асарларни «фалон йили фалон китоби чиққан», деб бир-бир санаш ҳам китобхонлар учун ортиқча. Унинг асарларини кўп китобхонлар аллақачонлар ўқиган ва катта ихлос билан тилга оладилар. Айниқса, унинг ғазаллари, девони анчайин мукамал асар бўлиб тилга тушди. Шоирни шу асарлари боис нафақат вилоятда, балки, республикада ҳам жуда яхши танишади.

Фарид Усмон «мен энди катта ижод йўлига чиқиб олдим, менга энди ҳеч қандай ғалванинг кераги йўқ, тинчгина ижодим билан шуғулланаман», деб юраверса ҳам бўладиган ҳолатда. Лекин у ёшлар, ижодкорлар олдида уларга ёрдам бериш, уларнинг ижодидан хабардор бўлиб туришни бурчи

деб билади. Шу боис катта бир таҳририятнинг ташвиш ва ўзига хос ғавғолари масъулиятини бўйнига олган. Ёши бир жойга бориб қолишига қарамай, тинимсиз, қизгин меҳнат жараёнида қайнамоқда.

Фарид Усмоннинг охириги насрий китобларидан бири «Мени сев»га таниқли адабиётшунос олим ва ёзувчи Маҳкам Маҳмуд жуда кенг тақриз ёзган. Уни ўқир эканмиз, тақризда Фарид Усмон ижодига анча юқоридан туриб баҳо берилганини сезиш қийин эмас. Бизнинг назаримизда, у Маҳкам Маҳмуд таърифлаганидан юқорироқ даражадаги ижодкордир. Ота ўз фарзандини элликка кирса ҳам ёш бола дегандай, Маҳкам Маҳмуд ҳам унинг қай даражадаги ижодкор бўлганлигини сезмагандай туюлади...

«Мени сев» китобидаги тарихий ҳикоялар, анчайин катта самарали меҳнат намунаси эканини кўрсатиб турибди. Ижодкор бу ҳикояларни ёзгунча анча китобларни мутолаа қилиб, уларни фикр қозонида пиширганини сезиш қийин эмас. Ҳикояларда ўша пайтни кўз ўнгимизга олиб келиб, воқеаларни ёзувчи кўрган инсондек гавдалантириши ижодкорнинг ажойиб иқтидоридан дарак. Бу ҳикоялар кейинчалик ижодкор боғидаги мевалар етилиб пишиб катта-катта асарлар пайдо бўлишига умид уйғотади ўқувчида.


Шоирнинг «Янги ой» номли девони алоҳида диққатта сазовор тўплам бўлган. Унда нафақат мазмун, балки шеърий вазнларнинг ҳам хилма-хиллиги ўқувчини толиқтирмаслигига, қизиқиб қандай янгидан-янги шеърларга ўтиб бораётганини билмай қолишига сабаб бўлади. Шоирларнинг ғазалхонлари одатда ўз тўпламларини насихат, марсия, мадҳия ва календарь шеърларга тўлдириб юбормоқда. Фарид Усмонда эса, ғазалларда ҳам ўзига хос бармоқдаги шеърлардагидай инсоний, юракка таъсир этадиган ғояларни учратамиз. Унинг ғазалларидаги замонавий мавзуларни мумтоз шеър вазни бўлган мураккаб арузда ифодаланиши Эркин Воҳидов ғазалларини эслатади. Бир вақтнинг ўзида ҳам ғазалда, ҳам бармоқда, ҳам насрда бундай юқори даражада ижод қилиш ҳар қандай ижодкорга ҳам насиб этавермайди.

Биз унвонларга қараб баҳо беришга одатланиб қолганмиз. Унвонлар қандай йўл билан олинганига, унвон соҳиби унга муносиб ёки муносиб эмаслигига, кимлардир бу

унвон соҳибидан кўра ўша унвон ва мансабларга кўпроқ муносиброқ бўлганига эътибор ҳам бермаймиз. Халқ ва тарих эса бу хатоимизни, албатта, тузатади. Менинг назаримда Фарид Усмон биз ўйлагандан анча юқори даражадаги унвон ва баҳоларга лойиқ ижодкор.

У ўз асарлари билан аллақачон ўзига муносиб унвон, ихлос даражаси ва ҳайкал қўйиб бўлди. Унга энди ҳеч қандай юқоридан бериладиган унвон ва даражаларнинг кераги йўқ. Ёзувчининг унвони инсонлар қалбидан олган жойи, яратган назмий ва насрий асарларидир. Фарид Усмон келажак инсонлари қалбидан бугун биз берадиган баҳодан кўра анча юқори ўрин олиши аниқ. Унинг асарлари турган ҳар бир хонадонда ҳайкали тургандай, доимо севимли шоиримиз ва ёзувчимизни эслатиб туради.

Эълон қилинмаган мақола.



Икромжон МАНСУР,
шоир.

РУҲИЯТНИНГ ТИНИҚ ЧИЗГИЛАРИ

Ўзбекистон Халқ шоири, устоз Тўлан Низом таъбири билан айтганда, мустақиллик йилларида Фарид Усмон ижоди янги босқичга кўтарилди. Дарҳақиқат, Фарид Усмон истиқлолдан руҳланиб, бир қанча асарлар яратди ва уларни китоб ҳолида мухлисларга тўхфа қилди. «Рух булбули», «Жон қуши», «Навосиз наво», «Хусн девони» (1-, 2-китоблар) кабилар шулар жумласидандир. Ўтган йили у - «Янги ой» сайланма-девонини ва «Шаклар қўшиғи» достонини китобхонларга ҳадя қилганди. Яқинда унинг китоблари сафига бир янги китоб - «Мени сев» (Тошкент, «Янги аср авлоди» нашриёти) қўшилди.

Бу китобдан муаллифнинг «Мени сев», «Филдиракли уй» «Қочоқ парёстиқ» каби ҳикоялари ўрин олган. «Туш», «Суҳайли-Яманий», «Довонда», «Сариқ ва қизил гуллар юрти» номли тарихий ҳикоялари ҳам мазкур китобга жо бўлган. Айтиш жоизки, бу китоб аввалги «Муҳаббат, о муҳаббат» ва «Қайларга қочай, Лайло» китобларининг узвий давомидир.

Тўпландаги ҳар бир ҳикоя маълум бир мақсадга бўйсундирилган. Масалан, «Фаррош ва мудроқ» ҳикоясида кадрлай олиш кераклиги уқтирилди. Ҳикояни ўқиган ўқувчи аввал буни илғамаслиги мумкин. Бироқ, фаррош мудроқ - Тўхтасин ака кўринмай қолгач, у ҳақда сомсапаздан сўраганини ўқиган ўқувчи ҳикоя сўнггида муаллифнинг мақсадини англаб олади. Бу икки қаҳрамоннинг феъли икки хил, дунёқарашлари бошқа-бошқа. Уларнинг борди-келдиси ҳам йўқ. Қачонки, фаррош кўчага чиқсагина мудроқни кўради. Лекин, уларнинг қалбида қандайдир муштараклик бор.

«Филдиракли уй» ҳикояси эртак ё афсонага ўхшайди. Деҳқон усталарни олиб келиб энди пойдевор тиклатмоқчи бўлса, кўрганки одам, бу ер бўлмайди, бошқа жой топинг, деб маслаҳат беради ва деҳқон уларнинг хоҳишича иш тутатади. Бу иш унинг эшак арава устига уй қурдириши билан якун топади. Кучли шамол эса арава устидаги уйни бир кун денгизга тушириб юборади ҳамда деҳқон уни китлар ёрдамида қуруқликка олиб чиқади. Бор гап шу. Ҳикояни дастлаб ўқиган одам «Фаррош ва мудроқ»даги сингари муаллифнинг ғоявий мақсадини тушунмаслиги мумкин. Лекин, синчиклаб қаралса, бу ерда жуда катта гап бор, яъни, мустақил фикри йўқ одам ҳеч қачон мақсадига эришолмаслиги, ўзигина эмас, ўзгаларга, бутун бир жамиятга (оила тимсолида) зарар етказиши мумкинлиги уқтирилади бу асарда.

Фарид Усмон шоир бўлганлиги боис, унинг ҳикояларида, айниқса, «Мени сев»да ички лиризм кучли.

Унинг ҳикояларида машина ёки ёстиқ («Тунда чопган оқ тулпор», «Қочоқ парёстиқ») жонлантирилиши мумкин. Улар атрофдагиларнинг хатти-ҳаракатларидан нафратланишади, ёинки қувонишади. Бу эса, муаллифнинг ўз фикрларини далиллашига ёрдам беради. Кимдир «Наҳотки машина ҳам нафратланса?», дейиши мумкин. Аммо, асарда бадийий тўқима ҳам бўлиши мумкинлиги эътиборга олинса, бу саволга ўрин қолмайди.

Муаллифнинг қаҳрамонлари ўқимишли: улар Менделеевни ҳам, Хемингуэйнинг кекса Сантьягосини ҳам, Мопассанни ҳам билишади.

Фарид Усмон ҳикоя ёзар экан, қаҳрамоннинг бирор ҳолатини, ёинки бирор воқеликни, айтайлиқ, тўлин ой атрофига булутларнинг тошиб чиқишини батафсил ва узоқ тасвирлаши мумкин. Бу ҳам лирик қаҳрамоннинг ўша чоғдаги ҳолати, кайфиятини тўлароқ очиб беришга хизмат қилади, ҳамда ҳикоя фабуласида маълум бир бурилиш ясайди.


Мен шоир ҳикояларини юқорида шеърга ўхшатдим. Бунинг яна бир исботи шуки, муаллиф мақсад ва ечимни доим ҳикоя охирида айтади.

Китобдаги «Туш», «Довонда», «Сариқ ва қизил гуллар юрти» каби ҳикояларида улуғ саркарда Бобур ҳаёти ҳақида сўз боради. Бу андижонликларнинг улуғ аждодига бўлган руҳий эътиқодини бир инъикосидир.

Китоб сўзбошисида олим Маҳкам Маҳмуд ушбу тарихий ҳикоялар ҳақида гапириб, жумладан: «...У, тарихий наср тили тақозо этган кўҳна сўзларни, жумла қурилишини топиб, ўша давр колоритини, руҳиятини, атмосферасини бера олди», - деб ёзади. Дарҳақиқат, шундай.

Сўз аввалида Фарид Усмон ижодининг истиқлол даврида янги босқичга кўтарилганини таъкидлаган эдик. Устоз ижодкоримизга ижоди янада баракали ва жозибали бўлишини тилаган ҳолда, мухлислари ундан яна янги-янги дилбар ғазаллар, ҳикоя-ю, дилнавоз қиссалар кутаётганлигини айтгимиз келди.

«Адолат мезони» газетаси,
февраль, 2012 йил.



Зулхумор МИРЗАЕВА,
филология фанлари номзоди


КЎНГИЛГА ЯҚИН ОВОЗЛАР

Ҳозирги даврда ўзбек адабий жараёнини яхлит ҳолда тасаввур этиш жуда мушкул. Сабаби, вилоят туманларида, туманларнинг олис қишлоқларида яшаётган ижодкорларнинг китоблари бизгача етиб келмайди. Етиб келган тақдирда ҳам бу провинция адабиёти тўғрисида тугал тасаввур олишимизга имконият яратмайди. Шу ҳолни назардан соқит қилмай «Тамаддун» нашриётида «Сўз ташрифи» баёзи нашрга тайёрланди. Унда Матназар Абдулҳаким, Қамчибек

Кенжа, Фарид Усмон, Ўроз Ҳайдар, Одил Ҳотам, Замира Рўзиева, Болтабой Бекматов, Ҳафиза Эгамбердиева, Нилуфар Умарова каби пойтахт адабий доирасида танилган шоирлар билан бир қаторда ҳали биз учун умуман нотаниш номлар ҳам учрайди...

Мазкур баёздан жой олган ҳикояларнинг аксарияти биз кўникиб қолган, аниқ схема асосида яратилган ҳикоялардан фарқ қилади... Умуман, ёзувчиларимиз миллий руҳни сақлаган зайлда европача психоанализ усулларидан ҳам унумли фойдаланмоқдалар. Қамчибек Кенжа, Фарид Усмон каби насрнависларнинг ҳикоялари шулар жумласидандир.

«Сўз ташрифи» баёздан қисқартириб олинди.
«Тамаддун» нашриёти, Тошкент, 2010 йил.



Тўлан НИЗОМ,
Ўзбекистон халқ шоири.

ТЎЛИН ОЙ ЁҒДУСИ

Таниқли шоир Фарид Усмон аруз вази анъанасига мувофиқ девон тузиб нашр эттирди. Китоб «Янги ой» дея рамзий номланибди. Тўпламни ўқиб, ўйланиб қолдим: нега китобнинг номи «Янги ой»? Тўпламдаги асарларни кўздан кечиргач, девон номини ўзимча «Тўлин ой», дея атагим келди. Ундаги ғазалларнинг жозибаси, мавзуларнинг хилма-хиллиги, образлилик, охорли ташбеҳлар, шеърини санъатлар мени қувонтирди. Фарид ижод масъулиятини, сўз қадрини чуқур ҳис этади. У ҳозир яхши ғазаллар ва мухаммаслар ижод қилмоқда. Шоир ғазалларида Ватан образи баланд пардаларда тараннум этилади:

Дилимда парвариш топган Ватан, халқ, ифтихор
ҳисси,

Фариднинг қалбига қувват эрурсан мўмиё янглиғ.

Шунингдек, ишқ мавзусида ҳарорат билан битилган байтлар ҳам кўп:

Ўртамак қасдида юрган, айт-чи, буюк оташмисан,
Ё олов янглиғ яралгансанми куйдирмак учун.

Шоир ҳаётини ҳодисаларда ҳикмат кўради, бирида улардан руҳланса, бирида дард чекади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам кўз қарашларини мисраларга маҳорат билан жо этади:

**Вожабки, бу ёруғ оламда лойлар қорамиз,
Лой қориб тобора бу лой ичра биз ҳам қорамиз.**

Мисралардаги туюқ жанрига хос сўз ўйини - қофиялар аниқ-тиниқ маънони ифодалаб келгани боис шеърнинг таъсирчанлигини таъминлаган.

Фарид Усмон тўпламдаги аксар шеърларида мустақил Ватанимизни, халқимизнинг ўзлигига кўзгу бўлмиш юртимизни ардоқлаб, олқишлаб ашъор битади. Жумладан, бир шеърида у шундай ёзади:

**Мен учун бу оламнинг тортиш кучи ватанда,
Шунинг учун юрт ишқи менинг жону танамда.**

Истиқлол шарофати билан миллий адабиётимизни ривожлантиришга, ижод аҳлига эътибор янада кучайди, эркин ижод жараёни юзага келди. Шундай шароитда ҳар бир шоир, ёзувчи идроку ақли, бор маҳорати билан ижод қилишга масъулдир. Бас, шундай экан, шоир Фарид Усмон ҳам қулай имкониятларни бой бермасдан, белни маҳкам боғлаб илҳом тулпорини янада жадаллаштиради, деб умид қиламиз.

**«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»
газетаси, июль, 2011 йил.**



«ЯНГИ ОЙ»

Таниқли ғазалнавис шоир Фарид Усмоннинг яқинда «Шарқ» нашриётида чоп этилган «Янги ой» девони Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига мухлислар учун муносиб туҳфа бўлди.

Ғазаллар, мухаммаслар, мустазодлар мумуман, шоирнинг турли йилларда, турли жанрларда арузда ёзганлари ушбу сайланмадан ўрин олган.

«Ижод – фақат ёзиш дегани эмас, - деб ёзади шоир ўзининг ҳаёти ва ижоди ҳақида ёзган сўзбошисида, - ижод-мушоҳада, тасаввур теранлиги эканини англаб етгандек бўлдим. Билдим, имконият қўлдан бой берилмаса, ҳаёт заҳматларини чуқур идрок қилган ҳолда яшаш санъатини, ўзи учун ярата олиш ҳам бир буюк ижод экан. Бу иккиси

уйғунлашган жойдагина ҳақиқий ижод бошланса керак, деб ўйлаб қоламан баъзан».

Шоир шунчаки шеър ёзиб бўлмаслигини, биргина қоғоз, қалам шеър учун кифоя эмаслигини шундай ифодалайди:

**Шеър ёзолмас шоир аҳли таассуроти бўлмаса,
Келган илҳом қушининг кучли қаноти бўлмаса.**

**Энг умрбоқий гўзал ишқ бу одамларнинг ўзи,
Қайдадир энг яхши шеър – ишқ таълимоти бўлмаса.**

**Биргина қоғоз, қалам этмас кифоя шеър учун,
Дил деган нурли сиёҳ тўлган давати бўлмаса.**

... Шоир оталардан бизга мерос бўлган Ватанни шундай таърифлайдики, ундаги ҳар бир гиёҳ, тошқин сувлар ҳам унга Ватан эканлигини чиройли ташбеҳларда очиб беради.


**Биз учун кенг пахтазордир, биз учун боғдир, Ватан,
Ям-яшил кетган дала-ю, қиру ўтлоғдир, Ватан.**

**Марвариддай томчиларни сачратар тошқин суви,
Майсалар унган гўзал сой бўйи - қирғоқдир, Ватан.**

Шоирнинг мазкур китобидан жой олган ижод намуналарини ўқиган китобхон, албатта, ижодкорнинг бадиий тафаккури кенг, тасаввури теран, мушоҳадаси кучли эканлигига қойил қолмай иложи йўқ.

Ушбу девон кенг китобхонлар оммасига мўлжаллангани учун уни ўқиб, завқ олишларини биз ҳам тавсия қиламиз.

**«Иқбол» газетаси, сентябрь,
2011 йил.**



Низомжон УМАРОВ»

**олий тоифали тарих ўқитувчиси,
халқ маорифи аълочиси.**

АРДОҚЛИ ФАРЗАНД

Юртимизнинг ардоқли фарзанди Фарид Усмон ўзининг эълон қилинган биринчи шеърларидан бошлаб кейинги йилларда нашр этилган қатор китобларигача кўнгишлар мулкидан муносиб жой олган талантли шоирлардандир. Шоирнинг илк шеърини тўпламларидаги шеърлар ўзининг бадиий пухталиги билан кенг китобхонлар оммасини мафтун эта олган эди. Чунки китобга жамланган шеърларида муаллиф энг аввало киши руҳидаги яхшилик ва ёмонлик жиҳатларини таҳлил этишга ҳаракат этган эди.

Қисқаси шоир инсон руҳияти билан боғлиқ мураккаб жараёнларни табиат воқеа-ҳодисаларига ёндош ҳолда ифодалаб беришга интилади. Шундай қилинса, шеър табиий ёзилади. Кишининг ғашига тегадиган иборалардан ҳоли бўлади сатрлар.

Фарид аруз вазни ва бармоқ усулида ёзилган шеърларнинг барчасида шунга амал қилишга — киши руҳиятини нозик ҳолатларини бўёқлар воситасида кўрсатишга интилади. Бунга эриша олади ҳам.

Истеъдодли шоир Фарид Усмон мана эллик баҳорни қаршилаб турибди. У ўзининг озми-кўпми ижоди билан ўйлайманки, маънавиятимиз хазинасига муносиб улуш кўшмоқда. Шеърсевар халқимиз учун, кўшиқ суяр элимиз учун яхши бадиий пухта асарлар яратаётир. Барча зиёлилар, шеърят мухлислари номидан шоир ижодига барака тилар эканмиз, асарларингиз бундан ҳам теран маъно касб этаверсин деймиз.

«Садоқат» газетаси,
август, 1996 йил.

ЁЛҒИЗЛИК, ЕТМАДИМ АСЛО ҚАДРИНГА!

Фарид Усмон дастлаб маълумотни ўрта мактабда олгандан сўнг Андижон дорилфунунининг тил ва адабиёт куллиятига ўқишга кирган. Ўқишни тамомлагандан кейин ўрта мактабларда ўқитувчилик қилди. 1982 йилдан бошлаб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Андижон вилояти бўлимида адабий маслаҳатчи бўлиб ишлай бошлади. Сўнг Москвадаги Жаҳон адабиёти институтида таҳсил кўрди. Курсни тугатгач, «Гулхан» журналида, кейинчалик Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси тарғибот маркази Андижон вилояти бўлимида хизмат қилди. Ҳозирда Андижон вилояти Адабиёт ва санъат музейида бўлим мудирини бўлиб ишламоқда.

Фариднинг дастлабки машқлари 70-йиллардан бошлаб матбуотда кўрина бошлаган. Илк китоби эса 1979 йилда чоп этилган. Унинг «Ёшлик гўзаллари», «Муҳаббат мулки», «Умид гулзори», «Қадр кечаси», «Сочларингда тун уйқуси», «Навосиз наво» номли қатор китоблари, болаларга бағишлаб ёзилган шеърларидан тузилган «Оқ олтинга кўк

чироқ», «Бир жуфт бинафша» каби баёзлари адабий жамоатчилик эътиборини топган.

Фарид Усмоннинг туркум шеърлари республикамизнинг хушовоз хонандалари томонидан кўшиқ қилиб куйлаб келинмоқда.

«Андижоннома» газетаси,
июль, 1996 йил.

ШОИР БИЛАН УЧРАШУВ

Фарид Усмонни вилоятимиздагина эмас, республикамизда ҳам яхши биладилар. 70-йилларда шеърят мухлисларига танила бошлаган андижонлик шоир баркамол ижод қилиб ўнлаб китобларнинг муаллифи бўлди. «Ёшлик ғазаллари», «Муҳаббат мулки», «Умид гулзори», «Қадр кечаси» каби қатор китоблари кўпчиликнинг кўнглидан чуқур жой олди. Туркум шеърлари республикамиздаги хушовоз хонандалар томонидан кўшиқ қилиб куйланиб келинмоқда.

Шоир бу йил 50 ёшга тўляпти. Шу муносабат билан туманимизда ҳам Фарид Усмон билан учрашув уюштирилди. Туман маданият саройига шоирнинг кўплаб мухлислари ташриф буюрдилар. Ёзувчи Қамчибек Кенжа Фарид Усмоннинг ҳаёти ва ижодий фаолияти тўғрисида гапириб берди. Шоирлар Усмонжон Шукуров ва Қобил Мирзо Фарид Усмоннинг фазилатлари, эл-юрт олдидаги хизматлари ҳақида сўзладилар.

Қутлуғ санани қаршилаётган шоир мухлисларнинг саволларига жавоб берди, янги шеърларидан ўқиди. Сухбат қизиқарли ва мароқли ўтди.

Туман ҳокимининг ўринбосари Рустамжон Иброҳимов Фарид Усмонни қизгин муборакбод этди ва эсдалик совғасини топширди.

Дўстлари шоир ҳақида

Усмонжон ШУКУРОВ:

- Фарид Усмон билан тенгдошмиз. Кўп йиллар биргаликда ижод қилдик. Унинг очикқўнғиллиги,

билимдонлиги ҳавас уйғотади кишида. Шеърларидаги тераң, мушоҳадали фикрлар ўзига тортади. Элимиз ўртасида яхши хурмат қозонганлигининг боиси меҳнатсеварлигидадир.

Қобил МИРЗО:


- Дўстимизнинг 50 ёшлик тўйи кенг миқёсда ташкил этилаётганлиги халқимизнинг меҳру муҳаббатидан далолатдир. Фарид Усмон тинимсиз изланишлар, машаққатли меҳнат ва ижод орқали катта обрў-эътибор қозонди. Кўп йиллардан бери шоир ва камтарин инсон сифатида одамларни эзгуликка чорлаётир. Мен уни яқиндан билганим учун айтишим мумкинки, Фарид Усмон – Андижоннинг фахридир.

Қамчибек КЕНЖА:

- Нуриддин Ҳамроқулов ижро этган «Оққуш» кўшигини севиб эшитмайдиган одам йўқ. Бундай латиф кўшиқни ёзиш учун муаллиф ҳам софдил, ширинсўз бўлиши даркор. Фарид Усмон меҳрибон инсон, қаноатли ижодкор сифатида ўзини намоён қилди. «Оққуш» сингари кўплаб шеърлари кўшиқ бўлди. Элимизнинг кўнгили мулкидан муносиб ўрин олди. Демакки, дўстимизнинг меҳнати зое кетмади, одамларга нафи тегаётир. Шоирнинг бахти ҳам шунда.

Севимли шоиримиз Фарид Усмонни биз ҳам 50 ёши билан қизгин табриклаймиз. Унга сиҳат-саломатлик, ижодий камолот тилаймиз.

**Олтинкўл тумани «Оқ олтин» газетаси,
август, 1996 йил.**



Хурмамат ТОЖИБОЕВ,

**Андижон давлат тиллар педагогика институти,
ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси.**

ТАНҲО ҚАДРДОНИМ ЎЗИНГ

Мубтало этмиш мени ширинлигинг, шакарлигинг...

Бу кўшиқни эшитар эканман, унинг ижрочисини эмас, «мубтало» бўлган ошиқ муаллифни ўйлаб қолдим. У қандай инсон, шунчалик содда сўзларга қандай ўйноқи ҳислар билан сайқал берди экан, деб ҳайратландим.

Менинг бир номи тилга тушган, иқтисод соҳасида забардаст, курашчан, адолатпеша дўстим бор. Шу дўстим, «аёлнинг ёшини, эркакнинг маошини сўраб-суриштириш одобдан эмас», дейди. Шу фалсафий фикрдан келиб чиқиб, юқоридаги ғазалнинг муаллифи эллик ёшга кираётганлигини ошкор қилиш билан бирга, унинг маънавий бойлигию, қалб кўридаги хазинасини, хотира зарварақларинию, кўнгили хилватларида ётган муҳаббатини сўраб-суриштиргим, «фош қилгим» келди.

Унинг фақатгина 1990 йилда Ғ. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган «Умид гулзори» номли шеърлар тўпламини олдим. Бу рисола муаллифи Фарид Усмон дейишдан олдин, нима учун Шаробиддин Усмонов ўзига Фарид тахаллусини олганлигини «фош этиш» жоиз. 1972 йилда нашр этилган «Навоний асарлари лугати» китобининг 633-бетини очсангиз «Фарид – якка, ягона, тенги йўқ», деган маънони англатади, хўп бир тарафдан якка-ягона бўлсин: шу китобнинг 632-бетиде «Фар – порлоқлик, шуқу, безак» маъноларини англатади, деган, энди биз «Фар» сўзига «ид» эмас «ийд» (байрам, ҳайит)ни қўшмоқ билан Фарид Усмоннинг шеърларида бетакрор, байрамона шуқу ва безак борлиги ҳақиқат, тахаллусига мос эканлигининг гувоҳи бўламиз.

Фарид Усмоннинг ижодий йўналиши ўзига хос бўлиб, у Андижон адабиётида ўз мавқеига, овозига ва ўз даражасига эга. Оддийгина бўлиб кўринган тўртликлардан тортиб, тебраниб ўтириб ўқиладиган ғазалларигача масъулият ҳисси билан суғорилган.

«Дўст бўлиб қолдим сенга», Фарид севги-муҳаббат сўзининг қадрини, унинг нақадар мўътабар эканлигини англаб етган шоир.


Шоирнинг ички кечинмаларни тасвирлаш маҳорати шу қадар кенги, инсонлар унга нисбатан қандай муносабатда бўлишидан қатъи назар:

**«Кўз керак бўлса, кўзимни берай,
Кўнгили керак бўлса, берай кўнгилимни,
Аммо кўзларимга тикондай ботманг,
Беҳуда оғритиб юрманг дилимни»**
деб хитоб қилади.

«Умид гулзори» тўплами Фарид Усмоннинг қалб томчиларидан оқиб тушган меҳр парчалари бўлиб, унда «Юракни асранг», «Ўрганмадик», «Усмон Носир ўйлари», «Ночорлик» ва бошқа қатор шеърлари орқали унинг ички дунёси кўриниб туради.

Фарид Усмоннинг ижод йўли севги ғавғосию, муҳаббат савдосидан, умр силсилалари орқали ҳаёт фалсафаси томон юксалиб бормоқда.

«Адолат» газетаси,
август, 1996 йил.



Баҳром ЖАЛИЛОВ, доцент.
«Хусн девони» китобига ёзилган сўз

КАМОЛОТ НИШОНИ

ТАҲРИРИЯТДАН: Муҳтарам шеърхон! «Водий ғазаллари», «Ёшлик ғазаллари», «Ул қаро кўз бўлмаса», «Қадр кечаси», «Сочларингда тун уйқуси», «Навосиз наволар» каби қатор китоблар ва талай кўшиқлар муаллифи, ғазалхон шоиримиз Фарид Усмон 50 ёшни кўрди. Шоир таваллудининг ярим асрлик тўйи шу кунларда адабий жамоатчилик томонидан кенг нишонланмоқда. Биз дилкаш инсон, таниқли ғазалхон биродаримизга узоқ умр, кўплаб ғазал ва янгидан-янги кўшиқлар ижод қилишида омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Андижон ғазалчилик мактаби – узоқ ва бой аъёналарга эга. Навоий эътироф этган Юсуфшоҳ, Бадиий, Сафоийлар аъёналари Бобур, Нодира ижоди мисолида янада юксакликка кўтарилди. Оразий, Ҳайратий, Чўлпон, Сайфий сингари ғазалнавислар замон руҳини, ўз даври дардларини ғазал воситасида ифода этдилар.

Улфат ғазалиёти классик ижодиёт билан XX аср ғазалчилигини боғловчи кўприкка ўхшайди. Аъёнанавий шаклда давр нафасини ифодалаш, Боқир, Ҳ. Раззоқов, В. Саъдулла, Азимий, Мухтор Тожибой ўғли сингари ғазалнавислар ижодида кўринади.

Ана шу мўътабар аъёналарни изчил давом эттираётган андижонлик ижодкорлар орасида Ф. Усмон ўз сози ва

овозига эга бўлган ижодкорлар сифатида ажралиб туради. Унинг қатор шеърый китоблари аллақачон республика адабий жамоатчилик эътирофига сазовор бўлгани каби кўплаб кўшиқлари ҳақиқий мухлисларини топган.

Шоир Сизга тақдим этаётган янги шеърлар китобини шартли равишда «Хусн девони» деб атабди. Китобдан шоир ғазаллари, бармоқ вазндаги шеър тизимида битилган шеърлар жой олган. Фарид шеърлари билан танишар экансиз, ҳар бир шеърдаги йирик қаҳрамон «мен»ида Фарид Усмон қалбининг, хулқининг бирор қиррасини кўргандай бўласиз. Шоир характери билан лирик қаҳрамон шу қадар яхлитки, ҳар бир шеърда Фарид кўз ўнгингизга келади.

Фарид характеридаги камтарлик, покизалик, тўғрисўзлик, эл дарди билан яшаш сингари туйғулар кишилар бағрига сингдирилган.

Шоир китобидаги икки хусусиятни алоҳида таъкидлагим келади:

Биринчиси: ҳар бир шеърда уйғоқ қалб нидоси сезилиб туради. Шеърлар шунчаки сўзлар, қофиялар тизими эмас, гоҳ оғрик, дард, гоҳ ғурур, ифода ҳар туйғуларини ифода қилади. Сизга фикр уйғотади, қалбингизга ёруғлик олиб киради.

Иккинчиси: шоир классик шеърят сеҳрини, жозоба кучини пухта ўрганган. Айтмоқчи бўлган қалб туғёнини шеърый санъатлар нури билан йўғриб, завқ тарзда сизга тақдим этади.

Китобдаги шеърлар билан ошно бўлар экансиз, нуқтадонлик билан ишлатилган гўзал ташбеҳларни ўқиб завқингиз ортади.

«Лаб – икки сатр шеър», «анор донаси устидаги парда – одоб нишонаси» кабилар, «Нодира», «Бўстонсиз қолма», «Қалби оқ Ватан» сингари мағзи бутун шеърлар Фарид Усмоннинг камолотидан дарак беради.


Шоир шеърларини безаган бир хусусиятни айтмоқ зарур. Унинг қатор шеърлари таджири санъати аслига қурилган. Бутун шеър давомида икки сўз турли жилоларда намоён бўлади. «Кеча ва кўча» («Шеърят»), «Кўз ва жон» («Кўзим кўрар»), «Сўз» («сўз туйғулари») каби сўзларни шоир бир шеърда қайта-қайта қўллайди. Бунинг оддий ва такрор бўлмаслиги, шоирнинг санъаткорлигидан гувоҳлик

беради. Қайтарилаетган сўздаги майл жилваси, мисрадаги фикрнинг нуқтадонлик билан ифода қилиниши ҳайратингизни орттиради. Фариднинг аруз қонуниятларини, шеърий санъатлар сеҳрини пухта билиши ғазалларини куйга, оҳангга жуда яқинлаштиради. Шоирнинг янги ғазаллари ҳам кўшиқ бўлиб халқ мулкига айланиши шубҳасиздир.

Тўпламдаги айрим шеърлар бошқа шоирлар шеърларини ёдга солиши, унда аввалги мавжуд фикрдан ўтиб тушадиган ўриннинг йўқлиги китобга безак бўла олмаган. Масалан, «Йўлбарслар» шеъри Э. Воҳидовнинг «Арслон ўйнатувчи», «Чойнак ҳақида» деб аталган шеър эса шоирнинг «Чойнак ва пиёла» ҳақидаги тўртлиги таъсирида битилгани сезилиб турибди. Қувончлисиз шундаки, бундай шеърлар китобда санокли учрайди.

Шоирнинг янги китоби шеърхонлар, кўшиқ шайдолари учун яхши тўхфа бўлиб, шеърятимизнинг, ғазалчилигимизнинг бугунги камолини кўрсатувчи гўзал ижод намунасиридир.

**«Наврўзи олам» газетаси,
июль, 1996 йил сони.**



ШОИР ВА НОСИР

Фарид Усмон шаҳардаги 14-мактабда таҳсил олиб юрган кезларидан бадиий адабиётга юксак муҳаббат кўйди. Ўтмиш шоирлар ижодини, мумтоз шеърят сирларини ўрганишга қизикди. Айниқса, Муқимий, Фурқат, Завқийлар шеърятининг жозиба сеҳри уни ижод қилишга ундади.

1964 йилда бўлажак шоир Андижон Давлат педагогика институтига (ҳозирги АДУ) ўқишга кирди. Адабиётнинг назарий жабҳаларидан хабардор бўлиш, ўзининг дастлабки машқларини Улфат, Боқир, Восит Саъдулла, Ҳошимжон Раззоқов, Тўхтасин Жалоповлардек етук олим ва шоирларга кўрсатиб туриш самара бера бошлади. Ёш шоирнинг шеърлари республика ва вилоят матбуотларида эълон қилинди. Кейинроқ «Ёшлик баёзи», «Ёшлик», «Молодость» альманахларида туркум шеърлари босилди ва адабий жамоатчилик эътиборини қозонди. Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповдек адабиётимизнинг бугунги дарғалари шоирга катта

умидворлик билдиришди. Унинг «Водий ғазаллари», «Ёшлик ғазаллари» каби шеърий мажмуалари ана шу эътиборларнинг самараси ўлароқ дунё юзини кўрди.

Ёш шоирнинг 1982 йилдан Ёзувчилар уюшмаси Андижон вилоят бўлимига адабий маслаҳатчилик вазифасига тайинланиши уни катта адабиёт муҳитига яқинлаштирди. 1985-1987 йилларда Москвадаги Максим Горький номли Жаҳон адабиёти институтининг Олий адабиёт курсида таҳсил олиши эса унга жаҳон, қардош халқлар адабиётлари билан яқиндан танишиш имконини берди.

Шоирнинг тинимсиз изланишлари, ижодий меҳнатлари натижасида бирин-кетин «Водий ғазаллари», «Умид гулзори», «Садоқат», «Навосиз наво», «Қадр кечаси», «Ул қаро кўз бўлмаса» каби лирик шеърлар, сержило ғазаллар жамланган китоблари чоп этилди.

Мустақиллик унинг ижодига янада қанот бағишлади. Пойтахтнинг нуфузли нашриётларида «Жон қуши», «Ҳусн девони», «Рух булбули» каби шеър ва ғазаллар тўпламлари «Янги ой» номли девони, «Шаклар кўшиғи» достони нашр этилди. Бундан ташқари, «Муҳаббат о муҳаббат», «Қайларга қочай Лайло?», «Мени сев» насрий асарлари кенг китобхонлар оммаси эътиборига ҳавола этилди. Натижада Фарид ҳам шоир, ҳам носир сифатида адабий жамоатчилик диққатини ўзига қарата олди. Унинг асарлари юзасидан республика миқёсида илиқ фикрлар билдирилди.

Фарид Усмоннинг болаларга бағишланган шеърлари, сахна асарлари унинг ижодий фаолиятининг яна бир қиррасини ташкил этади. «Оқ олтинга кўк чироқ», «Бир жуфт бинафша», «Мен кичикмас, каттаман», «Қуёш расми», «Наврўзда ўйна, қуйла!» сингари асарлари болалар қалбига яқин, содда ва равонлиги билан ўзига хосдир. Унинг болалар кўғирчоқ театрлари учун яратган «Рўмолчадаги қиз», «Ҳовлидаги хангома» номли сахна асарлари Марказий Осие давлатларининг кўғирчоқ театрлараро ўтказилган танловларида бир неча бор совринли ўринларни эгаллаган.

Фарид Усмон истеъдодли носир, таниқли ғазалнавис шоир бўлиш билан бирга фаол ташкилотчи, фидойи мураббий ҳамдир. У бир неча йил Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Бадиий адабиётни тарғиб қилиш марказининг вилоят вакили вазифасида фаолият кўрсатди. Шу йилларда

у ёш ижодкорларни тарбиялаш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, адабий тўғаракларни ташкил этиш, шоир-ёзувчиларнинг китобларини чоп эттириш ва уларнинг тарғиботи каби қатор эзгу ишларни амалга оширди. Жумладан, таниқли шоир ва адиблар Олимжон Холдор, Усмонжон Шукуров, Қобил Мирзо, Наби Жалолиддинларнинг асарлари, бир неча ёш ижодкорларнинг илк китоблари чоп этилишида ташаббускорлик қилди.


Шоирнинг кўплаб шеърлари, бетакрор ғазаллари таниқли хонандалар томонидан кўшиқ қилиб куйланган. Айниқса, Ўзбекистон халқ артистлари Нуриддин Ҳамроқулов, Замира Суёнова, хушовоз хонанда Яҳё Мўминовлар ижросидаги «Сендадур», «Сочларингда тун уйқуси», «Оққуш», «Ширинлигинг, шакарлигинг», «Ёр билан», «Ушал дамлар» каби кўшиқлар ҳар бир миллатдошимиз қалбидан жой олган.

Фарид Усмоннинг миллатимиз маънавиятини такомили, бадиий тафаккур тараққиётига кўшган ҳиссаси мустақил диёримиз истиқболи йўлидаги ижодий ва меҳнат фаолияти эътиборлидир.

Фарид Усмон 1998 йилдан бошлаб ўрта-маҳсус, касб-хунар таълими бошқармаси муассислигидаги «Келажак» газетасига муҳаррирлик қилиб келади. Бу газета ёшларнинг билим доирасини юксалтириш, уларни истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, истеъдодларни рўёбга чиқариш каби эзгу мақсадларни амалга оширишда, бугунги кунда вилоятимизда чоп этилаётган энг севимли нашрлардан бирига айланган.

Газета таҳририяти қошида «Орзулар қаноти» номли ижод маркази ташкил этилган бўлиб, бу марказ машғулотларини Фарид Усмон фидойи устоз сифатида жамоатчилик асосида мунтазам бошқариб келмоқда, ёшларнинг баёзлари, илк китоблари чоп этилишида бош-қош бўлмоқда.

Айни кунларда севимли ёзувчимиз эл эътиборидаги инсон Фарид Усмон қатор қиссалар, туркум ҳикоялар устида иш олиб бормоқда. Муаллифнинг мақсади миллий адабиётимиз хазинасига ўзининг муносиб ҳиссасини кўшишдир.



Қобил МИРЗО,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
республикада хизмат кўрсатган маданият ходими.

САДОҚАТЛИ ДЎСТ, ФИДОЙИ ИНСОН

Мен Фариджонни бундан қарийб қирқ йил муқаддам яқин бир дўстим орқали таниганман. У вақтларда биз ҳали талабалар эдик. Мен Фарғона, улар эса Андижон институтларида таълим олардик. Бир куни ҳалиги дўстим «Мендан бир курс юқорида ўқийдиган Фариджон деган йигит жуда зўр ғазаллар ёзаяптида», деб, унинг куйидаги ғазалини ёддан айтиб берди:

**Дилбарим ёдингда тут, гул баргини хор этганинг,
Гулдайин лалинг гулобига мени зор этганинг,
Гул юзингнинг ҳажрида булбул каби гирён эдим,
Йўқ хаёлимда хаёлингда мени бор этганинг.**

Ҳаятда гўзал сатрлар, ёш, муҳаббатта чанқоқ юракларни ларзага солувчи иборалар, ташбеҳлар. Эшитишимча, бу ғазални институтнинг барча талабалари ёддан айтиб, бир-бирларига дилдаги пинҳон дардларини шу ғазал воситасида изҳор қилишар эканлар.

Ҳали жуда ёш бўла туриб, мумтоз адабиётимизга кириб келаётган бу толеи порлоқ, бахтли йигит билан танишиш менинг орзуимга айланди. Унинг шеърларидан матбуот, телевидение ва «Ёшлик ғазаллари» тўплами орқали бахраманд бўлиб турдим. Халқ артисти Нуриддин Ҳамроқулов томонидан куйланган «Ширинлигинг, шакарлигинг», «Оққуш» ва бошқа кўплаб кўшиқларини кўпчилик қатори мен ҳам хиргойи қилиб юрадиган бўлиб қолдим.

Ниҳоят 1980 йиллар ўртасида у билан танишдим. Муқаддас дўстлик иплари илгари ботин бўлса, эндиликда зоҳиран боғланди. Менинг айрим шеърий машқларим ҳам Фарид Усмонга маъқул бўлди. У менга кўплаб маслаҳатлар берди. Оқсаб қолган жойларимда, ҳатто ярим тунда бўлса ҳам, унга кўнғироқ қилиб, ёрдам сўрар эдим. Тоқатиға тасанно, асло малол айламасдан кунт билан тушунтирарди. Менинг биринчи китобимнинг чоп этилишида алоҳида жонқуярлик кўрсатарди. Кўзимнинг ожизлигини билдирмай

қўлимдан тутиб, Тошкентдаги муҳарририятлар, нашриётлар, босмаҳоналарда ойлаб етаклаб юрди. Китобим қўлимизга текканда эса мен қанчалик севинсам, Фариджон ҳам шунча қувонди.


Биз Фарид Усмон билан биргаликда халқ ичида кўплаб учрашувларда бўлганмиз. Фарид Усмон номи айтилиши биланоқ залда гулдурос қарсақлар чалинар эди. Бу ҳолат шоирнинг халқ орасида обрўси баланд ва машхур эканлигидан далолат беради.

Ҳа, шубҳасиз, халқимизнинг оддий бир вакили айтганидек, Фарид Усмон ҳамма учун меҳрибон, садоқатли, фидойи инсон. Элу юрт эътибори, ардоғига сазовор бўлган шоирнинг бу бебаҳо фазилатлари унинг «Умид гулзори», «Навосиз наво», «Жон қуши» ва бошқа қатор тўпламларида ҳам яққол сезилиб туради.

Ана шундай нодир иқтидор соҳибининг бугун юртимизда 60 ёшига бағишланган тантанаю анжуманлар бўлиб ўтмоқда. Бу қутлуғ сана билан минглаб мухлислари қаторида чин дилдан табриклаб, Фарид Усмонга Аллоҳ таолодан икки дунё саодатини тилаймиз.

**Садоқат меҳрдан туғилган неъмат,
Бу меҳр ҳар кимга берилган бахт.
Қизғонмай улашсанг уни оламга
Элнинг ардоғида бўлурсан албат.**

«Андижоннома» газетаси,
август, 2006 йил.



**Абдуманноб АБДУНАБИ ўғли,
вилоят адабиёт ва санъат музейи илмий ходими.**

АДИБ НОМАИ АЪМОЛИДАН

Фарид Усмон дастлабки маълумотни шаҳардаги 14-ўрта мактабда олди. Оила шароити тақозоси билан кундузи ишлаб, кечкурун кечки ишчи ёшлар мактабида ўқишга мажбур бўлди.

У ҳозирги Андижон Давлат дорилфунунида олий маълумот олди. Адабиётнинг назарий жабҳаларидан хабардор бўлиш, дастлабки машқларини етук олим ва шоирлар Улфат, Боқир, Тўхтасин Жалоловларга кўрсатиб

туриш ўз самарасини бера бошлади. Ижод уфқлари ўзининг ранг-баранг жилоларини кўрсатди. Шеърлари республика ва вилоят матбуотида босилиб турди. Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповдек адабиётимизнинг бугунги дарғалари Фаридга умидворлик билдиришди. Ўша даврдаги республика газеталари «Ёш ленинчи», «Ўзбекистон маданияти», «Коммунист»да ёш шоирга Эркин Воҳидов, шоир Улфатлар «Оқ йўл» тиладилар. Кейинроқ «Ёшлик баёзи», «Ёшлик», «Молодость» альманахларида туркум шеърлари босилди. Бу билан у кенг адабий жамоатчилик эътиборини қозона борди.

Унинг «Водий ғазаллари», «Ёшлик ғазаллари» каби шеърый мажмуалари ана шу эътиборларининг самараси ўлароқ жамоатчиликка ҳавола этилди.


Фарид Усмоннинг Ёзувчилар уюшмаси Андижон вилоят бўлимига адабий маслаҳатчилик вазифасига ишга ўтиши изланаётган ёш шоирни катта адабиёт муҳитига яқинлаштирди. У адабиётнинг моҳияти, ижод масъулияти нима эканлигини англай бошлади. Москвадаги М. Горький номли Жаҳон адабиёти институтида олган таҳсиллари эса, унга дунё адабиёти билан танишиш ва бугунги шеърятнинг долзарб масалаларини тушуниб етишга имконият яратди. У бошловчи шоир учун ҳам, катта ижодкор учун ҳам талаб битта бўлишини - умумий даражадан юқори ёзиш кераклигини англаб етди. Тинимсиз изланди, ижод қилди. Уйқусиз ўтган кечалар, машаққатли меҳнатлар натижаси ўлароқ қатор китоблари чоп этилди. «Умид гулзори», «Садоқат», «Навосиз наво», «Қадр кечаси», «Ул қаро кўз бўлмаса», «Жон қуши» каби катталарга бағишланган китоблари қаторида «Оқ олтинга кўк чироқ», «Бир жуфт бинафша», «Мен кичикмас, каттаман», «Қуёш расми», «Наврўзда ўйна, қуйла» сингари болалар учун чоп этилган асарлари шоир ижод зиналаридан дадил қадам ташлаётганидан дарак бериб турарди. Шоирнинг болалар шеъряти билан қизиқиши самараси ўлароқ кўғирчоқ театрлари учун «Рўмолчадаги қиз», «Ҳовлидаги хангома» номли сахна асарлари ҳам яралди ва бу асарлар Ўрта Осиё давлатлари кўғирчоқ театрлари аро ўтказилган танловларда совринли ўринларни эгаллади.

Фарид Усмон Ёш ижодкорларни тарбиялаш, ёшлар маънавиятини ўстириш ишларида фаоллик кўрсатмоқда.

Ижодкор ёшлар тўғаракларини ташкил этди. Шоир, ёзувчилар китобларини чоп эттиришда ва уларнинг тарғиботида ибратли ишларни амалга оширмоқда. Шунингдек, «Келажак» газетасига муҳаррирлик қилиб, газета атрофига уюшган ижодкорларга ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Зеро, у Ўзбекистонимизнинг истиқболи мана шу ёшлар қўлида эканини яхши билади.

Бугун шоир шеърлари билан айтилаётган кўшиқлар ўзбек хонадонларига ҳар тонг ўзгача бир шуур олиб кирмоқда. Теранликка ошно, гўзалликка ҳамоҳанг талай-талай шеърлар ижодкори Фарид Усмон энди 60 ёшда. У миллатимиз маънавиятини юксалтириш ишларига, мустақил Ўзбекистонимиз истиқлоли ривожига ўзининг муносиб улушини кўшиб келаётир.

«Холис» газетаси,
август, 2006 йил.



НУРЛИ ШУЪЛА

Фарид бадиий адабиётга мактабда ўқиб юрган кезларида қизиқди. Ўтмиш шоирлари ижоди, айниқса, ўша даврларда демократик адабиёт вакиллари деб номланган Муқимий, Фурқат, Завқийлар ижоди уни ўзига мафтун қилиб олган эди.


У ҳозирги Андижон давлат дорилфунунида олий маълумот олди. Адабиётнинг назарий жабҳаларидан хабардор бўлиш ўзининг ранг-баранг жилоларини кўрсатди. Унинг «Водий ғазаллари», «Ёшлик ғазаллари» каби шеърӣий мажмуалари адабий жамоатчиликка ҳавола этилди.

Фарид Усмоннинг 1982 йиллардан Ёзувчилар уюшмаси Андижон вилоят бўлимига адабий маслаҳатчилик вазифасига ишга ўтиши изланаётган ёш шоирни катта адабиёт муҳитига яқинлаштирди. 1985-1987 йиллар мобайнида Москвадаги М. Горький номли Жаҳон адабиёти институтида олган таҳсиллари эса унга дунё адабиёти билан танишиш ва бугунги шеърӣятнинг долзарб масалаларини тушуниб етишга имконият яратди. Уйқусиз ўтган кечалар, машаққатли меҳнатлар натижаси ўлароқ «Умид гулзори», «Садоқат», «Навосиз наво», «Қадр кечаси», «Ул қаро кўз

бўлмаса», «Жон қуши» каби катталарга бағишланган китоблари қаторида «Оқ олтинга кўк чироқ», «Бир жуфт бинафша», «Мен кичикмас, каттаман», «Кўёш расми», «Наврўзда ўйна, куйла» сингари болалар учун чоп этилган асарлари шоир ижод зиналаридан дадил қадам ташлаётганидан дарак бериб турарди.

Бугун шоир шеърлари билан айтилаётган кўшиқлар ўзбек хонадонларига ўзгача бир шуур олиб кирмоқда. Миллат маърифатини юксалтиришга улуш кўшиш шоир ҳаётининг мазмунини ташкил этади.

«Маърифат гулшани» газетаси,
август, 2006 йил.



Ҳабиб СИДДИҚ,
ёзувчи

ЭЗГУ ТУЙҒУЛАР КУЙЧИСИ

Адабиёт ихлосмандлари орасида Фарид Усмон номи тилга тушганига кўп йиллар бўлди. Уни дастлаб ғазаллари ва кўшиқлари орқали таниганмиз. Адабий жамоатчилик ва кенг китобхонлар оммаси яхши таниш шоирнинг олтмиш ёши нишонланаётган кунларда унинг ижод йўлига назар солди.

Бадиий адабиётга қизиқиш ва ижод иштиёқи Фариджонда ўқувчилик йилларида уйғонди. У мумтоз адабиёт намуналарини жон-дили билан мутолаа қилар, шеърӣятнинг жозибали сеҳридан бир олам завқ олар ва ўзи ҳам нималарнидир қоралашга интиларди.

Андижон Давлат педагогика институти (ҳозирда университет)да таҳсил олиш, бу ерда тил ва адабиётнинг назарий асосларини пухта ўрганиш, илк машқларини ўз даврининг етук олимлари ва шоирлари бўлган устозлари назаридан ўтказиш ёш шоирга қанот бахш этди. Шеърлари вилоят ва республика матбуотида тез-тез чоп этила бошлади, адабий жамоатчилик ва таниқли ижодкорлар эътиборига тушди. Элимизнинг ардоқли шоири Эркин Воҳидов, ғазалхон шоир Улфатларнинг матбуот саҳифаларида «оқ йўл» тилаб, келажакка умидворлик билдирганликлари ёш шоирга катта масъулият юклади. Тинимсиз изланишлари натижаси ўлароқ «Ёшлик баёзи»,

«Ёшлик», «Молодость» тўпламларида туркум шеърларини чоп эттирди.

Фарид Усмон асарларининг салмоқли қисмини ғазаллар, мухаммаслар ташкил этади. Аруз вазнида яхши асарлар яратиб мухлислар эътиборини қозонган ижодкорлар ажралиб турадилар. У кўхна, лекин кўнгилга яқин сатрлар яратиш имконини бераётган аруз вазнида замонавий руҳ билан уйғун ҳолда фойдаланаётган шоир.

Фарид Усмон шеърлари билан таниқли санъаткорлар ва ёш хушовоз хонандалар ижро этган «Оққуш», «Ширинлигинг, шакарлигинг», «Ўшал дамлар», «Кўнглим», «Еллар», «Сендадур» каби дилрабо кўшиқлар кириб бормаган хонадон бўлмаса керак Ўзбекистонда. Бу кўшиқлар миллионлаб мухлисларнинг кўнгилдан жой олган. Улардаги покиза, майин руҳ кўнгиллардаги нозик торларни тебратади, дилларнинг ташналигини қондиради. Тўғри, гоҳида кўшиқни ижро этган хонандага қарсак чалганда уни яратган шоирни ҳаммиша ҳам эсга олаверишмайди. Лекин, ҳақиқий санъат мухлислари учун Фарид ака қаламига мансуб кўшиқларни ажратиб олиш қийин эмас.

Бирин-кетин «Водий ғазаллари», «Ёшлик ғазаллари» шеърини мажмуаларининг чоп этилиши шоирнинг адабиётда ўз йўлини топиш йўлидаги изланишлари самарали бўлаётганини намоён этди. Ёшларнинг қайноқ қалби, беғубор ва бетакрор туйғулари ифодаси ўлароқ яратилган ўнлаб ғазаллари мухлислар кўнгилдан жой олди, ҳофизлар тилига кўчди.

Шеърят бўстонида катта масъулият ила қадам қўйган шоирга Москвадаги Максим Горький номида Жаҳон адабиёти институтида таҳсил олиш, Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими, Адабиёт тарғибот маркази, газета таҳририятларида хизмат қилишлар ҳаётини тажриба орттириш ва ижодий маҳорат пиллапоялари ила ўзи кўзлаган юксак чўққилар сари кўтарилиш имконини берди. Тинимсиз ижодий изланишлар маҳсули сифатида турли йилларда «Умид гулзори», «Садоқат», «Навосиз наво», «Қадр кечаси», «Ул қаро кўз бўлмаса», «Жон қуши» каби тўпламларини зукко ва нозиктаъб шеърят ихлосмандлари эътиборига ҳавола этди.

Ўзбек – болажон халқ, унинг аксарият шоирлари ва ёзувчилари ижодида жажжи ўқувчилар учун яратилган

асарлар мавжуд. Фарид Усмон ҳам болаларга аталган шеърлари жамланган «Оқ олтинга кўк чироқ», «Бир жуфт бинафша», «Мен кичикмас, каттаман», «Кўёш расми», «Наврўзда ўйна, куйла» каби тўпламларини чоп эттириб, кичкинтойларни шеърятга ошно қилишга интилди.

Серқирра истеъдод соҳиби болалар шеърятини билан қизиқиши самараси ўлароқ кўғирчоқ театрлараро ўтказилган танловларда совринли ўринларни эгаллади.

Бу каби муваффақиятлар ижодкорнинг ўзига ишончини мустаҳкамлади, у шоирлик ўзининг қисмати эканлигини англади, муҳаббатли қалбларнинг тоғ ҳавосидек мусаффо, булоқ сувидек тиниқ туйғуларини шеърга солишдан, Ватаннинг гўзал боғлари, шарқироқ сойлари, юртдошларининг фидокорона меҳнатларини тараннум этишдан, севги-вафони, садоқатни куйлашдан толмади.

**Севгини мен англадим, аввал Ватандан бошланар,
Севги инсон улғайиб ўсган чамандан бошланар,**
дейди шоир.

Халқини маънавий баркамол кўришни орзу қилган шоир бадиий сўз воситасида мухлисларини яхшилиққа, эзгуликка етаклашдан чарчамайди. «Одоб дунёдаги энг етук ҳосил», деб ёзади шоир «Анор» шеъри хотимасида. Шоирнинг «Чойнак ҳақида», «Кўксимизда бир орол бор...», «Муносиблик», «Соясини қизганган одам», «Қотил», «Ўлим қиёфаси» каби шеърларида ҳам яхшилиқни, эзгуликни улуғлаш ғояси илгари сурилган. Дилни, туйғуни ўлдирганни қотил деб атади шоир.

Эл орасида эзгулик уруғини сочишга интилаётган шоир бугун кўпгина ёш ижодкорларнинг устози. Чунки у мамлакатнинг, маънавийтимизнинг, адабиётимизнинг келажаги мана шу ёшлар қўлида эканини яхши англайди ва ҳис қилади. У раҳбарлик қилаётган «Келажак» газетаси таҳририяти қошидаги ижодкор ёшлар марказида ҳам илк машқларини элга манзур қилиб бораётган талай ёшлар жам бўлган.

Ижодкорнинг дўстлар билан гурунларда ҳам эзгу ишларга даъват тилидан тушмайди.

**Шеърят бу - қатим-қатим,
Нурлар тўла кечадир.
Шеърят – бу эзгуликка**

Олиб борар кўчадир, - деб ёзади шоир шеърларидан бирида.

Фарид ака китоб наشري ишлари билан ҳам шуғулланиб, янги ва яхши асарларнинг тезроқ мухлислар кўлига етиб боришига ҳисса қўшиб келмоқда. Бир қанча ёш ижодкорларнинг илк китобларига муҳаррирлик қилди. Кўп йиллардан буён ижодий ва ташкилотчилик фаолияти билан Андижон адабий муҳитининг ривожига ҳам ҳисса қўшиб келмоқда.

Шоирнинг табиатида ҳам, лирик қаҳрамонининг сурати ва сийратида ҳам миллий руҳ, ўзбекона нафас сезилиб туради. Дўпписини бошидан қўймай юришга одатланган Фарид Усмонга андижонча сўкирлик, тантилиқ, сўзини бировга бермаслик каби фазилатлар ҳам йўлдош. У камтар, оқ кўнгил, бағри кенг, меҳр-муҳаббатли ва шу билан бирга ҳар қандай адолатсизликка нисбатан нафрат ва ғазабини яширмайдиган инсон. Ижодда ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам фаол шахс. Лоқайдликни хуш кўрмайди, ҳатто шеърларидан бирида совуққонликни ўлим билан тенглаштиради.

Фарид Усмон Оллоҳ берган истеъдоди, тинимсиз изланишлари натижасида эп ардоғидаги таниқли шоир даражасига етди. Яхши сўзлари, гоҳ мунгли, гоҳ ўйноқи сатрлари, дилрабо кўшиқлари билан минглаб мухлисларнинг эътиборлари ва эътирофларини қозонди. Бугун уни мамлакатимиз сарҳадларидан ташқарида ҳам яхши танийдилар, номини ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оладилар.

Қарийб қирқ йиллик ижод машаққатлари эвазига олинган ана шу эътибор ва юксак баҳо ҳаётнинг олтмишинчи довонида турган шоирни янада баракалироқ ижод қилишга, элга манзур асарлар яратишга даъват қилмоқда. Биз мухлислари ва ижодкор дўстлари эса унга янада юксак ижодий парвозлар тилаймиз.

«Химоя» газетаси,
сентябрь, 2006 йил.



ҚУТЛАЙМИЗ

Фарид Усмон 1946 йилда Андижон шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Даствлабки маълумотни шаҳардаги 14-ўрта мактабда олди. Оила шароити тақозоси билан кундузи ишлаб, кечкурун кечки ишчи ёшлар мактабида ўқишга мажбур бўлди.

Фарид бадиий адабиётга мактабда ўқиб юрган кезларидан қизиқди. Ўтмиш шоирлари ижоди, айниқса, ўша даврларда демократик адабиёт вакиллари деб номланган Муқимий, Фурқат, Завқийлар ижоди уни ўзига мафтун қилиб олган эди. Мумтоз шеърининг жозиба сеҳри уни ижод қилишга даъват этиб борарди.

У ҳозирги Андижон Давлат дорилфунунида олий маълумот олди. Адабиётнинг назарий жабҳаларидан хабардор бўлиш, ўзининг дастлабки машқларини етук олим ва шоирлар Улфат, Боқир, Тўхтасин Жалоловларга кўрсатиб туриш самарасини бера бошлади. Ижод уфқлари ўзининг ранг-баранг жилоларини кўрсатди. Шеърлари республика ва вилоят матбуотларида босилиб турди. Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповдек адабиётимизнинг бугунги даргалари Фаридга умидворлик билдиришди. Ўша даврдаги республика ва вилоят газеталари ҳозирги «Туркистон», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Андижоннома» газеталарида ёш шоирга Эркин Воҳидов, шоир Улфатлар «Оқ йўл» тиладилар. Кейинроқ «Ёшлик баёзи», «Ёшлик», «Молодость» альманахларида туркум шеърлари босилди. Бу билан у кенг адабий жамоатчилик эътиборини қозона борди.

Унинг «Водий ғазаллари», «Ёшлик ғазаллари» каби шеърий мажмуалари ана шу эътиборларнинг самараси ўлароқ адабий жамоатчиликка ҳавола этилди.

Фарид Усмоннинг 1982 йиллардан Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимига адабий маслаҳатчилик вазифасига ишга ўтиши изланаётган ёш шоирни катта адабиёт муҳитига яқинлаштирди. У адабиётнинг моҳияти, ижод масъулияти нима эканлигини англай бошлади. 1985-1987 йиллар мобайнида Москвадаги М. Горький номли Жаҳон адабиёти институтида олган таҳсиллари эса унга дунё адабиёти билан танишиш ва бугунги шеърининг долзарб масалаларини тушуниб етишга имконият яратди. У бошловчи

шоир учун ҳам, катта ижодкор учун ҳам талаб битта бўлишини – умумий даражадан юқори юриш кераклигини англаб етди. Тинимсиз изланди, ижод қилди. Уйқусиз ўтган кечалар, машаққатли меҳнатлар натижаси ўлароқ қатор китоблари чоп этилди. «Умид гулзори», «Садоқат», «Навосиз наво», «Қадр кечаси», «Ул қаро кўз бўлмаса», «Жон қуши» каби катталарга бағишланган китоблари қаторида «Оқ олтинга кўк чироқ», «Бир жуфт бинафша», «Мен кичикмас, каттаман», «Қуёш расми», «Наврўзда ўйна, куйла» сингари болалар учун чоп этилган асарлари шоирнинг ижод зиналаридан дадил қадам ташлаётганидан дарак бериб турарди. Шоирнинг болалар шеърляти билан қизиқиши самараси ўлароқ кўғирчоқ театрлари учун «Рўмолчадаги қиз», «Ҳовлидаги ҳангома» номли саҳна асарлари ҳам яралди ва бу асарлар Ўрта Осиё давлатлари кўғирчоқ театрлариаро ўтказилган танловларда совринли ўринларни эгаллади.


Фарид Усмон жамоатчилик ишларида ҳам фаолликни сусайтирмади. Адабиёт тарғиботи билан астойдил шуғулланди. Ёш ижодкорларни тарбиялаш, ёшлар маънавиятини ўстириш ишларида фаоллик кўрсатди. Ижодкор ёшлар тўгаракларини ташкил этди. Шоир, ёзувчилар китобларини чоп эттиришда ва уларнинг тарғиботида ибратли ишларни амалга оширмоқда. Таниқли шоир ва ёзувчилар Олимжон Холдор, Наби Жалолiddин, Усмонжон Шукуров, Қобил Мирзоларнинг асарлари чоп этилишида ташаббускор бўлди.

Бугун шоир шеърлари билан айтилаётган кўшиқлар ўзбек хонадонларига ҳар тонг ўзгача бир шуур олиб кирмоқда. Теранликка ошно, гўзалликка ҳамоҳанг талай-талай шеърлар ижодкори Фарид Усмон энди 60 ёшда. У миллатимиз маънавиятини юксалтириш ишларига, мустақил Ўзбекистонимиз истиқлоли ривожига ўзининг муносиб улушини қўшиб келаётир.

Миллат маърифатини ривожлантиришга муносиб улуш қўшиш шоир ҳаётининг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Шу маънода ёшларни севимли нашри бўлган «Келажак» газетасига муҳаррирлик қилиб келаётган Фарид Усмон газета атрофига уюшган ижодкорларга алоҳида эътибор бермоқда.

Чунки Ўзбекистонимизнинг истиқболи мана шу ёшлар қўлида эканини у яхши билади.

«Хуқуқ сабоқлари» газетаси,
июль, 2006 йил.



Ҳабиб СИДДИҚ,
ёзувчи

ЮКСАЛИШ ЙЎЛИ

Таниқли шоир Фарид Усмонни дастлаб ғазаллари ва кўшиқлари орқали таниганмиз. Дарҳақиқат, унинг ижодининг салмоқли қисмини ғазаллар, мухаммаслар ташкил этади. Маълумки, аруз вазнида яхши асарлар яратиб, мухлислар эътиборини қозонган ижодкорлар саноқли. Улар орасида Фарид Усмон ўз овози ва услуби билан ажралиб туради. Қадим оҳангларда кўнгилга яқин сатрлар битиш имконини бераётган аруз вазнидан шоир замонавий мавзуларда асарлар яратишда унумли фойдаланаётир. Унинг шеърлари билан таниқли санъаткорлар, хушовоз хонандалар ижро этган «Оққуш», «Ширинлигинг, шакарлигинг», «Ўшал дамлар», «Кўнглим», «Еллар», «Сендадур» каби дилрабо кўшиқлар кириб бормаган хонадон бўлмаса керак. Шоирнинг «Водий ғазаллари», «Ёшлик ғазаллари» шеърий мажмуаларига жамланган беғубор ва бетакрор туйғулари ифодаси бўлмиш ўнлаб ғазаллари мухлислар кўнглидан жой олди, ҳофизлар тилига кўчди. Тинимсиз ижодий изланишлар самараси сифатида шоир турли йилларда «Умид гулзори», «Садоқат», «Навосиз наво», «Қадр кечаси», «Ул қаро кўз бўлмаса», «Жон қуши» каби тўпламларини шеърлят ихлосмандлари эътиборига ҳавола этди.

Фарид Усмон болаларга аталган шеърларини жамлаб «Оқ олтинга кўкчироқ», «Бир жуфт бинафша», «Мен кичикмас, каттаман», «Қуёш расми» «Наврўзда ўйна, куйла» деб номланган китоблар чоп эттириб, кичкинтойларни шеърлятта ошно этишга интилди. Шунингдек, унинг кўғирчоқ театрлари учун «Шаҳриёр ва Шаҳзод ёки рўмолчадаги қиз», «Ҳовлидаги ҳангома» номли саҳна асарлари Ўрта Осиё давлатлари кўғирчоқ театрлари ўртасида ўтказилган танловларда совринли ўринларни олди.

Бу каби муваффақиятлар ижодкорнинг ўзига ишончини мустаҳкамлади. Фарид Усмон муҳаббатли қалбларнинг тоғ ҳавосидек мусаффо, булоқ сувидек тиниқ туйғуларини шеърга солишдан, Ватаннинг гўзал боғлари, шарқироқ сойлари, юртдошларнинг фидокорона меҳнатларини тараннум этишдан толмайди.


**Севгини мен англадим, аввал Ватандан бошланар,
Севги инсон улғайиб ўсган чамандан бошланар –**
деб ёзади шоир.

Эл орасида эзгулик уругини сочишга интилаётган шоир бугун кўпгина ёш ижодкорларнинг устози. У раҳбарлик қилаётган «Келажак» газетаси таҳририятида, таҳририят қошидаги Ижодкор ёшлар марказида ҳам илк машқларини элга манзур этиб бораётган ёшлар жам бўлган.

Шоирнинг лирик қаҳрамони сурати ва сийратида миллий руҳ яққол сезилиб туради. Ўзбекона тантилик, очиққўнгиллик, бир сўзлилиқ унинг қаҳрамонларига ҳам хос фазилатлардир.

Фарид Усмон истеъдоди, тинимсиз изланишлари натижасида таниқли шоир даражасига етди. Таъсирчан сўзлари, гоҳ мунгли, гоҳ ўйноқи сатрлари, дилрабо кўшиқлари билан минглаб мухлисларнинг эътирофини қозонди. Қарийб қирқ йиллик ижод меҳнати эвазига эришган эътибор умрининг олтмишинчи довонидан ошаётган шоирни янада элга манзур асарлар яратишга руҳлантirmoқда. Мухлислари ва биз ижодкор дўстлари эса, унга юксак ижодий парвозлар тилаймиз.

**«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси,
октябрь, 2006 йил.**



Маҳмуджон НОРХЎЖАЕВ,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

МУМТОЗ ШЕЪРИЯТ ИХЛОСМАНДИ

Фарид Усмон 1946 йилда Андижон шаҳрида хизматчи оиласида туғилган.

Фарид бадиий адабиётга шаҳардаги 14-ўрта мактабда ўқиб юрган кезларида қизиқди. Ўтмиш шоирлар ижоди, айниқса, ўша даврларда демократик адабиёт вакиллари деб номланган Муқимий, Фурқат, Завқийлар ижодини уни ўзига

мафтун қилиб олган эди. Мумтоз шеърят жозиба сеҳри уни ижод қилишга даъват этиб борарди.

У ҳозирги Андижон Давлат дорилфунунида ўқиб олий маълумот олди. Адабиётнинг назарий жабҳаларидан хабардор бўлиши, дастлабки машқларини етук олим ва шоирлар Улфат, Боқир, Тўхтасин Жалоловларга кўрсатиб туриши самарасини бера бошлади. Ижод уфқлари ўзининг ранг-баранг жилоларини кўрсатди. Шеърлари республика ва вилоят матбуотларида босилиб турди. Ёш шоирга Эркин Воҳидов ва Улфатлар «Оқ йўл» тиладилар. Кейинроқ «Ёшлик баёзи», «Ёшлик», «Молодость» альманахларида туркум шеърлари босилди. Бу билан у кенг адабий жамоатчилик эътиборини қозона борди.

Унинг «Водий ғазаллари», «Ёшлик ғазаллари» каби шеърый мажмуалари ана шу эътиборларнинг самараси ўлароқ адабий жамоатчиликка ҳавола этилди.

Фарид Усмоннинг 1985-1987 йиллар мобайнида Москвадаги М. Горький номли Жаҳон адабиёти институтида олган таҳсиллари эса унга дунё адабиёти билан танишиш ва бугунги шеърятнинг долзарб масалаларини тушуниб етишга имконият яратди. У тинимсиз изланди, ижод қилди. Уйқусиз ўтган кечалар, машаққатли меҳнатлари маҳсули сифатида қатор китоблари чоп этилди. «Умид гулзори», «Садоқат», «Навосиз наво», «Қадр кечаси», «Ул қаро кўз бўлмаса», «Жон қуши» каби катталарга бағишланган китоблари қаторида «Оқ олтинга кўк чироқ», «Бир жуфт бинафша», «Мен кичикмас, каттаман», «Қуёш расми», «Наврўзда ўйна, куйла» сингари болалар учун чоп этилган асарлари шоир ижод зиналаридан дадил қадам ташлаётгани ифодаси эди.

Шоирнинг болалар шеъряти билан қизиқиши натижасида кўғирчоқ театрлари учун «Рўмолчадаги қиз», «Ҳовлидаги ҳангома» номли саҳна асарлари яратилди ва бу асарлар Марказий Осиё давлатлари кўғирчоқ театрлари аро ўтказилган танловларда совринли ўринларни эгаллади.

Бугун шоир шеърлари билан айтилаётган кўшиқлар ўзбек хонадонларига ҳар тонг ўзгача бир шуур олиб кирмоқда. Теранликка ошно, гўзалликка ҳамоҳанг шеърлар ижодкори Фарид Усмон – 60 ёшда. У миллатимиз маънавиятини юксалтириш ишларига, Ўзбекистонимиз истиқлоли ривожига ўзининг муносиб улушини қўшиб келаётир.

Миллат маърифатини ривожлантиришга муносиб улуш қўшиш шоир ҳаётининг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Шу маънода, ёшларнинг севимли нашри бўлган «Келажак» газетасига муҳаррирлик қилиб келатган Фарид Усмон газета атрофига уюшган ижодкорларга алоҳида эътибор бермоқда. Чунки Ўзбекистонимизнинг истиқболи мана шу ёшлар қўлида эканини у яхши билади.

**«Иқбол» газетаси,
август, 2006 йил.**

ШОИР, ЁЗУВЧИ, ПУБЛИЦИСТ

Фарид Усмон адабиётга 1970 йилларда кириб келди. Шу йилларда унинг дастлабки туркум шеърлари «Ёшлик баёзи», «Ёшлик» тўпламларида, газета ва журналларда чиқа бошлади. Шеърлари таниқли ҳофизлар томонидан қўшиқ қилиб айтила бошлади.

1985-1987 йилларда Москвада Жаҳон адабиёти институтида ўқиши унга жаҳон, қардош халқлар адабиётлари билан яқиндан танишиш имконини берди. Рус, озарбайжон классиклари ижоди унинг катта адабиёт йўлига чиқиб олиши учун имконият яратди. Натижада, шоирнинг «Умид гулзори», «Навосиз наво», «Ул қаро кўз бўлмаса...», «Сочларингда тун уйқуси», «Қадр кечаси», «Жон қуши» каби китоблари, «Мен кичикмас, каттаман», «Бир жуфт бинафша», «Оқ олтинга кўк чироқ» сингари болалар учун шеърӣ тўпламлари, «Шаҳзод», «Ҳовлидаги хангома» номли ёш томошабинлар учун драмалари ёзилди. Шунингдек, матбуот саҳифаларида публицистик илмий мақолалари босилиб турди.

Фарид Усмон 1987-1990 йиллар мобайнида Республика «Гулхан» журнали, Ёзувчилар уюшмаси тарғибот маркази вилоят бўлимларида ишлади. Доимо ёшлар маънавиятини ошириш йўлида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борди. Ҳозирда вилоят ҳокимлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси муассислигида чоп этилаётган ижтимоий-маърифий нашр «Келажак» газетасига муҳаррирлик қилиш билан бирга, жамоатчилик асосида «Орзулар қанотида» ижод марказига раҳбарлик қилиш орқали ёшлар ижодининг равнақ топишига ҳисса қўшиб келмоқда.

**«Булоқбоши» газетаси,
ноябрь, 2006 йил.**

МУБОРАК БЎЛСИН

Фарид Усмон 1946 йилда Андижон шаҳрида туғилган. Ўрта мактабни тугаллагандан сўнг Андижон педагогика институти (ҳозирги АДУ)да таҳсил олди. Ўзи ҳам ўрта мактабда ёш авлодга сабоқ берди. 1985-1987 йилларда А. М. Горький номли Москва олий адабиёт курсида ўқиди. Ҳозирги кунда эса у «Келажак» ижтимоий-оммабоп газетасида муҳаррирлик қилиб келмоқда.

Шоирнинг «Водий газаллари», «Хусн девони», «Ул қаро кўз бўлмаса», «Сочларингда тун уйқуси», «Қадр кечаси» ва бошқа ўнлаб шеърӣ тўпламлари китобхонларнинг дилидан муносиб жой олган. Ўнлаб ғазалларига куйлар басталаниб, халқимизнинг Нуриддин Ҳамроқулов, Шухрат Давлатов, Яҳё Мўминов каби суюкли санъаткорлари томонидан ижро этилган.

Фарид Усмон шеърларини ўқир экансиз, ўзига хос талқинлар, янгича фикрларнинг гувоҳи бўласиз.

Фарид ака шу кунларда ўзининг муборак 60 ёшини нишонламоқда. Биз ҳам у кишига улкан ижодий муваффақиятлар тилаган ҳолда шоирнинг янги ғазалларидан эътиборингизга ҳавола этамиз.

**«Андижон ёшлари» газетаси,
2006 йил.**

Дилбар БОНУ.

ЎЗБЕКИСТОН ШОИРЛАРИНИНГ ХАТИ

(Шоир таваллудининг 60 йиллигига)

Андижон деб кетмадингиз Шошга ҳам,
Бошқа дўппи киймадингиз бошга ҳам.
Вазмин бўлиб боқмадингиз ёшга ҳам,
Шоиралар сўраб турар Фаридин.

Ойдин Ҳожи кимни кўрса сўрайди,
Турсун Содик меҳрларга ўрайди.
Ҳалимаой телефонни бурайди,
Андижондан садо йўқдир ҳамма жим,
Шоиралар сўраб турар Фаридин.

Муҳтарама, Қутлибека, Шарифа,
Яна қанча шоира-ю, орифа.
Ҳосиятнинг саломи бир таърифа,
Санайвериб мен ҳам анча ҳоридим,
Шоиралар сўраб турар Фаридин.


Мирокида шеър айтдингиз жилмайиб,
Қибрай боғи бормасангиз мунғайиб.
Қайси гулнинг шоҳидаки, сиз ғойиб,
Ахтарганлар ичида мен боридим,
Шоиралар сўраб турар Фаридин.

Олтмиш йилки боғ оралаб ўтасиз,
Замирами, Хуршидани кутасиз.
Ё Фарғона қизига гул тутасиз,
Меҳр азиз дунёларни заридин,
Шоиралар сўраб турар Фаридин.

Ҳайрон-ҳайрон йиллар ўтди билсангиз,
Ғазал ёзиб қизлар ўтди билсангиз.
Кўклам кўклаб сизни кутди билсангиз,
Сочингиз ранг олмиш тоғлар қоридин,
Шоиралар сўраб турар Фаридин.

Булбул сайраб, зоғлар тинсин ушбу кун,
Атиргулнинг шоҳи синсин ушбу кун.
Олтмишингиз қизлар билсин ушбу кун,
Жон Андижон сизни севар жонидин,
Шоиралар кутлаб турар Фаридин.

Наманган, 2006 йил.



Одилжон ХУДОЙБЕРДИЕВ.

(Фарид Усмон 60 йиллигига)

Андижон азалдан шоирлар қони,
Шеърят, аския, санъат макони.
Бобуру-Нодири, Олимжон Холдор,
Восит Саъдулла-ю, барчаси номдор.
Арузда чақнаган, Сиз Фарид Усмон,
Номингиз оламга бўлибди дoston.

Жонкуяр, элпатақ, камтарин зотсиз,
Ҳар хил игволардан қалби озодсиз.
«Ҳовлидаги ҳангома», «Рўмолчада қиз»,
Пьесалар ёзибсиз театр чун-сиз.
Кўғирчоқлар жонланур ушбу асарда,
Образга айланар ҳаттоки парда.

Муборак таваллуд кунингиз бугун!
Уч йигирма ёшда, чеҳрангиз гулгун.
Санъат аҳли сизга доим мунтазир,
Янги асарларни ёзинг беназир.
Ижодда эрурсиз, камолот ёшда,
Аксингиз кўринар ҳатто куёшда.

Навоий-шеърят Султони эрур,
Фарид Усмон унга ўнг вазир бўлур.
Ғазалда эл дарди, элнинг шодлиги,
Шоирнинг қувончи, юрт ободлиги.
Шеърлари қалбингни ларзага солар,
Шундай жумлаларни у қайдан олар.

Илҳом олар оддий-ишчи-деҳқондан,
Халқ учун шоирлар кечадур жондан.
Ижоди юксалсин, юз ёшга етсин,
Юз ёшида ҳам шеър, ғазал битсин.
Андижонни кўркисиз, Сиз Фарид Усмон,
Номингиз оламга бўлибди дoston.

Кўғирчоқ театри жамоаси
номидан, Андижон, 2006 йил.

Нусрат АБДУСАЛОМОВ.

ҚОЛМАСИН АРМОНИНГИЗ

(Шоир Фарид Усмоннинг «Рух булбули» девони
нашр этилиши муносабати билан)

Қилсангиз арзир ғурурким, келди зўр давронингиз,
Дил баланд, лекин чуқур эркан фикр уммонингиз.
Туздингиз девон ажойиб бор экан имконингиз,
Эй, азиз дўстим, муборак бўлсин ул девонингиз,
Унда жаъм бўлмиш гўзал тизган шуур маржонингиз.

Ки девон тузмоқ осонмас, ул ижоднинг мушқули,
Сизни то манзилга элтмиш аста илҳом дулдули.
Давра тузмишлар девонда энг сара шеърлар гули,
Қўлга олсам айлади шод сернаво «Рух булбули»,
Шубҳасиз боз қанча дилни яйратар хушхонингиз.

Дейдилар, тоғ лоласининг истамай хушбўй исин,
Лек улар ёққан саҳар чоғ гулханида сен исин.
Сиз ҳақингизда ҳалойиқ не деса, майли, десин,
Қилдингиз ишғол машаққат бирла ижод чўққисин,
Яйранг энди, бу жаҳонда қолмасин армонингиз.

Дастингизда хома янглиғ шеъриятнинг лангари,
Юрдингиз асло оғишмай тўғри йўлдан илгари.
Энди марра сизникидир, энди ғам кетсин нари,
Қалбингизга бурмасин ҳеч йўлни ғамнинг лашкари,
Ичмасин кўз ёшингиздан қатра ҳам мужгонингиз.


Сиз узоқ йўлни босиб ошдингиз битта довон,
Лек узоқ бу йўл азалдан бўлмагай асло равон.
Сиз борурсиз.бу шарафли ҳам улуг йўлда ҳамон,
Сўнги манзил эрмас асло роҳи ижодда девон,
Тўхтамай оқсин томирда шеър ила соф қонингиз.

Энди сиз соҳиб девонсиз, даврада тўрга ўтинг,
Захмати шеър бирла оғу ютдингиз, шаккар ютинг.
Галдаги энг эзгу орзу манзилига ҳам етинг,

Илқингиздан хома ерга тушмасин, маҳкам тутинг,
Юксалиб бўлсин баланд ойдек газал хирмонингиз.

Ранжиманг тош отса сизга ногаҳон нокас, палид,
Сизда ноёб иқтидор бор ҳамда нозик дил ва дид.
Бу гўзал ашъорингиз дил қулфига бўлгай калид,
Назмингиз Нусратни доим айлагай маст, эй Фарид,
Шеър шаробидин қўйинг бўлса агар меҳмонингиз.

Август, 2008 йил.



Ҳабибулло ИСОМИДДИНОВ.

ШОИР ТАВАЛЛУДИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА

Маънавият бўстонининг кўрки ўшал Фарид Усмон,
Иқтидорли, саодатли ҳулқи гўзал Фарид Усмон.

Илҳомланиб тўлин ойдан ҳамда субҳи саболардан,
Турли-туман мавзуларда битар ғазал Фарид Усмон.

Устозларнинг нафаси бор назмларин оҳангида,
Улфат, Боқир ўғитига қилар амал Фарид Усмон.


Гоҳо шоир, гоҳ муҳаррир, қўлёзмага назар ташлар,
«Келажак»ни келажакка элтар жадал Фарид Усмон.

Авж пардада айтар не-не хонандалар ёзганларин,
Не ажабким, мангуликка қўйса ҳайкал Фарид Усмон.

Олтмиш баҳор нашидасин сурар бу кун завққа тўлиб,
Камолотга етган шоир, тўқис-туғал Фарид Усмон.

Таърифини оширибсан, Ҳабибулло, деманг дўстлар,
Ҳар қандайин мақтовларга лойиқ бу гал Фарид Усмон.

19.10.2006 йил.



Муҳаммад Мирзо,
Жалолиддин Муслим.

БУЗИЛМАС АҲД ИЛА ПАЙМОН

(Фарид Усмоннинг 60 йиллигига)

Кўнгул Анжонга илдамлар:

Яна қайтмиш ўшал дамлар.

Бугун юртингда байрамлар,

Севингай кўкдаги Чўлпон,

Фарид Усмон, Фарид Усмон.

Ёқилгай оқшом оқ шамлар,

Ярақлар кўзда шабнамлар.

Бўлур гоҳ кузда кўкчамлар,

Бўлибсан эл аро дoston.

Фарид Усмон, Фарид Усмон.

Мақоминг элни ҳам жамлар,

Жамулжам-қалби кўркчамлар.

Кутармиш боғи Эрамлар,

Синовда зътиқод, иймон.

Фарид Усмон, Фарид Усмон.

Ҳамиша яхши одамлар -

Бўлур дардинга малҳамлар.

Белингни тоза маҳкамлар,

Бузилмас аҳд ила паймон.

Фарид Усмон, Фарид Усмон.

Саҳоватпеша Ҳотамлар,

Берур гоҳида ёрдамлар.

Чиқар бир яхши тўпламлар,

Уюбсан беназир, хирмон.

Фарид Усмон, Фарид Усмон.

Биров қумғонда чой дамлар,


Ичайлик оби замзамлар.

Битар оҳиста кам-камлар,

Кўнгулда қолмагай армон.

Фарид Усмон, Фарид Усмон!

Наманган, 2006 йил.




Қобил МИРЗО.

ФАХР ЎЛДИ...

Ушбу ғазални мен учун энг қадрли бўлган дўстим Фарид Усмонга Аллоҳ таолодан янада юксак мақом ва икки дунё саодатини тилаб, ул муҳтарам зотнинг муборак олтмиш ёшлик тўйига тухфа этаман.

Фахр ўлди бу дунёга келиб, у Андижонга,
Айтилди қўшиқ, куй чалиниб, шараф шу онга.
Роҳатга чўмилди ҳама, дард қочди сўзидин,
Исо нафасин бердими дерлар, бу забонга.
Девонига ҳикмат тўлибон, тошди жавоҳир,
Уммон каби бағрида тутар дур замонга.
Саҳий, ўта камтарки, яна меҳру садоқат,
Мақтаб, оқибат кўрсатадур ҳатто ёмонга.
Оламда кўпайсин бу каби инсон Мирзо,
Номин ёзақол ибрат этиб, ҳар битта жонга.

Андижон, 2006 йил.



Ҳалим КАРИМ

МОСКВА ОҚШОМИ


(Фарид Усмонга)

Юлдузли самога рақобат қилар,
Москванинг нурафшон, ажиб оқшоми.
Вужудим улугвор туйғуга тўлар,
Мусофирхонада қочар оромим.

Сукунатни билмас пойтахти азим,
Қоронғу тош йўлда инқилоб уйғоқ.
Мен бунда барига қилсамда таъзим,
Юракда инграр юрт соғинчи бироқ.

Изтиробдан безиб, кезаман шаҳар,
Таскин бергин менга ҳайрат кечаси!
Вожаб, яна ҳам азиз туюлар,
Андижоннинг мўъжаз, сокин кўчаси.

... Шарқона конимга минг бора қуллуқ,
Қуллуқ меҳр ҳиссин бахш этган азал.
Мен букун Пушкинда олганча таълим,
Ёзмоқдаман тағин ўзбекча ғазал.




Мунаввара ТИЛЛАБОЕВА.

МУБОРАК

(Фарид Усмонга)

Соҳиби девон бўлибсиз ушбу унвон муборак,
Эзгулик йўлида топган шуҳрат-у, шон муборак.
Ошдингиз қанча довлар сарҳисобин айлабон,
Қолмади зарра кўнгилда энди армон муборак.
Қўлласин ҳазрат Навоий ҳамда Машраб руҳлари,
Ҳазрати Бобурга армон жон Андижон муборак.
Боқир, Улфат, Саъдулладан олдингиз сиз имдодлар,
Жонингиздан ортиқ ўлган монанди жон муборак.
Ҳар ғазал шавқи юракда уйғонаркан воажаб,
Иззат-у, икром ила чун даври - даврон муборак.
Эл аро нағма бўларкан куй, қўшиққа вобаста,
Қилди парвоз ул ғазаллар энди хушхон муборак.
Эй Мунаввар, куйларингдан баҳра олса жисми жон,
Булбули гўё макони Ўзбекистон муборак.



Мўмин САТТОР

ҚАДР КЕЧАСИ

(Ф. Усмондан)

Азалий битилган тақдири илоҳ,
Муаммо дафтарин ёпдими бу тун?
Қоронғулик хориб ўздан кетар чоғ,
Юракда шуълалар сочдими учкун?

... Ақл тегирмони ажратиб равон,
Келажак ва бахтнинг чиздими расмин?
Мовий торта бориб беҳудуд осмон,
Безовта кўнгилга бердими таскин?

Бу бедор кечадан топилган нажот,
Маёқ каби бўлди руҳимга ҳамроҳ.
Эй руҳ поклагувчи, сенга хасанот,
Нурли тонг бахшида айлаган илоҳ!

19.03.1999.

- Агар ҳалоллик ва тўғрилиқ, инсонийлик ва очиқкўнгиллик, дўстликни қадрлаш ва дўстнинг хато ва камчилигини бетига аямай айтиб тузаттириш каби хислатлар битта одамда мужассам бўлиши мумкинми, деб мендан сўрашса бу феълларнинг барчаси Фарид Усмонда бор деган бўлардим.

Орадан йиллар ўта боргани ва мен уни чуқурроқ ўргана борганим сайин у ўзининг соддалиги ва самимийлиги билан мендан юқорилаб, кўтарилиб кетаётганини англаяпман.

Менимча, унинг ичидаги йўлга солиб турувчи ҳакамидаги чироқ даврадош дўстлариникидан ёруғроқдай, нури табиийроқдай бўлса керак.

Балки шу табиий нур ва ички ҳакам уни элсевар ва ҳофизсевар шеърлар ёзишга ундар, балки унинг шеърлари ич ва сирт инъикосидир?

Менинг онгимда ҳар бир одам учун ажратилган токча бор, унинг токчаси менга яқинроқ ва каттароқ бўлса керак.

Баъзан «мен Фарид Усмонни кўп мақтаб юбормаяпманми» деб онгимга савол қўяман. Ундаги

одамийлик, соддалик ва камсукумлиқ, энг асосийси ҳалоллик фикрларим тўғрилигига мени ишонтираверади. Балки бу сатрлар ҳам мен тўлиқ билиб етмаган шоирнинг портретига бир чизгидир, билмадим...

05.03.2009.

- Яхши дўст-ойнадир. Биз ундан ўзимиздаги камчилик ва нуқсонларни тўғрилаймиз. У айбимизни кўрсатади.

Ёмон дўст эса синган ойна каби ҳеч нарсани кўрсатмайди. Фарид Усмон яхши дўстлигига кўп бор амин бўлганман.

29.03.2003.

- Ҳақиқат излаган эй дўст, бу йўл олис хатарли йўл
Ҳазир бўлгил, бу тўғри, лек қаю наздда зарарли йўл.
(Бу радиф Ф. Усмоннинг «Рух булбули» девонининг 137-бетидан гоё сифатида олинди).

-Кўзи камни қидирганлар тугални англамайдурлар,
Асл мантиққа етмаслар масални англамайдурлар.
Бу ғазалга Ф. Усмоннинг ғазални англамаслар бор сатри эпиграф қилиб олинди.

- Шоир ва ёзувчи ўз ижоди билан имкони борича ёвузлик ва ёмонликни таъқиб қилмоғи ҳақиқатни ҳимоя қилмоғи, ижоди билан келажак авлодни одамийликка ўргатмоғи ўзи ҳам ибрат бўлмоғи керак. Фарид акани яқиндан билганим сари уни шоир ва ёзувчи эканига амин бўлиб бораяпман.

27.05.2002.

- Гапда Т. Низом «Сурат» деган шеър ўқиди. Шеър марҳум Исмоил Тўлак ҳақида бўлиб, юракка етадиган қилиб ёзилган эди.

Шеър тугагач Ф. Усмон «шундай шеърларни эшитсанг, ўлгинг келиб кетади» деб юборди...

Фарид Усмон шеърларидаги фалсафий баё халқоналиги, арузнинг бармоққа табдили тили равонликка олиб келганини эътироф этиш жоиз. Ана шу равонлик ва фикр новаторлиги кўп шеърлари кўшиқ бўлишга олиб келган дейиш мумкин.

28.04.2006.

НАЖОТИЙ

ШОИР ТАВАЛЛУДИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА

Одамийликни азал мақсад қилиб қўйган Фарид,
Элсевар одамни жону дил билан суйган Фарид.

Дўст хатосин бетга айтиб дўст кўпайтмоқ нияти,
Тўғрилик, покликни хирмондек қилиб уйган Фарид.


Давралар, суҳбатлару, ишларда ният халқ учун,
Шеър кўшиқ бўлса садоқат мулкига йўйган Фарид.

Келгуси авлод тафаккур жабҳасида ўзса деб,
Маънавият тарқатолса руҳлари тўйган Фарид.

Шоҳимардон теграсини кезса ҳамма завқ олиб,
Шоиру рассом ва ҳофизларга қўй сўйган Фарид.

Неки ёзган бўлса унда Андижонлик тафти бор,
Бир ширин шеър дардида фикратни минг ўйган Фарид.

Тўй муборак, шу қароқўзлар қилар қуллуқ куюк,
Қадр этиб келганга қўлни кўксига қўйган Фарид.



Нусрат АБДУСАЛОМ.

ЖОНАЖОН ДЎСТЛАР АРО

(Фарид Усмонга)

Жонажон дўстлар аро ким дилкашу дилдор Фарид,
Сўзлагай кам давраларда, камтару хушёр Фарид.

Англамай қалбини зимдан, айламанг сўлга қиёс,
Қақраган сахро эмас, йўқ, бағри кенг гулзор Фарид.

Шодлигин гоҳи кўриб, асло уни бедард деманг,
Дарди ишқ бирлан фақат оғриғу бемор Фарид.


Ул бири ишқ дарди бўлса, ул бири шеър дардидир,
Ишқни жо айлаб дилига ки тузар ашъор Фарид.

Шоду қувноқ давраларда дил очар гул-гул ёниб,
Лек қочар доим ёмондан, яхшиларга ёр Фарид.

Сўзлагай ҳақ сўзни доим, йўқ хуши ёлғонга ҳеч,
Ҳақгўю лекин бировга бермагай озор Фарид.

Сўзласам такрор васфин, тонг эмас, Нусрат, мудом.
Ўзга хос инсон эрур, оламда бетақрор Фарид.

3.01.2011 йил.



Абдуғулом АБДУҒАНИ.

МУБОРАК АЙЛАГАЙ ДЎСТЛАР...

(Шоир ва адиб Фарид Усмоннинг «Хусн девони»,
«Янги ой» китобларини ўқиб)

Ҳаётни ўрганарман аввало
китоб жавонидан,
Китоб жавонида турган
ўшал «Хусн девони»дан.
Ғазаллар дуру гавҳардир
ғўзаллар бирла суҳбат ҳам,
Байтлар: Эл, азиз тупроқ,
мусаффо осмонидан.
Аруз улкан чинордирки
анинг япроқлари санъат,
Баҳрлар чайқалур бетин
фалак йиғлар фиғонидан.
Шеърият коинотида
чарақлаб «Янги ой» чиқди,
Будир «Сайланма»нинг илк забт
этилган чўнг довонидан.
Муборак айлагай дўстлар,
ғазал шайдолари шаксиз,
Мунаққид аҳли ҳам шайдир
отарлар «ўқ» камонидан.
«Ҳамиша тунларим қийноқ
билан ўтсин менинг майли»,
Битилгай бундайин ҳикмат
Фарид Усмон томонидан.
Назм боғини яшнатгач
наср бўстониға кирди,
Ниҳоллар ўтқазиб, ўтди
адиблар имтиҳонидан.
Ижодкор аҳлини халқим
азал кўзга яқин дерлар,
Ғулом дер, сақласин Сизни
Эгам кўзи ёмонидан.

«Ошуфта дил» китобидан.
«Муҳаррир» нашриёти, Тошкент - 2012.


Хурмамат ТОЖИБОЕВ,
Андижон Давлат тиллар педагогика олийгоҳи
ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси.

АНДИЖОН АДАБИЁТИ

Қўлимизда Андижон вилоятининг Асака шаҳри, Қўрғонтепа ва Избоскан туманлари босмахоналарида, шунингдек, «Андижон» нашриёти, вилоят матбуот бошқармаси «Нашриёт» бўлими томонидан чоп этилган шеърӣ ва ҳажвий китобларнинг бир дастаси турибди. Бу китоблар орасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси тарғибот маркази Андижон вилоят бўлими томонидан, улар масъуллиги, буюртмаси билан чоп этилган китоблар бадииятга, шеърӣятга яқин бўлган мажмуалардир. Улар – Фарид Усмоннинг шеър ва ғазаллари, Усмонжон Шукуровнинг ўйноқи назмлари, ривоятлари, Қобил Мирзо, Жума Шомат ва Наби Жалолиддинларнинг машқлари бўлиб, Андижон шеърӣятининг Ўзбекистон адабиёти тарозуси палласидаги салмоғини кўрсатиб турибди.

Фарид Усмон муҳаррирлик қилиб, Андижон адабиётига олиб кирган шоирларнинг машқлари ҳам алоҳида китоб бўлиб, ўз мухлислари қўлига тегди. Севимли шоиримиз Эркин Воҳидовнинг таъбири билан айтганда «қаламнинг хипчагина белига» ўз кечинмаларини юклаганлар ҳам, ўз дардларини кўтариб юришга «мажбур» қилаётганлар ҳам борлиги кўриниб қолди.

«Олтин водий» газетасининг 5 май,
1994 йил сонидан қисқартириб олинди.



ФАРИД УСМОН ЎЗИ ҲАҚИДА

Урушдан кейин туғилганман. Дадам Германия мағлуб бўлгач, Шарққа ташланган қўшинлар қаторида бўлиб, йўлдан уйга қайтган эди.

Онам айтган: «Қирқ олтинчи йилда туғилганларга давлат ҳали энди урушдан чиқиб оғир аҳволда бўлсада, ўз ҳисобидан «булар тинчлик, эзгулик фарзандлари», деган маънода, янги туғилган гўдакларни йўргаклайдиган «комплект» - гўдаклар кийимларини бепул берган.

Юртда оғирчилик эди. Шу билан бирга қирғинбарот урушдан қутилганлик боис шод-хуррамлик ҳам ҳукм сурарди. Одамлар чуқур энтикиб нафас олардиларки, бунда шукроналик ифодалари мужассамлиги сезилиб турарди.

Мен туғилган жой Андижоннинг «Чангаллик» маҳалласи дейиларди. Бир томонда «Ҳовуз бўйи», бир томонда «Шарифбой гузар», бир томонда «Шолдирама», ундан ўтса «Такабой» гузари эди. Нега «Чангаллик» дейилган деб суриштирганимда, кексалар «илгарилари атроф чангалзор бўлган» деган сўздан нарига ўтишмаган. Кейинчалик бу ерни «Корейский сад» деб ҳам атаб юришди. «Корейский сад» дейилишига сабаб, колхозга «қори ака» деган киши раислик қилган. Ўрислар шунинг учун «Карийский сад» деб айтишган. Ҳеч қандай корейс миллатига мансуб шахс яшамаган бўлсада, бу ерни «Карийский», кейинчалик «Корейский сад» деб номлашиб юборишган.

Дадам Камолхон эшон бўлиб, Усмонхўжа эшоннинг ўғли, Баҳодирхон эшоннинг набиралари эди. Баҳодир эшонни билган кексаларнинг айтишича, у кишининг «экстрасенс»лик фазилатлари ҳам бўлган. «Бировнинг боши, қорни оғриб қолган бўлса, кафтлари билан уч-тўрт силаса бас, тузалиб кетган» дейишарди.

Дадамнинг дадаси боззоз бўлган (мато билан савдо қилувчи дўкондор). Чўлпоннинг отаси Сулаймон боззоз билан бир қаторда дўкондорлик қилишган. Инқилоб

бўлганда, яъни 17-йилда «юрт бузилди, энди худосизлар хукмронлик қилади», деб Маккаи Мадинага қараб кетган. Билганларнинг гапига қараганда ўша жойда ҳаж амалларини бажариб туриб, бандаликни бажо келтирган.

Дадам анчайин саводли бўлган. Арабий ёзувдаги китобларни ҳам, кирил ёзувидаги китобларни ҳам бемалол ўқий олар ва равон ёза оларди. Ёшлигидан дадаси дўконда ёрдамлашиб юргани учун кейинчалик савдо ишларида хизмат қилган.

Онам Робияхон Узоқвой қорининг қизи эди. Узоқвой қорининг отаси Қирғизалибой инқилобгача катта ер эгаларидан бўлган. Ҳаммани «тенглаштириш»га ҳаракат қилган инқилоб Узоқвой қорини ҳам умр бўйи камбағал яшашга маҳкум этган. Лекин шунга қарамай ўттиз пора Қуръони Каримни отам раҳматли кечаю кундуз такрорлаб юрган.

Мактабга қатнай бошлаганимда ҳисоб дарсларимни бажаришда (ҳозирги математика фани) кўпинча отам - Узоқвой қори ёрдам қилардилар. Айвондаги сўрида ўтириб дарс қилардим. Отам уйнинг ичида, деразанинг олдида, айвондан тушган ёруғликда болишнинг устига қуръон китобини кўйиб қироатга киришар, қуръон сураларининг жозибадор, сеҳрли жарангига қулоқ солган ҳолда мен дам она тилидан, дам ҳисобдан мактабда берилган уй вазифаларини бажарардим. Қийналиб қолсам отамдан сўрардим. Кўпинча ҳисоб қийнарди. Шунда отам қироатдан тўхтаб:

- Ўқичи, - дердилар.

Кўшиш, бўлиш, баъзан кўпайтирилиши керак бўлган сонларни ўқиб берардим. Отам қуръон китобидан нигоҳини олиб, қора-оқ аралаш узун соқолларини силаб туриб амалларни оғзаки айтарди. Кейин:

- Ёз, - дердилар. - Тушуниб олдингми энди, - деб қўярдилар орқасидан. Яна жарангдор овозлари билан оятлар қироатига берилар эди.

Кейинчалик «шеърятга қизиқишимга, бадий тафаккурга ошно бўлиб қолишимга, балки отам томонидан қуръон-илоҳий каломнинг жозибадор ўқилиши, унга ҳали оламнинг унчалик нима эканлигини англаб етмаган болалик туйғуларим завқ-шавқи сабабмикин-а» деб ўйланиб қоламан баъзан. Нима бўлганда ҳам қалбдан дунёнинг гўзаллигини англашлик ана шу сархушлиқдан бошланган бўлса ажаб эмас... Яратган Эгамнинг ўзига шукроналар бўлсин. Раҳматлик отамнинг ҳақиқа шунинг учун тез-тез дуолар қилиб тураман. Аллоҳ ўзи раҳматига олган бўлиб, охиратларини обод қилган бўлсин!

Урушдан кейинги оғирчиликларни барча қатори отам ҳам тортди. Бир бурда нон топиш учун қаттиқ ишлашга тўғри келарди. Отамнинг ўғли йўқ эди. Икки қизи, яъни онам ва холам бор эди. Холам касал бўлгани учун турмушга чиқмади. Фарзандлари ўлиб-ўлиб шу икки қизи билан қолгани учун баъзан катта бувим гудраниб «бу чолга неча марта айтдим-а, уйлан деб, уйланса бирорта ўғил кўрармиди... қариганда ёрдамчи бўлиб қоларди», деб қўяр эдилар. Отам эса:

- Хаҳ кўйсангчи бу гапларингни, - деб қўярди, холос.

Катта бувим ҳам эски қизлар мактабида ўқиган эди. Сўзамол бўлиб, ҳар гапида албатта халқ мақол ва маталларини ишлатарди. Бундан ташқари менга китоб ўқитиб эшитишни яхши кўрарди. Узун қиш кунларида сандалда ўтириб кутубхонадан олиб келганим «Равшан ва Зулхумор», «Аваз», «Ойбарчин», «Алпомиш» дostonларини ўқиб берардим. Кўзойнак таққан ҳолда катта бувим чорси тикиб ўтириб, тингларкан китоб охирида ҳақимга дуо қиларди.

Ҳали у пайтларда хонадонларга электр кириб келмаган эди. Кечқурунлари керосин лампа ёқиб ўтириларди. Уйларнинг поли йўқ. Ерга похол ёки бўйра солинарди. Қишда заҳ чиқмасин деб бўйра устига похол тўшалар, похол устидан эса шолча солишарди. Ёмғирли кунларда уйлардан чакка ўтганлари ёдимда. Ҳозиргидек шифрли томлар қаёқда

дейсиз. Одамлар ёзда томларини сомонли лой билан сувашарди. Икки йилда бир том сувашга ҳамма мажбур эди. Сувамаса чакка ўтарди.

Қисқаси, эгнимизда оқ кўйлак, бўйнимизда қизил галстук билан мактабга қатнасақ ҳам, ҳаёт кечириб анча оғир эди. Изғиринли кунларда йиртиқ калишни судраган ҳолда эрталабдан нон деб нон дўконлари олдида навбатга туришга тўғри келарди. Гўшт ҳам анча қийинчилик билан истеъмол қилинарди. Одамларнинг юзларидан ҳали тупроқ ёғилиб турар, тиззасига, кетига ямоқ солинган тринка шим кийиш у пайтларда уят ҳисобланмасди.

Сиёсатдонлар «халқлар даҳоси» деб айтишган шахсга сиғинишнинг отаси бўлмиш Сталин - вафот қилган йили биринчи синфга бордим.

Сентябрь тонги. Ҳаво илиқ. Ҳамма гуллар билан мактаб остонасидан ўтиб, кенг саҳнда тўпланишган. Биринчи синфга келганлар иккита-иккита бўлиб саф тортишиб турибди. Мен латта сумка боғичини елкамдан ошириб, ёнимга осилтириб олганман. Ичида дафтар, китоблар. Сумканинг қорнида - сиёҳдон соладиган жойида шиша сиёҳдон. Ҳар замон уни кафтларим билан силаб қўяман. Нариди онам аёллар даврасида.

Бизни букри, пастаккина татар аёли етаклаб, синфга олиб кириб кетди. Ёши бир жойга бориб қолган бу хотин ўқитувчимиз эди.

Шу йили Сталин ўлди. Одамлар ҳали чордеворлар ичида яшашарди. Кўчамиз ёзда тизза бўйи тупроқ, қишда тизза бўйи лой бўларди. Ҳозиргидек асфальт кўчалар йўқ. Фақат шаҳарда битта тош терилган кўча бўларди. У ҳам бўлса Чоргузардан ўтган, эски шаҳар билан янги шаҳарни боғлаб турувчи кўча эди. Машина деярли йўқ эди. Бир марта кўрганман кўчамиздан «Полотурка» - (Киноларда «Ленин» юрган) машинаси ўтгани ҳозиргача кўз олдимда туради. Кун бўйи битта-иккита от ёки эшак арава ўтса ўтарди бўлмаса йўқ. Буларни шунинг учун ёзаяпманки, ўтган асрнинг 50-55

йилларида Андижон жудайла обод эмас эди. Салкам 50-60 йил мобайнида шахримиз ақл бовар қилмайдиган даражада обод бўлди, ривожланди. Кўркам ва гўзал замонавий шаҳарга айланди.

Сталин ўлганда бутун мамлакат мотам тутди. Ёши катта одамлар, чол-кампира, Сталин ўлгани учун кўз ёши тўкканлари эсимда. Аслида Сталин қаердаю, Ўзбекистон, Андижон қаерда эди бўлмасам. Лекин одамлар йиғи-сиғи қилганини яхши биламан. Чунки сиёсат шундай эди. Одамларнинг худди ота-онаси ўлгандай йиғлашларида ҳам сиёсатнинг таъсири кучли эканлиги маълум эди. Кейинчалик буни англаб етгандек бўлдик ҳам.

Мактабда яхши ўқиб кетдим. Лекин бешинчи синфларга борганда бир оз «айнидим». Нимагадир ўқигим келмай қолди. Мактабга боришга юрагим безилларди. Яхши ўқишимга қарамай, мактабга боришдан бош торта бошладим.

- Ўқимайман, - дедим бир куни бувимга. Онамни буви дердим.

- Ўқийсан, - деди онам. - Ўқимасанг одам бўлмайсан. Ўқишинг керак. Ол сумкани. Энди биринчи синфдаги латта сумкамас, магазиндан сотиб олинган чарм сумка қўлимда. Ичи тўла китоб эди.

- Ол, - деди онам, пўписа қилиб. Сумкани олдим.

- Қани, жўна! - Онам яна сиёсат қилди. Ҳовлига қараб юрдим. Даричадан чиқаётиб

- Бормайман, - деб бақирдим. Онам ортимдан «қани, бормай кўрчи», - деб кувиб қолди. Қочиб бораётиб, китоб дафтар тўла сумкамни суви шарқираб оқаётган ариққа улоқтирдим. Ўзим четан тўсиқдан ирғиб ўтиб, бедапоя тарафга қараб қочдим. Кун бўйи колхоз ўрикзориди ўйнаб, кеч ғира-ширада уйга қайтдим. Ҳеч гап бўлмади.

Эрталаб яна ўша ғалва бошланди. Онам мени маҳкам ушлаб, қўлимга сумкани тутқазди. Иккинчи қўлимдан тутганча елкамга бир мушт урди. Шу урганча уриб, судраб

мактабга олиб борди. Кетаётиб китоб ва дафтарларни, сумкани қуритганини писанда қилиб қўйди.

- Ўқийсан, - деди. - Ўқимасанг одам бўлмайсан.

Бу бошланғич синфда чала-чулпа ўқиб, ўқишни давом эттиролмаган илм-маърифатга ишонч билан қараган онажонимнинг армонли гапи эди. Онам мени нега ўқишга, илм олишга зўрлаганини кейинчалик англаб етдим. Онамнинг на хунари бор эди, на саводи. Оиладаги қийинчилик ана шундай қилиб қўйганди. Ишга кирай деса саводи йўқ. Тирикчилик қилай деса хунари. Шунинг учун онам менинг келажагимни ўйлаб ўқишимни, илм олишимни жуда-жуда истар эди. Шундан кейин ўқиб кетдим.

Лекин еттинчи синфни битирганимдан кейин кечки мактабда ўқишга мажбур бўлдим. Оилада янада тақчиллик бошланди. Бир буханка нонга баъзан пул тополмай қолардик. «Семичкапуриш»лик қилишларим «иш» бермади. Мактабни ташлаб кечки ишчи-ёшлар мактабига ўтиб кетдим. Токарга шогирд бўлиб заводга ишга кирдим.

Ўша пайтларда қаерда завод бўлса, у ерда кўпчиликни ўрис, татарлар ташкил қиларди. Завод директорлари, албатта ўрис ёки татар, умуман ўзбекларга мансуб бўлмаган бошқа миллат вакилларидан бўларди. Нимагадир заводларда ўрислар томонидан миллатчилик сиёсати, ошкора бўлмасада, пинҳона олиб бориларди. Кўпчилик ўзбеклар камситиларди. Катталар бепарво, ёш бўлганимиз учун эса, бунга биз каби ўсмирлар чидардигу лекин юрагимизда нафратланиш ҳисси улғаярди. Умуман мамлакатдаги «руслаштириш сиёсати» одамларни оғиз очишга қўймас эди. Гўё ҳаммаси табиийдек. Шундай бўлиши керакдек эди.

Онам бир куни

- Шаробиддин, ўқишинг керак, - деб қолди. - Ўқимасанг бўлмайди, болам. Илмли бўлсанг, ҳаётинг яхши кечади. Мен бунга ишонаман...

Бувимнинг бу гапини секин мулоҳаза қила бордим. Қолаверса, ҳам кечки, ҳам кундузги мактабда она тили ва адабиётдан дарс берувчи ўқитувчим Исомиддин Зокиров адабиёт дарсларини қизиқарли қилиб ўтардики, мен секин-аста Фурқат, Муқимий, Завқий каби шоирлар ижодини ўргана бошладим. Уларни мустақил ўқиб бордим. Шу билан бирга ҳали ҳеч кимга кўрсатмасдан шеърлар ҳам ёза бошладим. Машқларим асосан ўрганаётганим мумтоз шоирлар ижодига тақлид эди холос...

Ҳа, айтгандай, менинг исмим Шаробиддин эди. Азон чақирилиб қўйилган исмим, оиламиз, қариндош-уруғ, маҳалла-қўй, айтиб чақирадиган исмим шу эди. Фарид бўлиб қолишимга, метирка - туғилганлигим тўғрисидаги гувоҳномани «ЗАГС бюро»дан олган холам сабабчи бўлган. Холам «исми нима?» деб сўрашганда акамнинг исми Фатҳиддинга мос бўлсин деб, Фариддин деб айтган. Гувоҳнома ёзаётган татарми, ўрисми, эҳтимол ўрис миллатига мансуб аёл соддагина қилиб «Фарид» дея ёзиб қўяверган. Шундай қилиб ҳужжатда Фарид, бу ёқда Шаробиддин бўлиб қолганман.

Шаробиддин исмининг қўйилиши ҳам тасодифий эмас, заруратдан бўлган. Дадамнинг укаси Шаҳобиддин амаким урушга олиниб, бедарак кетган. Унинг хотирасигами ёки оҳангдош бўлсин дейишибми, Шаробиддин деб қўлоғимга азон чақирганлари рост. Кейинчалик бувим шуларни айтиб менга тушунтирган эди.

Кундузи ишлаб, кечкурун ўқидим. Шундай қилмасам бўлмасди. Оилада катта бувим (онамнинг онаси), холам, синглим, онам ва мен эдик. Пул ишлаб топадиган кимсанинг ўзи йўқ ҳисобида эди. Касал холамнинг тикиб сотган дўпписидан оширилган маблағ ҳисобига яшардик. Дадам тўхмат билан қамалиб кетганди. Отам ўлганди. Акам Фатҳиддиннинг ўлганини эсполмайман. Бирдан бир ишга яроқли мен эдим. Бир куни тандир тагидаги катақда турган бир дона оқ товўғимиз энг охирги илинжимизни бувим «Янги

бозор»га олиб бориб сотиб, нон ва рўзгорга майда-чуйдалар олиб келгани ёдимда.


Ҳар ҳолда кечки мактабнинг ўн биринчи синфини ҳамма фанлардан уч, биргина адабиётдан тўрт баҳо олиб тамомладим. Ана шундай шаҳодатнома билан институтнинг филология факультетига ҳужжатларни топшириб, ўқишга кириб олишга эришдим. Ҳеч қандай порасиз, илтимоссиз адабиётга ихлоси баланд бир ўсмир олий маълумот олиш шарафига муяссар бўлганининг ўзи ҳам, албатта, фалсафа тили билан айтганимизда ҳеч қандай тарихий зарурият эмас, балки, шунчаки бир тасодифий ҳодиса бўлса керак.

Ижодим, тўғрироғи илк шеърый машқларим намуналари институтнинг партия ташкилоти ва касаба уюшмалари кўмитаси органи бўлган, анчайин эътиборли деворий газета «Педагог»да чиқа бошлади. Кейинроқ раҳматли курсдошим, ажойиб, бағри кенг, ғайратли инсон, республикамизда тенги йўқ журналист, заҳматкаш ёзувчи, «Нодирабегим», «Нўхатполвоннинг саргузаштлари» каби бадиий, етук асарларнинг муаллифи, дўстим Мирзакарим Пирматов (Биз уни Мирзо дер эдик) курсимиздаги ёш шоир ва ёзувчилар асарларини матбуот саҳифаларида кўринишига амалий ёрдам қилиб борди.

Мирзо ўқишни битириб ҳарбий хизматдан қайтгач, «Ёш ленинчи» (ҳозирги «Туркистон») газетасида Тошкентда ишлаб қолди. У шеърларимни сўраб олиб, «Оқ йўл, Фарид» сарлавҳасида расмим билан эълон қилди. Бу шеърларимнинг жамоатчилик ҳукмига илк бор ҳавора этилиши эди. Шундан кейин Андижонимизда чиқадиган «Коммунист» (ҳозирги «Андижоннома») газетасида ижодимга яна «Оқ йўл» тиланди. Мирзонинг ёрдами билан атоқли шоиримиз Эркин Воҳидов билан учрашувлар, Абдулла Орипов суҳбатларида бўлиш аста-секин адабий жараёнга яқинлашишимга, ўз устимда қаттиқ ишлашимга, ижоднинг моҳиятини англаб етишимга кўмаклашди. Москва Жаҳон адабиёти институтидаги икки йиллик сабоқ ҳам

дунёқарашимда катта ўзгариш ясади. Бадиий тафаккурнинг талабларига юқориорқдан туриб қарашга ўргандим. Ижод - фақат ёзиш дегани эмас, ижод-мушоҳада, тасаввур теранлиги эканини англаб етгандек бўлдим. Билдим, имконият қўлдан бой берилмаса, ҳаёт заҳматларини чуқур идрок қилган ҳолда яшаш санъатини ўзи учун ярата олиш ҳам бир буюк ижод экан. «Бу иккиси уйғунлашган жойдагина ҳақиқий ижод бошланса керак», деб ўйлаб қоламан баъзан...

Тўғриси айтиб тан олишимиз керак, кейинги эллик йил мобайнида халқимизнинг турмуш маданияти беқиёс даражада ўсди. Айниқса, мустақиллик йилларида юртимизда улкан муваффақиятлар қўлга киритилди. Мамлакат ободлиги ҳақида тўлқинланиб, Аллоҳга мингдан минг шукроналар айтиб гапирсак арзийди. Сабаби, бизга, боболардан мерос бу юрт кўркамлашиб бормоқда. Ҳамиша шундай бўлаверсин!



МУНДАРИЖА

Миннатдорчилик	3
Й.Солижонов. Ғазал сеҳри ва меҳри	5
М.М.Андижоний. Шоир ҳикояларида ҳаёт ҳақиқати	12
А.Нурмонов, Ҳ.Карим. «Сўзинг булбул эса бўстонсиз қолмас»	17
Й.Солижонов. А.Иброҳимов. Фаридун ғазаллар	20
С.Мирзаева. Рухиятдаги кечинмалар талқини	26
Н.Нарзуллаев. Андижонда бир ишқли дил бор	31
М.М.Андижоний. Рух булбули наволари	35
Т.Низом. "Рух булбули" хонишлари	45
Д.Қурононов. «Жон қуши»	49
Ж.Камол. Ғазал сеҳри	53
О.Холдор. Қўшиқларнинг янги ранглари	54
Т.Раҳматуллаев. Ошиқ дил наволари	58
М.Тиллабоева. Муҳаббат ва яна муҳаббат	59
А.Абдунаби ўғли. Ишқли дил соҳиби	61
Н.Жалолиддин. «Мени сев»	63
А.Аҳмедов. «Туш»нинг таъбири ёки тарихни англаш сири	63
Ғ.Мажидий. Шоир ижодига бир назар	66
И.Мансур. Рухиятнинг тиниқ чизгилари	68
З.Мирзаева. Кўнгилга яқин овозлар	70
Т.Низом. Тўлин ой ёғдуси	71
«Янги ой»	72
Н.Умаров. Ардоқли фарзанд	73
Ёлғизлик, етмадим асло қадринга!	74
Ҳ.Тожибоев. Танҳо қадрдоним ўзинг	76
Б.Жалилов. Камолот нишони	78
Шоир ва носир	80
Қ.Мирзо. Садоқатли дўст, фидойи инсон	83
А.Абдунаби ўғли. Адиб номаи аъмолидан	84
Нурли шуъла	86
Ҳ.Сиддиқ. Эзгу туйгулар куйчиси	87
Қутлаймиз	91
Ҳ.Сиддиқ. Юксалиш йўли	93
М.Норхўжаев. Мумтоз шеърят ихлосманди	94
Шоир, ёзувчи, публицист	96
Муборак бўлсин	97
Дилбар БОНУ. Ўзбекистон шоирларининг хати	97

О.Худойбердиев. Андижон азалдан, шоирлар кони	99
Н. Абдусаломов. Қолмасин армонингиз	100
Ҳ.Исомиддинов. Маънавият бўстонининг	102
М.Мирзо. Бузилмас аҳд ила паймон	103
Қ.Мирзо. Фахр ўлди	104
Ҳ.Карим. Москва оқшоми	105
М.Тиллабоева. Муборак	106
М.Саттор. Қадр кечаси	107
Нажотий. Одамийликни азал...	109
Н.Абдусалом. Жонажон дўстлар аро	110
А.Абдуғани. Муборак айлағай дўстлар...	111
Ҳ.Тожибоев. Андижон адабиёти	112
Фарид Усмон ўзи ҳақида	113

Адабий-бадий нашр
СЎЗИНГ БУЛБУЛ ЭСА БЎСТОНСИЗ ҚОЛМАС
(Фарид Усмон ижоди ҳақида)

Муҳаррир	Н. Юлдашева.
Техн. муҳаррир	М. Мирзакаримова.
Мусахҳиҳ	Н. Тожиматова.
Мусаввир	А.Мамиталиев.
Саҳифаловчи	Ҳ. Парпиев.

Ноширлик лицензияси АИ № 175. 11.06.2010 йил.

Босмахонага 2013 йил 1 мартда берилди. Босишга 2013 йил 20 июнда рухсат этилди. Бичими 84x108 1/32. Ҳажми 3,9 босма табақ. Нашриёт табағи 6,2. Arial гарнитураси, офсет қоғози, офсет усулида чоп этилди. Буюртма 1172. Адади 500 нусха.

«Andijon nashriyot-matbaa» МЧДЖ босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Андижон шаҳри, Навоий шоҳқўчаси, 71-уй.

Арабий-фарабий наво
СУЗНИ БУИШУЛ ЭСА БУСТОНСИЗ КОЛЕЛАС
(Фарид Усмои наводи ширини)

Муҳаррир: Ҳ. Қодирова
Тех. муҳаррир: М. Қодирова
Масъул: М. Қодирова
Муҳаррир: А. Абдулқодирова
Сарҳатдор: М. Қодирова

ISBN 978-9943-4137-4-0



978-9943-4137-4-0

